

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

7-сон
(819)
2018 йил
19 февраль

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

118. «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги ПҚ–3528-сон қарори [Кўчирма]
119. «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги ПҚ–3532-сон қарори

Учинчи бўлим

120. «Давлат божи ставкаларига ўзгартириш киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 февралдаги 123-сон қарори

Бешинчи бўлим

121. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2018 йил 19 январдаги 42-сон «Экинбоп уруғликлар етиштириш мақсадида экилган навли қишлоқ хўжалик экинларини апробация қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 12 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2593-2*)
122. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 23 январдаги 01/19-10/06-сон «Риэлторнинг малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 12 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2236-3*)
123. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 23 январдаги 01/19-10/07-сон «Баҳоловчи малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 12 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1840-3*)
124. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 30 январдаги 25-сон «Қамоқ жазосига ва озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган, алкоголизм, гиёхвандлик ва заҳарвандликка йўлиққан шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 12 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2591-1*)
125. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлигининг 2018 йил 5 февралдаги 67-сон «Йўналишсиз таксилар учун ҳисоблагичлар (таксометрлар) ва таниш белгиларини етказиб бериш бўйича юридик шахсларни танлов асосида танлаб олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 12 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2256-1*)
126. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 13 февралдаги 85-мх-сон «Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат ходимларини мартаба даражалари бўйича аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандига қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 13 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2919-1*)
127. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 13 февралдаги

86-мх-сон «Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат ходимларига мартаба даражалари бериш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 13 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2920-2*)

128. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил 26 декабрдаги 182-сон «Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 15 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2971*)
129. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил 26 декабрдаги 181-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган ташкилотларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 15 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2270-1*)
130. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 9 январдаги 3, 01/29-10/02-сон «Давлат улушларини ишончли бошқариш ва акциядорлик жамиятларини бошқаришда иштирок этиш махсус ҳуқуқи («олтин акция») бўйича давлат вакилларининг хизмат ҳақи тўловларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 15 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2263-2*)
132. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 14 январдаги 13-сон «Хорижий давлатлар таълим муассасаларида ўқиш учун танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 16 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2972*)
133. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг 2018 йил 15 февралдаги 1, 6-қ/қ, 28-сон «Давлат нотариал идоралари ва нотариал архивлар фаолиятини молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 16 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2168-4*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2018 йил 10 февралдан 16 февралгача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

118 Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқ-бузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида*

[Кўчирма]

Жамоат тартибини сақлаш, авваламбор, вояга етмаган ва ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмаларнинг бузғунчи таҳдидларни барвақт аниқлаш бўйича яқдил ҳаракатларни, уларни ҳамкорликда ва сифатли бартараф этилишини таъминлаш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ:

1. Қуйидагилар Тошкент шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмаларининг жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини келгусида ташкил этишнинг устувор йўналишлари деб ҳисоблансин:

биринчидан, тараққий этаётган пойтахт хавфсизлигининг гарови сифатида ҳаракатлар яқдиллиги асосида барча давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорлик қилишнинг амалий механизминини жорий этиш;

иккинчидан, «Жаҳолатга қарши маърифат» эзгу ғояси асосида ҳар бир маҳалла кесимида диний-экстремистик хусусиятга эга бўлган ҳуқуқбузарликларни содир этиш сабаб ва шарт-шароитларини барвақт аниқлаш ва бартараф этишга, биринчи навбатда, экстремистик оқим мафкураси таъсири остига тушиб қолган шахсларни тузатишга алоҳида эътибор қаратиш;

учинчидан, прокуратура органлари томонидан кундалик асосда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга, шу жумладан, иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлашга амалий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, аниқланган қонунбузарликлар, сунъий тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш бўйича зарур чоралар кўриш;

тўртинчидан, аҳолига энг яқин бўлган жойларда куч ва воситалар фаолиятини бевосита бошқариш ва мувофиқлаштиришнинг самарали тизимини

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 15 февралда эълон қилинган.

яратиш мақсадида Тошкент шаҳар ички ишлар органларининг амалдаги тузилмасини такомиллаштириш;

бешинчидан, Тошкент шаҳар ички ишлар органлари шахсий таркибининг интеллектуал ва касбий даражасини ошириш, уларга қўшимча тадбир ва ишлардаги иштироки туфайли ортиқча вазифалар юкланишини бартараф этиш мақсадида соҳавий хизматлар ўртасидаги вазифаларнинг аниқ чегараларини белгилаш;

олтинчидан, жиноятларга чоралар кўриш ва уларни фош этишда, биринчи навбатда, тезкорлик ва мувофиқлашган ҳамкорликни таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларини «Хавфсиз шаҳар» аппарат-дастурий комплекси имкониятларидан кенг фойдаланишга йўналтириш.

2. Тошкент шаҳридаги туман ички ишлар бошқармалари (бўлими) негизида туманларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар (кейинги ўринларда — секторлар) ҳудудлари доирасида куч ва воситаларни мақсадли тақсимлаган ҳолда ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармалари (кейинги ўринларда — мувофиқлаштириш бошқармалари) ташкил этилсин.

Мувофиқлаштириш бошқармаларининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

ички ишлар органлари бўлинмалари фаолиятини таҳлил қилиш, режалаштириш ва ташкил этиш, секторларга бўлиш тамойили асосида туман ҳудуди доирасида реал вужудга келган тезкор ва криминоген вазиятни ҳисобга олган ҳолда мавжуд куч ва воситаларни тақсимлаш;

халқ билан манзилли мулоқотни, фуқароларнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этишда ҳар томонлама кўмаклашишни, секторларга бириктирилган давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан узвий ҳамкорликни ташкил этиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқилиши, жамоат тартиби самарали сақланиши, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикаси ва олди олиниши, содир этилаётган жиноятларга тезкор чоралар кўрилишини таъминлаш.

3. Тошкент шаҳридаги шаҳар ички ишлар бўлимлари ички ишлар бўлимлари сифатида қайта ташкил этилсин ва улар зиммасига секторлар ҳудудларида жамоат тартиби сақланиши, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишни амалга ошириш учун жавобгарлик юклатилсин.

Ички ишлар бўлимлари раҳбарларига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

бириктирилган ҳудуд доирасида ички ишлар бўлими зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш бўйича мустақил қарорлар қабул қилиш;

қўл остидагилар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган таъсирчан чоралар ишлаб чиқиш, бириктирилган патруль-пост хизмати нарядларининг кундалик дислокациясини белгилаш;

бириктирилган ҳудуддаги тезкор ва криминоген вазиятни ҳисобга олган ҳолда ҳамда фавқулодда вазиятлар юзага келганда ички ишлар бўлими куч ва воситаларини жойлаштиришни амалга ошириш.

4. Қўйидаги лавозимлар киритилсин:

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари — Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси (кейинги ўринларда — Бош бошқарма) бошлиғи, унга жамоат тартибини самарали сақлашни, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишни таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳрининг барча ички ишлар органлари фаолиятини, шу жумладан бириктирилган куч ва воситаларни мувофиқлаштириш ҳуқуқи берилсин;

Бош бошқарма бошлигининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари — профилактика инспекторларининг, энг аввало, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш борасидаги самарали фаолиятини ташкил этиш, ушбу йўналишда барча соҳавий хизматларнинг ўзаро мувофиқлашган ҳамкорлигини таъминлаш учун жавобгар;

мувофиқлаштириш бошқармаси бошлигининг маслаҳатчиси — жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида катта амалий иш тажрибасига ҳамда ушбу органлар тизимида обрў ва ҳурматга эга бўлган ички ишлар органларининг пенсионерлари орасидан жамоатчилик асосида жамланади ва унга тўланаётган пенсиясининг 30 фоизи миқдорида бюджет маблағлари ҳисобидан ойлик устама ҳақ белгиланади.

5. Қўйидагича тартиб ўрнатилсин:

а) Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари — Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи:

ҳар ўн кунда Тошкент шаҳар аҳолиси билан пойтахт ички ишлар органлари фаолияти масалалари бўйича маҳаллий телеканаллар эфирларида махсус кўрсатувларни бериб бориш орқали очиқ мулоқотни ўтказиши;

ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Президентига пойтахтда жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳисобот тақдим этади;

б) мувофиқлаштириш бошқармалари бошлиқлари ҳар чоракда, уларнинг ўринбосарлари эса ҳар ойда Тошкент шаҳри туманлари халқ депутатлари Кенгашлари мажлисларида ҳисобот берадилар, бунда улар томонидан юклатилган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар танқидий руҳда муҳокама қилинади, уларнинг фаолияти самарадорлигига баҳо берилади, шунингдек, эгаллаб турган лавозимига лойиқ ёки нолойиқлиги тўғрисида тавсиялар қабул қилинади;

в) ички ишлар бўлимлари бошлиқлари ҳар ойда аҳоли олдида бириктирилган ҳудудларда, ҳар олти ой давомида ушбу ҳудудда истиқомат қилувчи барча оилаларни қамраб олган ҳолда, улар томонидан жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида қабул қилинаётган чоралар юзасидан ҳисобот берадилар;

г) ички ишлар бўлимларининг профилактика инспекторларига:

хизмат ўташ вақтида агарда бириктирилган ҳудудда тезкор-профилактик хизмат кўрсатилмай қолишига олиб келадиган бўлса, ҳудудни ташлаб кетишга рухсат берилмайди;

уларга юклатилган вазифаларни бажариш учун, биринчи навбатда, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда республика миқёсида бир-бирларига ижро этилиши мажбурий бўлган, тадбирларни ўтказиш ва маълумот тўплаш бўйича топшириқлар бериш ҳуқуқи берилади.

6. Белгилансинки:

ички ишлар бўлимлари бошлиқлари лавозимлари устуворлик асосида профилактика катта инспекторлари орасидан жамланади;

интизомий жазо чораси сифатида ёхуд бошқа салбий ҳолатларга кўра, ички ишлар органларининг бошқа бўлимларидан ўтказилаётган ходимларни Тошкент шаҳри профилактика инспекторлари лавозимларига тайинлашга йўл қўйилмайди;

Тошкент шаҳри профилактика инспекторлари лавозим бўйича бириктирилган ҳудуддаги фуқаролар йиғини кенгашлари таркибига киради;

янги тайинланган Тошкент шаҳри профилактика инспекторларини маҳалла фуқаролар йиғини олдида таништириш мажбурий тартибда туман ҳокими ва прокурори, мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи томонидан амалга оширилади;

Тошкент шаҳри профилактика инспекторларининг ҳудудлараро ротацияси фақатгина Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари — Бош бошқарма бошлиғи билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

Бош бошқармага хизматга, истисно тариқасида, Тошкент шаҳрида доимий пропискага эга бўлмаган фуқаролар орасидан ҳам номзодларни танлаш ва қабул қилишга рухсат берилади.

7. Тошкент шаҳри ички ишлар органлари профилактика инспекторлари зиммасига, қонун ҳужжатларида назарда тутилган вазифалар билан бир қаторда, қуйидагилар ҳам юклатилсин:

бириктирилган ҳудудда истиқомат қилувчи шахсларни ўрганиш ва келгусида уларнинг ҳар бирига ғайриижтимоий ёки бошқа ҳуқуққа хилоф ҳуқуқатвор эҳтимоли нуқтаи назаридан индивидуал ташхис қўйиш ҳамда профилактик аҳамиятга эга таъсирчан чораларни кўриш;

маҳаллада криминоген вазиятни яхшилашнинг энг муҳим омили сифатида бириктирилган ҳудудда тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш ва аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлашга йўналтирилган чораларни амалга ошириш.

8. 2018 йил 1 апрелдан қуйидагилар амалиётга жорий қилинсин:

ички ишлар бўлимлари томонидан жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини рейтинг тизимида баҳолашни ўтказиш ва бунда юқори натижаларга эришган ички ишлар бўлимларини, шу жумладан, уларнинг ходимларини моддий рағбатлантириш, шунинг-

дек, юклатилган вазифаларни лозим даражада бажармаганлик учун жазо чораларини назарда тутиш;

Бош бошқарманинг «102» ягона телефон рақами бўйича келиб тушаётган жиноятлар тўғрисидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотларни терговга қадар текширув якунлари бўйича қабул қилинадиган жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарорларни расмийлаштиришнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш;

ички ишлар бўлимларида ўтказиладиган йўриқнома беришда Тошкент шаҳар маҳалла фуқаролар йиғини раислари ва «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбарининг кундалик иштирок этиши.

9. Бош бошқарма Матбуот хизмати Бош бошқарма Ахборот мультимедия маркази (кейинги ўринларда — Мультимедия маркази) этиб қайта ташкил этилсин, унинг асосий вазифалари этиб ўз ичига қўйидагиларни қамраб олувчи материалларни ижодий ёндашув асосида тайёрлаш ҳамда кунлик эфирга узатишни, шу жумладан, Интернет тармоғига жойлаштиришни таъминлаш белгилансин:

Тошкент шаҳрида содир этилган, айниқса, жамоатчилик ўртасида шовшувга сабаб бўлган жиноят ва ҳодисалар тўғрисидаги холис маълумотлар;

жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари иш жараёни ва эришилган натижалар ҳақидаги маълумотлар;

ички ишлар органлари фаолиятини обрўсизлантирадиган ишончсиз ва нотўғри маълумотларга раддия бериш.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан:

Мультимедия маркази ходимларига лавозим маошининг 100 фоизи миқдориди ойлик устама тўланади;

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари — Бош бошқарма бошлиғига Мультимедия марказига мутахассислар (мухбир, оператор, видеомонтажчи, IT-мутахассис, студия-аппарат мажмуаси муҳандиси ва бошқалар)ни меҳнат бозорининг амалдаги конъюктурасини ҳисобга олиб, тўлов миқдорини белгилаган ҳолда шартнома асосида ишга жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

20. Тошкент шаҳар ҳокимлиги:

а) туманлар секторлари раҳбарлари билан биргаликда бир ҳафталик муддатда ушбу қарорга мувофиқ секторларга ички ишлар бўлимлари бириктирилишини ҳисобга олган ҳолда ҳудудларнинг тақсимланиши чегаралари қайта кўриб чиқилишини таъминлансин;

б) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда:

ички ишлар бўлимларини кенгайтириш ва моддий-техник жиҳозлаш, шу жумладан, янги ташкил этилаётганларини жойлаштириш, шунингдек, хизмат ўташнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда уларнинг тўлақонли фаолият кўрсатишини таъминлаш учун зарур бошқа ташкилий масалаларни ҳал этиш;

Тошкент шаҳрининг йирик бозорлари ва савдо мажмуаларида ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида хизмат кўрсатиш бўйича шартномалар тузиш чораларини кўрсин;

в) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда ички ишлар бўлимлари ходимларини, биринчи навбатда, профилактика инспекторлари ва тезкор вакилларини мақсадли дастурий таъминот ўрнатилган ва ички ишлар органлари электрон ахборот тизимларининг маълумотлар базаларига уланган хизмат уяли телефонлари (планшетлар) билан босқичма-босқич таъминласин;

г) манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда давлат солиқ хизмати, санитария-эпидемиология назорати, соғлиқни сақлаш ва давлат ветеринария хизмати бўлинмаларининг Тошкент шаҳри бозорлари ва савдо комплексларида хизмат олиб бориш тартибини, уларнинг фаолиятини шартнома асосида ташкил этиш имкониятини назарда тутган ҳолда, тубдан қайта кўриб чиқсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда тизимли равишда инновацион педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда қуйидагиларни ташкил этсин:

а) мувофиқлаштириш бошқармалари бошлиқларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари ва ички ишлар бўлимлари бошлиқлари учун уларнинг бошқарув фаолиятидаги маҳоратини оширишга ҳамда ишни замонавий талаблар асосида ташкил этишга қаратилган қисқа муддатли ўқув курслари;

б) қуйидагиларни назарда тутган ҳолда Тошкент шаҳар ички ишлар органлари профилактика инспекторларини махсус касбий тайёрлаш бўйича икки ойлик курслари:

ўқув машғулотларига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида катта иш тажрибасига эга бўлган ходимларини жалб қилиш;

профилактика инспекторларига махсус касбий тайёргарлик курсларини ўтаганлиги тўғрисида сертификатлар бериш;

махсус касбий тайёргарлик курслари якунлари бўйича имтиҳонларни қониқарсиз топширган профилактика инспекторларини эгаллаб турган лавозимидан озод қилиш;

в) Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети негизида Бош бошқарма ва унинг ҳудудий бўлинмалари ходимларида энг янги, шу жумладан, «Хавфсиз шаҳар» аппарат-дастурий комплексидан самарали фойдаланиш имконини берувчи ахборот-коммуникация технологиялари билан ишлаш бўйича амалий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган махсус ўқув дастурлари.

22. Қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари — Бош

бошқарма бошлиғига — амалий бошқарув қарорларини қабул қилиш, таҳлил фаолиятини сифатли ташкил қилиш, мувофиқлаштириш бошқармалари иши самарадорлигини тизимли баҳолаш, жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида қабул қилинадиган чоралар назорати учун;

мувофиқлаштириш бошқармалари бошлиқларига — зиммаларига юклатилган бошқарув ва мувофиқлаштириш функцияларини сифатли ва тўлиқ амалга ошириш, куч ва воситаларни, шу жумладан, бириктирилган туман ички ишлар органларининг барча соҳавий хизматларини мақсадли тақсимлаш ва фойдаланиш учун;

ички ишлар бўлимлари бошлиқларига — энг аввало, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикаси соҳасида кўриляётган чораларнинг якуний натижалари, қўл остидаги шахсий таркиб билан самарали тарбиявий ишларни олиб бориш, уларнинг олдига вазифаларни тўғри қўйиш ва зиммасига юклатилган хизмат вазифаларининг кундалик бажарилиши устидан таъсирчан назорат учун шахсий масъулият юклатилсин.

23. Ички ишлар вазирлиги:

а) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2018 йил 1 сентябрга қадар илғор хорижий тажрибани ўрганиш асосида «Жамоат тартибини сақлашда фуқароларнинг иштироки тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда киритсин;

б) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан биргаликда бир ой муддатда қўйдаги чораларни кўрсин:

Бош бошқарманинг «102» ягона телефон рақами бўйича келиб тушаётган жиноятлар тўғрисидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотларни терговга қадар текшириш якунлари бўйича қабул қилинадиган жиноят иши қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарорларни расмийлаштиришнинг соддалаштирилган тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ахборот маркази томонидан шакллантириладиган жиноятчилик соҳасидаги статистик ҳисобот шакллари ўзгартириш ва уларда аниқланадиган латент жиноятларга ҳамда жиноятлар хусусиятлари ва уларни содир этиш жойи, шу жумладан маҳалла ҳудуди кесимида ҳисобга олишга дифференциал ёндашувни назарда тутиш.

24. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашининг, шунингдек, Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашининг қўйидагилар тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин:

Тошкент шаҳрининг туманларида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, тадбиркорликни ривожлантириш ва муаммоли оилалар билан ишлаш устидан назорат қилиш жамоатчилик кенгашлари (кейинги ўринларда — жамоатчилик кенгашлари)ни тузиш;

жамоатчилик кенгашлари таркибини Тошкент шаҳри туманлари халқ депутатлари Кенгашлари депутатлари раислигида маҳалла фаоллари, меҳнат фахрийлари, фан, маданият ва санъат вакиллари, машҳур спортчилар ва бошқа жамоатчилик вакиллари ҳисобидан шакллантириш;

жамоатчилик кенгашларини маҳаллалар ва Тошкент шаҳри туманлари халқ депутатлари Кенгашлари депутатлари сонига мутаносиб равишда секторларга бириктириш.

Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашига бир ой муддатда жамоатчилик кенгашлари ишини ташкил қилиш тартиби, ваколатлари, уларнинг фаолиятини баҳолаш механизмлари ва мезонларни белгилаб берувчи Хуқуқбузарликлар профилактикаси, тадбиркорликни ривожлантириш ва муаммоли оилалар билан ишлаш устидан назорат қилиш жамоатчилик кенгаши тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тавсия қилинсин.

25. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

икки ҳафта муддатда ушбу қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда Тошкент шаҳар ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармалари ва уларнинг ички ишлар бўлимлари тўғрисидаги низомларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, унда ҳар бир соҳавий хизматнинг аниқ вазифа ва функцияларини, шунингдек бошқарма ва бўлимлар бошлиқларининг ҳар бир ўринбосари ваколатлари ва жавобгарлигининг аниқ доирасини белгиласин;

бир ой муддатда ички ишлар бўлимлари томонидан жамоат тартибини сақлаш, хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган чоралар самарадорлигини рейтинг тизи-мида баҳолаш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

бир ой муддатда ички ишлар бўлимларининг секторлараро ва туманлараро, шу жумладан, республиканинг бошқа минтақаларидаги ички ишлар органлари билан ўзаро ҳамкорлиги бўйича уйғунлашган механизмни назарда тутувчи тартибни белгиласин;

бир ой муддатда Тошкент шаҳар патруль-пост ва йўл-патруль хизматлари нарядларининг ягона дислокациясини ички ишлар бўлимлари фаолият юритишини ҳисобга олган ҳолда танқидий қайта кўриб чиқсин;

2018 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг Илмий-амалий тадқиқотлар маркази томонидан Тошкент шаҳар ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари фаолиятини мақсадли ўрганиб, улар ишини ташкил этиш бўйича илмий асослантирилган аниқ таклифлар ишлаб чиқилишини ва амалга оширилишини таъминласин;

икки ой муддатда илғор хорижий тажрибани ўрганиш асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Тошкент шаҳрида транспорт воситалари ҳайдовчилари томонидан тўхтаб туриш қоидаларини бузиш билан боғлиқ маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш тўғрисида таклифлар киритсин, бунда ҳайдовчиси бўлмаганда ҳам нотўғри тўхтаб туриш ҳолатини қайд этиш ва баённомалар тузилиши назарда тутилсин;

пиёдаларда йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш маданиятини юксалтириш, шу жумладан, комплекс тушунтириш ишларини ўтказиш

ва уларни ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликка тортиш орқали таъсирчан чораларни амалга оширсин;

икки ой муддатда мувофиқлаштириш бошқармалари ва ички ишлар бўлимлари ходимларини босқичма-босқич табель ўқотар қуроли ўрнига қўллашнинг қатъий тартиби ва шартларини белгилаган ҳолда электрошок воситалари билан таъминлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

уч ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда Бош бошқарма Ахборот мультимедиа марказини жойлаштириш, уни замонавий техника ва ускуналар билан жиҳозлаш, шунингдек кенг қамровли Интернет тармоғидан фойдаланиш имконияти билан таъминлаш бўйича зарур чораларни кўрсин.

26. Белгилансинки, ушбу қарорда кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг асослантирилган ҳисоб-китоблари бўйича ҳар йили ажратиладиган бюджет маблағлари, Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар доирасида амалга оширилади.

27. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг мазкур қарор билан жорий этилаётган тизими самарадорлиги юзасидан тизимли мониторингни амалга оширсин ҳамда 2018 йил якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бундай амалиётни республиканинг бошқа ҳудудларида ҳам жорий этиш бўйича таклифлар киритсин.

28. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О.Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 14 февраль,
ПҚ-3528-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**119 Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш
бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Охирги бир ярим йил давомида фармацевтика тармоғини ривожлантириш, дори воситалари ва тиббий буюмларнинг арзонлиги ва эркин муомаласини таъминлашга қаратилган ўндан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Фармацевтика тармоғининг давлат бошқаруви тизими қайта кўриб чиқилди, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ташкил этилди.

«Нукус-фарм», «Зомин-фарм», «Косонсой-фарм», «Сирдарё-фарм», «Бойсун-фарм», «Бўстонлиқ-фарм» ва «Паркент-фарм» эркин иқтисодий зоналари ташкил этилиб, уларнинг ҳудудида 41,7 миллион АҚШ доллари миқдоридаги бешта лойиҳа амалга оширилмоқда.

Мамлакатда ижтимоий дорихоналарни ташкил этиш чоралари кўрилмоқда. Жумладан, Сурхондарё вилоятида давлат-хусусий шериклик шартларида 75 та ижтимоий дорихоналарни қуриш ва жойлаштириш бўйича ишлар бошланган.

Шу билан бирга, ўрганишлар қабул қилинган қонун ҳужжатларини ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ ижро этиш бўйича етарли чоралар кўрилмаётганлигини, масъул органлар раҳбарларида юклатилган вазифаларни бажаришда ташаббускорлик йўқлигини кўрсатди. Хусусан:

биринчидан, эркин иқтисодий зоналар дирекцияларини шакллантириш таъминланмаган, улар фаолиятини молиялаштиришнинг аниқ манбалари ва механизмлари белгиланмаган, ишлаб чиқариш объектларини жойлаштириш учун ер участкаларини ажратиш масалалари ҳал этилмаган;

иккинчидан, эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашларининг фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши томонидан эркин иқтисодий зоналарнинг ишини самарали ташкил қилиш ва инвестицияларни жалб этиш бўйича етарли чоралар кўрилмаяпти;

учинчидан, эркин иқтисодий зоналарнинг ривожланган транспорт, йўл ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси мавжуд эмаслиги уларнинг ҳудудида юқори сифатли фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш қувватларини йўлга қўйиш имконини бермаяпти, зоналарнинг бош режаларини ишлаб чиқиш жойлардаги ҳақиқий ҳолатни ва инвесторларда юзага келаётган муаммоларни эътиборга олмаган ҳолда амалга оширилмоқда;

тўртинчидан, давлат-хусусий шериклик шартларида ижтимоий дорихоналарни ташкил этиш ва фаолият юритишининг ҳуқуқий тартиби белгиланмаган, уларнинг жойлашуви тасдиқланмаган, бу эса Ўзбекистон Республи-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 15 февралда эълон қилинган.

каси Соғлиқни сақлаш вазирлигига шундай дорихоналар фаолиятини ташкил этиш бўйича юклатилган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилмаслигига олиб келган;

бешинчидан, дорихоналарда ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббий буюмларнинг ҳаракатини ҳисобга олиш, шунингдек, дорихоналарнинг жойлашуви, дори воситаларининг ассортименти ва нархи ҳақида аҳолини хабардор қилиш бўйича замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш жараёни паст суръатларда бормоқда;

олтинчидан, фармацевтика тармоғи муассасаларининг илмий-тадқиқот фаолияти замонавий талабларга жавоб бермайди, малакали мутахассисларни тайёрлаш масалаларига етарли эътибор қаратилмаяпти;

еттинчидан, мавжуд илмий ишланмаларни амалиётда синовдан ўтказишнинг самарали тизими мавжуд эмас, уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқиш соҳасида янги инновацион лойиҳаларни амалга ошириш бўйича етарли чоралар кўрилмаяпти.

Мазкур ҳолатлар фармацевтика тармоғини тубдан ислоҳ қилиш бўйича кўрилаётган чораларнинг сустлашишига олиб келмоқда, аҳоли ва тиббиёт муассасаларини арзон дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш, мавжуд муаммоларни ўз вақтида ҳал қилиш ва инвестицияларни жалб этиш учун қулай шарт-шароитларни яратиш бўйича вазифаларнинг самарали амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

1. Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашларининг фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг фармацевтика тармоғини ривожлантириш соҳасидаги ишларни ташкил этиш борасидаги фаолияти қониқарсиз деб топилсин.

Ишда жиддий камчиликларга йўл қўйганлиги ва лозим даражадаги ташаббускорлик йўқлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги директори З.А. Дусанов ва мазкур агентлик директорининг биринчи ўринбосари М.М. Дусмуратов эгаллаб турган лавозимидан озод этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни таъминлаш бўйича «Йўл харитаси» 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки, вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари «Йўл харитаси»нинг ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ амалга оширилиши учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

* 1-илова рус тилидаги матнда берилган.

3. «Нукус-фарм», «Зомин-фарм», «Косонсой-фарм», «Сирдарё-фарм», «Бойсун-фарм», «Бўстонлик-фарм» ва «Паркент-фарм» эркин иқтисодий зоналаридаги ҳақиқий вазиятни ўрганиш ва мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича ишчи гуруҳлар 2-иловага* мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Ишчи гуруҳлар томонидан икки ой муддатда:

эркин иқтисодий зоналар фаолиятини ташкил этиш учун ажратилган ер участкаларининг белгиланган талабларга мувофиқлиги, транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини яратиш имкониятлари мавжудлиги нуқтаи назаридан ўрганилишини;

эркин иқтисодий зоналар бош режаларининг жойлардаги ҳақиқий вазиятни ва уларни амалда ижро этиш имкониятини ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқилишини;

эркин иқтисодий зоналар ҳудудида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун потенциал инвесторларни жалб этиш чораларини кўришни таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Қ.В. Акмалов) икки ой муддатда ишчи гуруҳлар фаолиятининг яқунлари бўйича қуйидагиларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:

Доривор ўсимликларнинг плантацияларини ташкил этиш бўйича тадбирлар дастури;

Тайёр дори воситалари ва тиббий буюмлар, ёрдамчи ва ўраш-жойлаш материалларини ишлаб чиқариш бўйича эркин иқтисодий зоналар ҳудудида амалга оширилиши режалаштирилган инвестиция лойиҳалари рўйхати.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари давлат қўмитаси, «Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ, «Ўзбектелеком» АК бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда эркин иқтисодий зоналарнинг бош режалари тасдиқлангандан кейин бир ой муддатда эркин иқтисодий зоналарнинг транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳаларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилишини таъминласин.

6. Ҳар бир эркин иқтисодий зонага Қорақалпоғистон Республикаси ва тегишли вилоятлар прокурорлари бириктирилиб, уларнинг мазкур соҳадаги асосий вазибалари сифатида қуйидагилар белгилансин:

эркин иқтисодий зоналар бош режаларининг ўз вақтида ишлаб чиқилиши устидан назоратни амалга ошириш;

лойиҳалар ташаббускорларига лойиҳа-смета ҳужжатларини ўз вақтида ишлаб чиқишда ёрдам кўрсатиш;

янги ташкил этилаётган қувватларни транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси билан таъминлаш ҳамда уларнинг сув, газ ва электр таъминотига уланиши устидан назоратни амалга ошириш;

лойиҳалар ташаббускорларига рухсат берувчи ва бошқа ҳужжатларни олишда, шунингдек, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган масалаларни ҳал этишда ҳар томонлама қўмаклашиш;

* 2-илова рус тилидаги матнда берилган.

лойиҳалар ташаббускорларига лойиҳаларни ўз вақтида амалга оширишда тўсқинлик қилаётган, ортиқча бюрократик тўсиқларни яратаётган давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахсларига нисбатан қатъий чоралар кўриш.

Белгилансинки, вилоят миқёсидаги масъул давлат органлари ва ташкилотлар ҳар ойда Қорақалпоғистон Республикаси ва тегишли вилоятлар прокурорларига эркин иқтисодий зоналарда амалга оширилаётган ишларнинг бориши ҳақида ҳисобот тақдим этади.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

икки кун муддатда туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари, кўп тармоқли, шаҳар ва қишлоқ оилавий поликлиникалари, шунингдек, қишлоқ врачлик пунктларида ижтимоий дорихоналарни жойлаштириш имкониятларини жойларга чиққан ҳолда ўрганиш учун ишчи гуруҳларни ташкил этсин;

ўтказилган ўрганишни инобатга олган ҳолда, 2018 йил 1 апрелга қадар муддатда ижтимоий дорихоналарнинг жойлашувини тасдиқласин;

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Ижтимоий дорихоналар тўғрисидаги низом лойиҳасини киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда 2018 йил 1 июнга қадар муддатда 2018 — 2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида фармацевтика тармоғини ривожлантириш концепциясини тасдиқлашни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда:

а) 2018 йил 1 декабрга қадар муддатда қуйидаги имкониятларни тақдим этадиган Интернет тармоғида ахборот порталини, шунингдек, мобиль иловаларни яратсин:

асосий ахборот индикатори сифатида лицензия мавжудлигини акс эттирган ҳолда дорихоналарнинг жойлашувини аниқлаш;

дори воситалари ва тиббий буюмларни, зарур ҳолларда сотиб олинган дори воситалари ва тиббий буюмларни тегишли дорихоналар томонидан аҳолига етказиб беришни таъминлаган ҳолда реал вақт режимида сотиб олиш;

б) 2018 йил 1 майга қадар муддатда Ўзбекистон Республикасида дори воситалари ва тиббий буюмларни ҳисобга олиш ва ҳисобот жараёнини автоматлаштириш, шунингдек, улар ҳақидаги зарур ахборотни тақдим қилган ҳолда дори воситалари ва тиббий буюмларни идентификация қилиш имконини берувчи махсус маркировка тизимини жорий этиш мумкинлиги масаласини ўргансин;

в) 2018 йил 1 апрелга қадар муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига давлат тиббиёт муассасалари ва ижтимоий дорихоналарда дори воситалари ва тиббий буюмларнинг ҳисобини олиб боришнинг, шу жумладан бюджет маблағлари мақсадсиз сарфланишини тезкор аниқлаш ва

суистеъмолчилик ҳолатларининг олдини олиш имконини берувчи автоматлаштирилган тизимни яратиш бўйича таклифлар киритсин.

9. Аҳолини дори воситалари билан таъминлашдаги муаммоларни ўрғаниш ва бартараф этиш бўйича жамоатчилик комиссияси (кейинги ўринларда — Комиссия) таркиби ва ҳудудларда ҳар ҳафталик учрашувларни ташкил этиш графиги 3 ва 4-иловаларга* мувофиқ маъқуллансин.

Комиссия (К.М. Рафиков):

ҳар 10 кунда ҳудудларга бориш ва жойларда учрашувлар ўтказиш орқали дори воситалари билан таъминлашда аҳолининг энг муҳим муаммолари ҳал этилиши устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини ташкил қилсин;

фармацевтика тармоғида кўрилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлиги ва манзилли бўлиши, уларнинг мазкур соҳадаги ишлар ҳолатини яхшилашга реал таъсир кўрсатиши масалалари бўйича фуқароларнинг фикр, мулоҳаза ва тавсияларини ўрганиш орқали аҳоли билан акс алоқани таъминласин;

фуқароларни, айниқса, ижтимоий эҳтиёжманд ва бориш қийин бўлган ҳудудларда яшайдиган фуқароларни ижтимоий аҳамиятга эга ва арзон дори воситалари билан таъминлаш бўйича ишларнинг ҳақиқий ҳолатини пухта ўргансин;

аҳолини дори воситалари билан таъминлаш ва унинг аҳоли яшаш жойларида етарлилиги, шунингдек, ижтимоий дорихоналарнинг фаолиятини ташкил этиш бўйича мавжуд инфратузилмани танқидий ўргансин;

дори воситалари нархининг ошишига ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни аниқласин, аниқланган муаммоларни бартараф этиш, аҳолини дори воситалари билан ўз вақтида таъминлаш бўйича прокуратура органлари билан биргаликда тезкор чоралар кўрсин;

мазкур қарор ижро этилиши жараёнини мунтазам ўргансин, ушбу масала бўйича масъул давлат органлари раҳбарларининг ҳисоботини эшитсин, юклатилган вазифалар ижросининг бузилиши ҳолатлари ва сабабларини аниқласин ҳамда ҳуқуқбузарлик ҳолатлари ҳақида прокуратура органларини ўз вақтида хабардор этсин;

кредитлар бериш, ер участкалари ажратиш, тегишли лицензия ва рухсатномалар олиш, инфратузилмага уланишда мавжуд муаммоларни тезкор ҳал этиш мақсадида тадбиркорлик субъектлари ва потенциал чет эл инвесторлари билан учрашувлар ўтказсин;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Ўзавтосаноат» АЖ билан биргаликда олис жойларда яшовчи аҳолига, энг аввало, ижтимоий аҳамиятга эга ва энг зарур дори воситаларини сотишни таъминлайдиган «Дамас» автомашиналарида кўчма дорихоналарни ташкил этиш чораларини кўрсин;

оммавий ахборот воситалари, шу жумладан телеведениеда амалга оши-

* 3-4-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

рилаётган ишларнинг бориши ва натижалари мунтазам ёритилишини ташкил этсин;

ўтказилган ҳар бир жойига чиқиб ўрганиш ва учрашувлар якуни бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ахборот киритсин.

10. «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ Комиссия фаолияти доирасида унинг раиси талабномаси бўйича ҳар йили маҳаллий қатновдаги поездларнинг барча турларига темир йўл чипталари захира қилиб қўйилишини ва бепул расмийлаштирилишини таъминласин.

11. Республикада яратиладиган ва ишлаб чиқариладиган устувор дори воситалари ва тиббий буюмлар рўйхатини аниқлаш бўйича ишчи комиссия 5-иловага* мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Ишчи комиссия уч ой муддатда:

фармацевтика бозорини ўрганишни ҳамда ташхис қўйиш ва даволаш стандартларини ҳисобга олган ҳолда соғлиқни сақлаш учун устувор бўлган дори воситалари ва тиббий буюмлар рўйхатини аниқлашни;

ўрта муддатли истикболда жорий этиш учун истикболли дори воситалари ва тиббий буюмларнинг маҳаллий ишланмаларини аниқлашни;

эҳтиёж учун зарурлиги, ижтимоий аҳамияти, ишлаб чиқаришга жорий этишнинг мақсадга мувофиқлиги ва мумкинлигидан келиб чиқиб, дори воситалари ва тиббий буюмларнинг тоифаларини аниқлашни таъминласин.

12. Инновацион ривожланиш вазирлиги Бош прокуратура ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда Ўзбек кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институти, Тошкент вакцина ва зардоблар илмий-тадқиқот институти, «Шарқ табобати» илмий-тадқиқот институтининг фаолиятини танқидий ўргансин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига мазкур соҳадаги фаолиятни такомиллаштириш бўйича, шу жумладан дори воситалари ва тиббий буюмларнинг ўқув-илмий лабораторияси ва тажриба-ишлаб чиқариш мажмуасини ташкил этишни назарда тутган ҳолда таклифлар киритсин.

13. Молия вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда 2018 йил 1 апрелга қадар муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш учун хом ашёни импорт қилишда қўшимча қиймат солиғи бўйича имтиёзни қўллаш механизмини соддалаштириш юзасидан таклифлар киритсин, бунда тасдиқланган рўйхат асосида имтиёз қўллаш тартиби истисно қилиниб, дори воситалари ва тиббий буюмларни тайёрлаш учун олиб кириладиган, республикада ишлаб чиқариладиган хом ашё ва субстанцияларга қўшимча қиймат солиғи бўйича имтиёзлар қўлланилмаслиги назарда тутилсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига дори воситалари ва тиббий буюмлар тайёрлаш учун республикада ишлаб чиқариладиган хом ашё ва субстанциялар рўйхатини тақдим этсин.

* 5-илова рус тилидаги матнда берилган.

14. Бош прокуратура (О.Б. Муродов), Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва спортни ривожлантириш масалалари хизмати (Р.С. Касимов), Сиёсий-ҳуқуқий масалалар хизмати (Б.М. Мавлонов), Ҳисоб палатаси (М.М. Икрамов) ва Вазирлар Маҳкамаси (Қ.В. Акмалов):

ҳар чоракда графикларни тасдиқласин ва улар асосида ишчи гуруҳлар, масъул вазирликлар ва идоралар вакиллари, фармацевтика корхоналари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек, инвесторлар иштирокида «Йўл харитаси» ва мазкур қарорда белгиланган бошқа вазифаларнинг бажарилиши жараёни ҳар ҳафта муҳокама қилинишини ташкил этсин;

муҳокама яқунлари бўйича юклатилган вазифалар ижросининг бузилишига йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан қатъий жавобгарлик чораларини қўлласин.

15. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ.В. Акмалов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиси Р.С. Касимов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О.Б. Муродов ва Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси К.М. Рафиқов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 14 февраль,
ПҚ-3532-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ****120 Давлат божи ставкаларига ўзгартириш киритиш
тўғрисида***

Нотариал идораларига мурожаат қилиш жараёнида жисмоний ва юридик шахсларнинг ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан давлат божи ставкаларини мақбуллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 йил, 11-сон, 49-модда) билан тасдиқланган Давлат божи ставкаларига 2018 йил 1 мартдан эътиборан иловага мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 2018 йил 1 мартга қадар: нотариуслар ва нотариал идораларнинг бошқа ходимлари ўртасида мазкур қарорнинг моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш мақсадида ҳудудий семинарларни ташкил этсин;

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда бошқа оммавий ахборот воситалари билан биргаликда аҳоли ўртасида мазкур қарорнинг мазмун ва моҳияти тўғрисида кенг тушунтириш ишларини амалга оширсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров ва адлия вазири Р.К. Давлетов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 15 февраль,
123-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 16 февралда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 15 февралдаги 123-сон қарорига
ИЛОВА

Давлат божи ставкаларининг 4-бандига киритилаётган ўзгартириш

4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Нотариуслар нотариал ҳаракатларни амалга оширганликлари учун қуйидаги миқдорларда давлат божи ундиради:

а) кўчмас мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ шартномаларни тасдиқлаганлик учун давлат божи қуйидаги миқдорларда ундирилади, ушбу банднинг «б» ва «в» кичик бандларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно:

Кўчмас мол-мулк жойлашган жой	Кўчмас мол-мулкнинг умумий майдонига қараб:		
	100 кв м гача бўлганда	100 кв м дан 200 кв м гача бўлганда	200 кв м ва ундан ортиқ бўлганда
Тошкент, Нукус шаҳарлари ва вилоят марказлари	энг кам ойлик иш ҳақининг 1 баравари миқдорида	энг кам ойлик иш ҳақининг 2 бара- вари миқдорида	энг кам ойлик иш ҳақининг 3 бара- вари миқдорида
бошқа аҳоли пунктлари	энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида	энг кам ойлик иш ҳақининг 1 бара- вари миқдорида	энг кам ойлик иш ҳақининг 1,5 бара- вари миқдорида

Изоҳ: мулкдорнинг хотинига (эрига), унинг ва хотинининг (эрининг) ота-оналарига, болалари ва уларнинг эр-хотинларига, набираларига, бу-виларига, буваларига, ака-укалари ва опа-сингилларига кўчмас мол-мулкни ўтказиш билан боғлиқ шартномалар расмийлаштирилаётганда давлат божи белгиланган ставканинг 50 фоизи миқдорида ундирилади;

б) Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида янги қурилган кўчмас мол-мулкни олди-сотди шартномаларини тасдиқлаганлик учун:

Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи ва республиканинг бошқа минтақаларида доимий пропискага эга бўлган жисмоний шахслар томонидан қиймати энг кам ойлик иш ҳақининг 2500 бараваридан кам бўлмаган миқдорда кўчмас мол-мулк сотиб олинганда — шартнома суммасининг 5 фоизи миқдорида;

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига бошқа давлатлардан келган ва Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан 600 млн. сўмдан кам бўлмаган миқдорида янги қурилган кўчмас мол-мулк сотиб олинганда — шартнома суммасининг 10 фоизи миқдорида;

в) ушбу банднинг «б» кичик бандига мувофиқ давлат божи тўлаб сотиб олинган кўчмас мол-мулкни харид қилинган кундан бошлаб уч йил мобайнида

бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ шартномаларни тасдиқлаганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг 400 баравари миқдорида давлат божи ундирилади;

г) мол-мулкни ижарага бериш билан боғлиқ шартномаларни:

мулкдорнинг хотинига (эрига), унинг ва хотинининг (эрининг) ота-оналарига, болалари ва уларнинг эр-хотинларига, набираларига, бувиларига, буваларига, ака-укалари ва опа-сингилларига тасдиқлаганлик учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида;

бошқа жисмоний шахсларга тасдиқлаганлик учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 1 баравари миқдорида;

юримдик шахсларга тасдиқлаганлик учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдорида;

д) мол-мулкдан текин фойдаланиш шартномаларини тасдиқлаганлик учун, ушбу банднинг «р» кичик бандида белгиланган ҳоллар бундан мустасно, — энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида;

е) гаров, ипотека ва лизинг шартномаларини тасдиқлаганлик ҳамда уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритганлик учун давлат божи қуйидаги миқдорларда ундирилади:

Битим ишти-рокчилари (тарафлари)	Шартнома суммасига қараб:		
	Энг кам ойлик иш ҳақининг 1000 бараваригача	Энг кам ойлик иш ҳақининг 1000 бараваридан 5000 бараваригача	Энг кам ойлик иш ҳақининг 5000 баравари ва ундан ортиқ бўлганда
жисмоний шахслар учун	энг кам ойлик иш ҳақининг 1 баравари миқдорида	энг кам ойлик иш ҳақининг 1,5 баравари миқдорида	энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдорида
юримдик шахслар учун	энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдорида	энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баравари миқдорида	энг кам ойлик иш ҳақининг 4 баравари миқдорида

Изоҳ: гаров, ипотека ва лизинг шартномаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги битимлар расмийлаштирилаётганда, давлат божи белгиланган ставканинг 50 фоизи миқдорида ундирилади;

ж) банклар билан қарз олувчиларнинг кредит бўйича қарздорликни қарздорнинг ликвидли мол-мулки ҳисобига қайтариш тўғрисидаги ёзма битимларини (шартномаларини) тасдиқлаганлик учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида;

з) қарз шартномаларини тасдиқлаганлик учун:

Шартнома суммасига қараб:		
Энг кам ойлик иш ҳақининг 100 бараваригача	Энг кам ойлик иш ҳақининг 100 бараваридан 300 бараваригача	Энг кам ойлик иш ҳақининг 300 баравари ва ундан ортиқ бўлганда
энг кам ойлик иш ҳақининг 25 фоизи миқдорида	энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида	энг кам ойлик иш ҳақининг 1 баравари миқдорида

и) кафиллик шартномаларини тасдиқлаганлик учун:

жисмоний шахслар учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 25 фоизи миқдорида;

юримдик шахслар учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида;

к) никоҳ шартномасини тасдиқлаганлик, унга ўзгартиришлар киритганлик ёки унинг амал қилишини тугатганлик учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 25 фоизи миқдорида;

л) алимент тўлаш тўғрисидаги келишувни тасдиқлаганлик учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида;

м) васиятномаларни тасдиқлаганлик учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 5 фоизи миқдорида;

н) меросга эгалик ҳуқуқи ҳақида гувоҳнома берганлик учун:

биринчи навбатдаги ворисларга — мерос суммасининг 0,1 фоизи миқдорида;

иккинчи навбатдаги ворисларга — мерос суммасининг 0,5 фоизи миқдорида;

қолган ворисларга — мерос суммасининг 2 фоизи миқдорида.

Изоҳ: уй-жойлар (уйларнинг бир қисми), квартиралар (квартираларнинг бир қисми), шу жумладан хусусийлаштирилган квартиралар (квартираларнинг бир қисми), дала ҳовлилар, гаражлар, бошқа бинолар, иншоотлар ва иморатларга мерос ҳуқуқи ҳақида гувоҳнома беришда мерос тартибида ўтаётган мерос қилинаётган мол-мулк суммаси меросхўрлик тайинланган кунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг туман (шаҳар) филиаллари томонидан белгиланган баҳолаш маълумотлари ҳисобга олинган ҳолда белгиланади;

о) эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома берганлик учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида;

п) автомобилотранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш шартномаларини тасдиқлаганлик учун давлат божи қуйидаги миқдорларда ундирилади:

Транспорт воситасининг двигател қуввати бўйича	Ишлаб чиқарилган муддатига қараб:		
	3 йилгача бўлганда	3 йилдан 7 йилгача бўлганда	7 йил ва ундан ортиқ бўлганда
60 от кучигача бўлганда	энг кам ойлик иш ҳақининг 4 баравари миқдорида	энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баравари миқдорида	энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдорида
60 от кучидан 110 от кучигача бўлганда	энг кам ойлик иш ҳақининг 6 баравари миқдорида	энг кам ойлик иш ҳақининг 4 баравари миқдорида	энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баравари миқдорида
110 от кучидан юқори бўлганда	энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдорида	энг кам ойлик иш ҳақининг 8 баравари миқдорида	энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баравари миқдорида

Транспорт воситасининг двигателъ қуввати бўйича	Ишлаб чиқарилган муддатига қараб:		
	3 йилгача бўлганда	3 йилдан 7 йилгача бўлганда	7 йил ва ундан ортиқ бўлганда
битта мототранспорт, мотоколяска, мотоқайиқ учун	энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида	энг кам ойлик иш ҳақининг 25 фоизи миқдорида	энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида

Изоҳ: айирбошлаш шартномасини расмийлаштиришида давлат божини шу божнинг кўп суммаси олинадиган фақат бир автотранспорт воситасидан ундирилади.

Қуйидаги шартномаларни расмийлаштиришида:

мулкдорнинг хотинига (эрига), унинг ва хотинининг (эрининг) оналарига, болалари ва уларнинг эр-хотинларига, набираларига, бувиларига, буваларига, ака-укалари ва опа-сингилларига автотранспорт воситаларини ўтказиш шартномалари расмийлаштириладиганда давлат божини белгиланган ставканинг 5 фоизи миқдорида ундирилади;

банк кредитлари ҳисобига сотиб олинган автотранспорт воситаларининг олди-сотдиси учун давлат божини белгиланган ставканинг 10 фоизи миқдорида ундирилади;

йўл-транспорт ҳодисаси натижасида шикастланган автотранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш шартномалари расмийлаштириладиганда давлат божини миқдори шу транспорт воситалари яроқлилигининг қолдиқ фоизига қараб ўзгартирилади ҳамда унинг миқдори битим тарафларининг хоҳишига кўра ва нотариуснинг топшириғига биноан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг суд-экспертиза муассасалари мутахассислари, бундай муассасалар бўлмаган ҳудудларда эса — «Ўзавтотеххизмат» масъулияти чекланган жамияти ташкилотлари томонидан белгиланади;

р) автотранспорт воситаларини бошқариш ва тасарруф қилиш ҳуқуқини берувчи ишончномаларни ва автотранспорт воситаларидан текин фойдаланиш шартномаларини тасдиқлаганлик учун:

мулкдорнинг хотинига (эрига), унинг ва хотинининг (эрининг) она-оналарига, болалари ва уларнинг эр-хотинларига, набираларига, бувиларига, буваларига, ака-укалари ва опа-сингилларига, жиянларига — энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида;

бошқа шахсларга — энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баравари миқдорида;

с) кўчмас мол-мулкни тасарруф этиш ҳуқуқини берувчи ишончномаларни тасдиқлаганлик учун:

мулкдорнинг хотинига (эрига), унинг ва хотинининг (эрининг) она-оналарига, болалари ва уларнинг эр-хотинларига, набираларига, бувиларига, буваларига, ака-укалари ва опа-сингилларига — энг кам ойлик иш ҳақининг 25 фоизи миқдорида;

бошқа шахсларга — энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида;

т) бошқа ишончномаларни тасдиқлаганлик учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида;

у) мерос мулкни муҳофаза қилиш чораларини кўрганлик учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида;

ф) ҳужжатнинг бир тилдан бошқа тилга қилинган таржимасининг тўғрилигини шаҳодатлаш учун — ҳар бир бет учун энг кам ойлик иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида;

х) ижро хатлари ёзиб берганлик учун — ундириладиган сумманинг 1 фоизи миқдорида, бироқ энг кам ойлик иш ҳақининг 10 бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорда;

Изоҳ: лизинг объектининг лизинг берувчи талаби бўйича ижро хатлари ёзиб беришда, лизинг шартномасида белгиланган тўланмаган тўловлар суммасидан лизинг шартномаси муддати тугашигача қолган даврга лизинг берувчи даромадини чегирган ҳолда давлат божи ундирилади.

ч) ҳужжатларнинг нусхалари ва улардан кўчирмаларнинг тўғрилигини шаҳодатлаш учун:

жисмоний шахслар учун — ҳар бир бет учун энг кам ойлик иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида;

юридик шахслар учун — ҳар бир бет учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2 фоизи миқдорида;

шу ишларни чет мамлакатда бажарганлик учун — ҳар бир бет учун энг кам ойлик иш ҳақининг 5 фоизи миқдорида;

ш) ҳужжатлардаги имзоларнинг ҳақиқийлигини, шу жумладан таржимон имзосининг ҳақиқийлигини шаҳодатлаш учун:

жисмоний шахслар учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 5 фоизи миқдорида;

юридик шахслар учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида;

э) нотариал идораларда мавжуд бўлган ҳужжатларнинг нусхаларини ва дубликатларини берганлик учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 5 фоизи миқдорида;

ю) банкларда ҳисоб рақамлари очишда имзоларнинг ҳақиқийлигини шаҳодатлаш учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 2 фоизи миқдорида;

я) юридик ва жисмоний шахсларнинг аризалари бошқа юридик ва жисмоний шахсларга берилганлиги ҳамда бошқа нотариал ҳаракатлар бажарилганлиги учун, мазкур банднинг «а» — «ю» кичик бандларида назарда тутилганлар бундан мустасно, — энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида;

я¹) бошқа турдаги шартномаларни тасдиқлаганлик учун, мазкур банднинг «а» — «ю» кичик бандларида назарда тутилганлар бундан мустасно:

жисмоний шахслар учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида;

юридик шахслар учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 1 баравари миқдорида;

Изоҳ: нотариал идоралар биносидан ташқарида бажариладиган нотариал ишлар учун давлат божи икки баравар миқдорда ундирилади, озодликдан маҳрум этиш жойларидаги ёки қамоқдаги шахсларнинг ишончномаларини нотариал тасдиқлаш бундан мустасно, шунингдек ушбу ишларни бажариш учун жойга бориш билан боғлиқ амалда сарфланган харажатлар тўланади.

Мол-мулкни ўзга шахсга ўтказишни тақиқлаб қўйиш ва тақиқни бекор қилишда давлат божи ундирилмайди.»

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

121 Экинбоп уруғликлар етиштириш мақсадида экилган навли қишлоқ хўжалик экинларини апробация қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 12 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2593-2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябрдаги ПФ–5199-сон «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2014 йил 20 майдаги 2-сон буйруғи (рўйхат рақами 2593, 2014 йил 12 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 24-сон, 298-модда) билан тасдиқланган Экинбоп уруғликлар етиштириш мақсадида экилган навли қишлоқ хўжалик экинларини апробация қилиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

З. МИРЗАЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 19 январь,
42-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 13 февралда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг
2018 йил 19 январдаги 42-сонли буйруғига
ИЛОВА

**Экинбоп уруғликлар етиштириш мақсадида экилган навли
қишлоқ хўжалик экинларини апробация қилиш тартиби
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 3-банддаги «Ўсимликларни химоя қилиш ва агрокимё маркази, Ўзбекистон Фермерлар кенгаши» деган сўзлар «Ўзагрокимёхимоя» акциядорлик жамияти, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 20-банднинг учинчи хатбошисидаги «Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамиятининг ҳудудий филиалларига» деган сўзлар «Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамиятининг минтақавий пахта терминалларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 2-иловадаги «Ўсимликларни химоя қилиш маркази мутахассисининг хулосаси» деган сўзлар «Агрокимёхимоя» ҳудудий акциядорлик жамиятининг туман (шаҳар) филиали мутахассисининг хулосаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, «Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамияти, «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси, «Ўзагрокимёхимоя» акциядорлик жамияти билан келишилган.

*Ўзбекистон фермер, деҳқон
хўжаликлари ва томорқа
ер эгалари кенгаши раиси*

Б. ЮСУПОВ

2018 йил 17 январь

*«Ўзпахтасаноат» акциядорлик
жамияти бошқаруви раиси*

А. МАҚСУДОВ

2018 йил 17 январь

*«Ўздонмаҳсулот» акциядорлик
компанияси бошқаруви раиси*

С. ХАЙДАРОВ

2018 йил 18 январь

*«Ўзагрокимёхимоя» акциядорлик
жамияти бошқаруви раиси*

У. АХУНОВ

2017 йил 18 январь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАЛАРГА КЎМАКЛАШИШ ВА
РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

**122 Риэлторнинг малака сертификатини бериш тартиби
тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғри-
сида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
12 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2236-3*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 декабрдаги 1001-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 14 мартдаги ПҚ–2833-сон қарори)» қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитасининг 2011 йил 17 майдаги 01/19-18/02-сонли қарори (рўйхат рақами 2236, 2011 йил 10 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 24-сон, 252-модда) билан тасдиқланган Риэлторнинг малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

Р. ГУЛЯМОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 23 январь,
01/19-10/06-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 13 февралда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Хусусийлаштирилган корхоналарга
кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш
давлат қўмитасининг 2018 йил 23 январдаги
01/19-10/06-сон қарорига
ИЛОВА

**Риэлторнинг малака сертификатини бериш тартиби
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 5-бандда:

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ўрта махсус ёки олий маълумот тўғрисидаги дипломнинг ёхуд ваколатли давлат органининг хорижий таълим муассасасида олинган ўрта махсус ёки олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) тўғрисидаги гувоҳномасининг нусхаси;»;

олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«риэлторларни тайёрлаш марказларида махсус ўқув курсини тугатганлиги (талабгорнинг ўқув курсини тугатганлиги тўғрисидаги сертификатнинг берилган вақтидан бошлаб ҳужжатлар топширилгунгача ўтган вақт бир йилдан ошмаган бўлиши шарт) тўғрисидаги сертификатнинг нусхаси.».

2. 35-банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«малака ошириш курсларини тамомлаганлиги ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАЛАРГА КЎМАКЛАШИШ ВА
РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

**123 Баҳоловчи малака сертификатини бериш тартиби
тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш
хақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
12 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1840-3*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 декабрдаги 1001-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 14 мартдаги ПҚ–2833-сон қарори)» қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитасининг 2008 йил 16 июлдаги 01/19-18/09-сонли қарори (рўйхат рақами 1840, 2008 йил 4 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 31-32-сон, 307-модда) билан тасдиқланган Баҳоловчи малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

Р. ГУЛЯМОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 23 январь,
01/19-10/07-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 13 февралда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Хусусийлаштирилган корхоналарга
кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш
давлат қўмитасининг 2018 йил 23 январдаги
01/19-10/07-сон қарорига
ИЛОВА

**Баҳоловчи малака сертификатини бериш тартиби
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 5-бандда:

«в» ва «г» кичик бандлар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«в) олий маълумот тўғрисидаги дипломнинг ёхуд ваколатли давлат органининг хорижий таълим муассасасида олинган олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) тўғрисидаги гувоҳномасининг нусхаси;

г) меҳнат дафтарчасининг нусхаси;»;

«е» кичик банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«е) баҳоловчиларни тайёрлаш марказларида махсус ўқув курсини тугатганлиги тўғрисидаги сертификатнинг (талабгорнинг ўқув курсини тугатганлиги тўғрисидаги сертификатнинг берилган вақтидан бошлаб ҳужжатлар топширилгунгача ўтган вақт бир йилдан ошмаган бўлиши шарт) ёки баҳоловчининг халқаро сертификатининг нусхаси;».

2. 34-банднинг «в» кичик банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«в) малака ошириш курсларини тамомлаганлиги ҳақидаги ҳужжатнинг нусхаси;».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

124 Қамоқ жазосига ва озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган, алкоголизм, гиёҳвандлик ва заҳарвандликка йўлиққан шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
12 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2591-1*

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 мартдаги ЎРҚ–421-сон «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **бюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2014 йил 3 майдаги 65-сон «Қамоқ жазосига ва озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган, алкоголизм, гиёҳвандлик ва заҳарвандликка йўлиққан шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 2591, 2014 йил 3 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 23-сон, 275-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 30 январь,
25-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 13 февралда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2018 йил
30 январдаги 25-сон буйруғига
ИЛОВА

«Қамоқ жазосига ва озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган, алкоголизм, гиёҳвандлик ва заҳарвандликка йўлиққан шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа киритилаётган ўзгартиришлар

1. Буйруқнинг номидаги ҳамда 1-бандидаги «Қамоқ жазосига ва озодликдан» деган сўзлар «Озодликдан» деган сўз билан алмаштирилсин.
2. Иловада:
илованинг номидаги «Қамоқ жазосига ва озодликдан» деган сўзлар «Озодликдан» деган сўз билан алмаштирилсин;
муқаддимадан «қамоқ жазосига ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;
1-банднинг учинчи хатбошисидан «ёки қамоқ» деган сўзлар чиқариб ташлансин.
3. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган.

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

2018 йил 29 январь

ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ВА ДАРЁ
ТРАНСПОРТИ АГЕНТЛИГИ БОШЛИГИНИНГ
БУЙРУҒИ

125 «Йўналишсиз таксилар учун ҳисоблагичлар (таксометрлар) ва таниш белгиларини етказиб бериш бўйича юридик шахсларни танлов асосида танлаб олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
12 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2256-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлигининг 2011 йил 8 июлдаги 112-сон «Йўналишсиз таксилар учун ҳисоблагичлар (таксометрлар) ва таниш белгиларини етказиб бериш бўйича юридик шахсларни танлов асосида танлаб олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2256, 2011 йил 19 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 34-35-сон, 353-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, «Ўзстандарт» агентлиги ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Бошлик

Д. ДЕХКАНОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 5 февраль,
67-сон

Келишилган:

Ички ишлар вазири

П. БОБОЖОНОВ

2018 йил 5 февраль

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 13 февралда эълон қилинган.

*Давлат солиқ
қўмитаси раиси*

Б. ПАРПИЕВ

2018 йил 5 февраль

*Хусусийлаштирилган корхоналарга
қўмаклашиш ва рақобатни
ривожлантириш давлат
қўмитаси раиси*

Р. ГУЛЯМОВ

2018 йил 5 февраль

*«Ўзстандарт» агентлиги
бош директори*

А. КАРИМОВ

2018 йил 5 февраль

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

А. ИКРАМОВ

2018 йил 5 февраль

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ ADЛИЯ BAZИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

126 Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат
ходимларини мартаба даражалари бўйича аттестация-
дан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандига
қўшимча киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
13 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2919-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 январдаги
ПФ–5306-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатла-
рига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз ку-
чини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йил 28 августдаги

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 13 фев-
ралда эълон қилинган.

264-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 2919, 2017 йил 28 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 35-сон, 933-модда) билан тасдиқланган Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат ходимларини мартаба даражалари бўйича аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-банди учинчи хатбошиси «етакчи мутахассисига» деган сўзларидан кейин «, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили ва унинг аппарати мутахассисларига» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Юридик хизматларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва методик таъминлаш бошқармаси ҳамда Ҳуқуқий тарғибот ва ахборот бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни барча манфаатдор шахсларга етказилиши ҳамда «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ва Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Н. Жўраев зиммасига юклансин.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 13 февраль,
85-мх-сон

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI AДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**127 Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат
ходимларига мартаба даражалари бериш тартиби
тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
13 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2920-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 январдаги ПФ–5306-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йил 28 августдаги 265-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 2920, 2017 йил 28 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 35-сон, 934-модда) билан тасдиқланган Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат ходимларига мартаба даражалари бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-банди учинчи хатбошиси, 3-банди «г» кичик банди ҳамда 9-банди «етакчи мутахассисига» деган сўзлардан кейин «, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили ва унинг аппарати мутахассисларига» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестриға тегишли ёзув киритсин.

3. Юридик хизматларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва методик таъминлаш бошқармаси ҳамда Ҳуқуқий тарғибот ва ахборот бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни барча манфаатдор шахсларға етказилиши ҳамда «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ва Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучға киради.

5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Н. Жўраев зиммасиға юклансин.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 13 февраль,
86-мх-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 13 февралда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

128 Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
15 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2971*

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, **бююраман:**

1. Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидалар иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 26 декабрь,
182-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2017 йил 26 декабрдаги
182-сон буйруғига
ИЛОВА

**Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари
олувчиларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш,
тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича
ҚОИДАЛАР**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси ва Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунига мувофиқ бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар томонидан даврий молиявий ҳисоботларни тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим этиш тартибини белгилайди.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 15 февралда эълон қилинган.

I бўлим. Умумий қоидалар

1. Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар мазкур Қоидалар талабларига мувофиқ молиявий ҳисоботларни тузади ва топширади.

Бюджет ташкилотларининг ва бюджет маблағлари олувчиларнинг чораклик молиявий ҳисоботлари ҳисобот йилининг 1 апрель, 1 июль ва 1 октябрь ҳолатига, йиллик молиявий ҳисоботлар эса, келгуси ҳисобот йилининг 1 январь ҳолатига кўра тузилади.

Марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизмати молиявий ҳисоботларни қўйи муассасалар кесимида тузади ҳамда жамланган ҳолда тақдим этади.

2. Бюджет ташкилотлари тармоқ, штат ва контингентлар режаларининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари бўйича тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисидаги чораклик ва йиллик ҳисобот шакллари тасдиқлаш ҳақидаги буйруққа (рўйхат рақами 2837, 2016 йил 8 ноябрь) мувофиқ тузади ва топширади.

3. Бюджет ташкилотлари томонидан топшириладиган йиллик молиявий ҳисоботлар таркибига қўйидагилар киради:

мазкур Қоидаларнинг 1-иловасига мувофиқ шаклдаги Баланс (1-сон шакл);

мазкур Қоидаларнинг 2-иловасига мувофиқ шаклдаги Харажатлар сметасининг ижроси ҳақидаги ҳисобот (2-сон шакл);

мазкур Қоидаларнинг 3-иловасига мувофиқ шаклдаги Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисидаги маълумот;

мазкур Қоидаларнинг 4-иловасига мувофиқ шаклдаги Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси бўйича пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;

мазкур Қоидаларнинг 5-иловасига мувофиқ шаклдаги Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси бўйича пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;

мазкур Қоидаларнинг 6-иловасига мувофиқ шаклдаги Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;

мазкур Қоидаларнинг 7-иловасига мувофиқ шаклдаги Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;

мазкур Қоидаларнинг 8-иловасига мувофиқ шаклдаги Жорий йилнинг молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисобот;

мазкур Қоидаларнинг 9-иловасига мувофиқ шаклдаги Номолиявий активларнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;

мазкур Қоидаларнинг 10-иловасига мувофиқ шаклдаги Бюджет ташкилотини чет эл валюталари бўйича пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот.

4. Агарда, бюджет ташкилотлари қонунчиликка мувофиқ ҳисобот даврида маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш ва сотиш фаолиятларини

амалга оширса, у ҳолда ушбу фаолиятлари бўйича белгиланган тартибда ва муддатларда молия органларига Молиявий ҳисобот шаклларини тўлдириш бўйича қоидалари (рўйхат рақами 1209, 2003 йил 24 январь) билан тасдиқланган молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот 2-сон шаклга мувофиқ тақдим қиладилар.

5. Бюджет ташкилотлари томонидан топшириладиган чораклик молиявий ҳисоботлар таркибига қуйидагилар киради:

Баланс (1-сон шакл);

Харажатлар сметасининг ижроси ҳақидаги ҳисобот (2-сон шакл);

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисидаги маълумот;

Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси бўйича пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;

Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси бўйича пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;

Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;

Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;

Бюджет ташкилотини чет эл валюталари бўйича пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот.

6. Йиллик ва чораклик молиявий ҳисоботларга тушунтириш хати илова қилинади. Тушунтириш хатида (жамланма) харажатлар сметаси, (жамланма) даромадлар ва харажатлар сметаси ижроси жараёнига таъсир қилган асосий омиллар, жумладан, бюджетдан ажратилган маблағларни иқтисод қилинишининг сабаблари (таҳлиллари) (агарда иқтисод қилинган бўлса), дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг вужудга келиш сабаблари ва вақти, йўл қўйилган муддати ўтган қарздорликни ундириш бўйича кўрилган чоралар, қонунчиликка мувофиқ бюджет ташкилотларига солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича берилган имтиёзлар ва уларнинг сарфланиши тўғрисида маълумотлар, шунингдек ҳисобот даврида бюджет ташкилотларига беғараз ёрдам ва марказлашган тартибда келиб тушган моддий қийматликлар тўғрисидаги маълумотлар, камомади аниқланган ва ўғирланган пул маблағлари ва бошқа товар-моддий қимматликлар суммаси ва ҳисоботлар билан боғлиқ бўлган бошқа тушунтиришлар келтирилади. Бундан ташқари, ҳисобот йилининг биринчи чораги бўйича молиявий ҳисоботларга тушунтириш хатида асосий воситалар ва бошқа активларини (жумладан, тугалланмаган қурилиш ва ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни) қайта баҳолаш бўйича ахборотлар очиқ берилди.

Тушунтириш хати ташкилот раҳбари ёки унинг ўринбосари (биринчи имзо ҳуқуқидан фойдаланувчи шахс), ташкилот бош ҳисобчиси ёки унинг ўринбосари (иккинчи имзо ҳуқуқидан фойдаланувчи шахс) ҳамда молия-иқтисод бўлими бошлиғи (штатлар жадвалига мувофиқ ҳолда режа-иқтисод бўйича мутахассис) томонидан имзоланади ва ташкилотнинг асосий муҳри билан тасдиқланади.

7. Бюджет маблағлари олувчилар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига (тегишли ҳудудий молия органларига) чорак (йил) учун Харажат-

лар сметасининг ижроси ҳақидаги ҳисобот (2-сон шакл)ни мазкур Қоидаларнинг талабларига мувофиқ ҳолда тақдим қиладилар.

8. Молиявий ҳисобот шаклларидаги барча реквизитлар ва назарда тутилган кўрсаткичлар тўлдирилиши керак. Бюджет ташкилотларида тегишли активлар, пасивлар ва операцияларнинг мавжуд эмаслиги сабабли бирор-бир модда (сатрлар, устунлар) тўлдирилмаган тақдирда, ушбу модда (сатр, устун) устидан чизиб қўйилади.

9. Молиявий ҳисоботлар шакллари (жамланма ҳисоботлардан ташқари) Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқнома (рўйхат рақами 2169, 2010 йил 22 декабрь) билан тасдиқланган 308-сон шаклдаги «Бош журнал китоби» (бундан буён матнда «Бош журнал китоби» (308-сон шакл) деб юритилади) ва бошқа тегишли ҳисоб регистрлари маълумотлари асосида тузилади.

10. Молиявий ҳисоботлар шаклларидаги манзил (уст) қисми қўйидаги тартибда тўлдирилади:

«Ташкилот» реквизитида ташкилотнинг тўлиқ номи кўрсатилади;

«Бўлим, кичик бўлим, боб» реквизитида ташкилотнинг бюджет таснифига мувофиқ ташкилий ва вазифа жиҳатидан бўлиниши (белгиланиши) кўрсатилади;

«Ҳисобот даври» реквизитида ҳисобот тузилаётган тегишли давр (йил, чорак) кўрсатилади;

«Бюджет тури» реквизитида ташкилот томонидан Ўзбекистон Республикаси бюджет таснифига мувофиқ маблағлар манбаи ва ташкилот тақдим этадиган ҳисобот бўйича бюджетлар даражаси кодлари кўрсатилади;

«Ўлчов бирлиги» реквизитида ҳисобот тузилаётган ўлчов бирлиги келтирилади.

II бўлим. Молиявий ҳисоботларни тузиш

1-боб. Умумий қоидалар

11. Молиявий ҳисоботларни тузишда қўйидаги шартларга риоя қилиниши керак:

ҳисобот давридаги барча операциялар ҳамда пул маблағлари, асосий воситалар, моддий қимматликларнинг инвентаризация қилиниши ва ҳисоб-китоблар натижаларининг тўлиқ акс эттирилиши;

аналитик ҳисоб маълумотларининг ҳисобот даврининг биринчи санасига синтетик ҳисоб юритиш ҳисобварақлари бўйича айланмалар ва қолдиқларга бир хил бўлиши, шунингдек молиявий ҳисоботлар маълумотларининг синтетик ва аналитик ҳисоб маълумотларига мослиги;

молиявий ҳисоботлардаги тегишли ёзувларни қайд этиш учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган бирламчи ҳужжатлардан фойдаланиш.

Ушбу асосий шартларга риоя қилилмаган ҳолда тузилган молиявий ҳисоботлар нотўғри тузилган деб ҳисобланади.

12. Бюджет маблағларини тақсимловчилар ва марказлаштирилган мо-

лия-бухгалтерия хизматлари жамлама молиявий ҳисоботларни ўзлари кўриб чиққан, тасарруфидаги қуйи ташкилот ва муассасаларнинг молиявий ҳисоботлари ҳамда ўзининг харажатлар сметаси бўйича молиявий ҳисоботлари асосида тузади.

13. Молиявий ҳисоботлар, қоида тариқасида, ўсиб боровчи тартибда битта ўн хонали сонда минг сўм ҳисобида тузилади.

14. Агарда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини бузмаган ҳолда молиявий ҳисоботлар кўрсаткичлари манфий қолдиқ билан чиқса (манфий қолдиққа эга бўлса), у ҳолда ҳисоботларда ушбу кўрсаткичлар «минус» белги билан акс эттирилади.

2-боб. Баланс моддаларини инвентаризация қилиш

15. Қонунчиликка мувофиқ бюджет ташкилотлари асосий воситалар, номоддий активлар, капитал қўйилмалар, моддий бойликлар, пул маблағлари, ҳисоб-китоблар ва баланснинг бошқа моддаларини инвентаризациядан ўтказишлари шарт.

16. Инвентаризациянинг асосий мақсади қуйидагилардан иборат:

асосий воситалар, капитал қўйилмалар, моддий бойликлар, пул маблағлари ва қатъий ҳисобда турувчи бланкалари ва бошқа активларнинг ҳақиқатда мавжудлигини бухгалтерия ҳисоби маълумотларига таққослаш йўли билан аниқлаш, шунингдек моддий бойликлар ва пул маблағларининг сақланишини назорат қилиш;

қонунчиликда белгиланган тартибга мувофиқ белгиланган нормативдан юқори бўлган ва фойдаланилмаётган моддий бойликларни аниқлаш;

моддий бойликлар ҳамда пул маблағларини сақлаш қоидалари ва шартларига риоя қилиш;

балансда ҳисобга олинган моддий бойликлар, кассалардаги, банкларнинг депозит ҳисоб рақамларидаги, шунингдек шахсий ғазна ҳисобварақлардаги пул маблағлари, ҳисоб-китоблар ва баланснинг бошқа моддалари қийматининг ҳақиқийлигини текшириш.

3-боб. Молиявий ҳисоботларни тузиш

1-§. Баланс (1-сон шакл)

17. Баланс (1-сон шакл)ни тузишдан олдин барча мавжуд мемориал ордерлар билан расмийлаштирилган бухгалтерия проводкаларини дастлабки ҳужжатларга мувофиқ ҳолда тўғри тузилганлиги ҳамда «Бош журнал китоби» (308-сон шакл)га тўғри ёзилганлиги, субсчётлар бўйича ойлик айланмалар ва ҳисобот даври охирига «Бош журнал китоби» (308-сон шакл) бўйича қолдиқлар тўғри ҳисобланганлиги текшириб чиқилади.

18. Ҳисобот даври охирига «Бош журнал китоби» (308-сон шакл)даги чиқарилган қолдиқлар баланснинг «Йил (чорак) охирига» устунига кўчириб ёзилади.

19. Дебитор ва кредитор қарзларни ҳисобга олувчи субсчётларда дебиторлар ва кредиторлар суммалари ўзаро ҳисобга олмаган ҳолда, яъни, мавжуд дебиторлар балансининг актив қисмида, кредиторлик қарз эса, пассив қисмида кўрсатилади.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумотларни акс эттиришда Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқнома (рўйхат рақами 2169, 2010 йил 22 декабрь) билан тасдиқланган 285-сон шаклдаги айланма қайднома ва бошқа тегишли ҳисоб регистрлари маълумотларидан фойдаланилади.

20. «Йил бошига» устуни бўйича кўрсаткичлар ўтган ҳисобот йили балансининг «Йил (чорак) охирига» устуни бўйича кўрсаткичларга айнан бир хил ҳолда кўчирилади. Агарда, бюджет ташкилоти ҳисобот йилининг 1 январидан кейин ташкил топган бўлса, у ҳолда балансининг ушбу «Йил бошига» устуни тўлдирилмайди.

21. Балансининг актив қисмидаги «Йил (чорак) охирига» устуни бўйича: а) «Номолиявий активлар» бўлимида:

«1-§. Асосий воситалар ва бошқа узоқ муддатли номолиявий активлар» параграфининг «Асосий воситалар: Бошланғич (қайта тиклаш) қиймати» қаторида бюджет ташкилотларининг ҳисобот даври охирига мавжуд барча асосий воситалари, шу жумладан, ижарага берилганлари ҳам дастлабки (тикланиш) қиймати бўйича акс эттирилади.

Қайта баҳолаш натижалари бўйича аниқланган асосий воситаларнинг тикланиш қиймати йиллик ва чораклик балансларда «Йил бошига» устунда каср чизиғи билан (махражида) акс эттирилади.

«Эскириш суммаси» қаторида асосий воситаларнинг баланс тузилган ҳисобот даври охирига ҳисобланган эскириш суммаси акс эттирилади.

«Қолдиқ (баланс) қиймати» қаторида асосий воситаларнинг бошланғич (қайта тиклаш) қиймати билан эскириш суммаси ўртасидаги фарқ (010-қаторда акс эттирилган асосий воситанинг бошланғич (қайта тиклаш) қийматидан 011-қаторда акс эттирилган эскириш суммасини айирмаси) акс эттирилади.

«Номоддий активлар» қаторида ташкилотнинг ҳисобот даври охирига мавжуд номоддий активларининг қиймати кўрсатилади;

«2-§. Ноишлаб чиқариш активлари» қаторида ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлмаган капитал харажатлар, жумладан, ерни ободонлаштириш бўйича харажатлар (040-субсчёт) акс эттирилади;

«3-§. Товар-моддий захиралар» қаторида ҳисобот даври охирига мавжуд бўлган тайёр маҳсулот, қурилиш материаллари, озик-овқат маҳсулотлари, дори-дармон ва ярани боғлаш воситалари, инвентарь ва хўжалик жиҳозлари, ёнилғи, ёқилғи-мойлаш материаллари, машина ва асбоб-ускуналарнинг эҳтиёт қисмлари ва бошқа товар-моддий захиралари қолдиқ суммалари кўрсатилади, балансдан ташқари 10 — «Фойдаланишдаги инвентарь ва хўжалик жиҳозлари» ва 12 — «Эскирганларининг ўрнига берилган транспорт воситаларининг эҳтиёт қисмлари» счётларида акс эттирилган товар-моддий захираларнинг қолдиқлари бундан мустасно;

«4-§. Номолиявий активларга қўйилмалар» қаторида ўрнатиш учун мўлжалланган асбоб-ускуналар, тугалланмаган қурилиш, асосий воситаларга бошқа харажатлар, номоддий активларга харажатлар, товар (иш, хизмат)ларга харажатлар ва товар-моддий захираларга бошқа харажатларни ҳисобга олувчи субсчётларнинг «Бош журнал китоби» (308-сон шакл) бўйича ҳисобот даврининг охирига қолдиқ суммаси акс эттирилади;

б) «Молиявий активлар» бўлимида мавжуд ҳисобварақлардаги пул маблағлари, аккредитивлар, кассадаги нақд пул қолдиқлари ва бошқа пул маблағларининг, шунингдек шахсий ғазна ҳисобварақлардаги пул маблағларининг қолдиқ суммалари акс эттирилади;

в) «Дебиторлар» бўлимида йил (чорак) охирига барча ҳисоб-китоблар бўйича қолдиқ суммалар (дебиторлик қарзлар) акс эттирилади.

22. Баланснинг пассив қисмидаги «Йил (чорак) охирига» устунни бўйича:

а) «Кредиторлар» бўлимида йил (чорак) охирига барча ҳисоб-китоблар бўйича қолдиқ суммалар (кредиторлик қарзлар) акс эттирилади;

б) «Молиявий натижалар» бўлимида ташкилотнинг жорий йилга молиявий натижалари (300 — 343-қаторлар), шунингдек якуний молиявий натижалари (350 — 356-қаторлар) ҳар бир даромад (тушум)ларнинг турлари бўйича алоҳида ҳолда акс эттирилади.

Бунда жорий йилга молиявий натижалар (300 — 343-қаторлар) бўйича кўрсаткичлар йиллик балансда акс эттирилмайди;

в) «Балансдан ташқари счётлар» бўлимида ҳисобот даври охирига акс эттирилган балансдан ташқари счётлар суммаси кўрсатилади.

2-§. Харажатлар сметасининг ижроси ҳақидаги ҳисобот (2-сон шакл)

23. Харажатлар сметасининг ижроси ҳақидаги ҳисоботни тузишдан олдин бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар:

тасдиқланган харажатлар сметаларига белгиланган тартибда киритилган ўзгартиришларнинг Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқнома (рўйхат рақами 2169, 2010 йил 22 декабрь) билан тасдиқланган 294-сон шаклдаги Касса ва ҳақиқий харажатларни ҳисобга олиш дафтари (бундан буён матнда 294-сон шакл дафтари деб юритилади) тўғри ёзилганлигини;

ҳисобот даври учун давлат бюджетидан молиялаштирилган маблағларни тасдиқланган харажатлар сметаларига мувофиқ (киритилган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда) амалга оширилганлигини (тегишли мемориал ордерлар, 294-сон шакл дафтари ва бошқа ҳисоб регистрлари асосида);

ҳисобот чорагида амалга оширилган касса харажатларининг (шахсий ғазна ҳисобварақлари орқали амалга оширилган тўловларнинг) тўғрилигини (тегишли мемориал ордерлар, 294-сон шакл дафтари ва бошқа ҳисоб регистрлари асосида);

ҳақиқий харажатларнинг ҳисоб регистрларига тўғри ёзилганлигини (те-

гишли мемориал ордерлар ва 294-сон шакл дафтари маълумотлари асосида) текшириб чиқишлари лозим.

24. «Тасдиқланган (аниқланган) режа» устунига харажатлар сметасига ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда белгиланган режа иқтисодий харажатлар таснифининг тегишли харажат моддалари бўйича кўрсатилади.

25. «Ҳисобот даври учун молиялаштирилган» устуни бўйича бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларга Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан (бундан буён матнда давлат бюджети деб юритилади) харажатлар сметаларига мувофиқ йил бошидан ўсиб боровчи тартибда молиялаштирилган маблағлар (294-сон шакл дафтари маълумотлари асосида) харажатлар таснифининг ҳисобот шаклида келтирилган харажат гуруҳлари ва моддалари бўйича ёзилади (4-гуруҳнинг харажат моддаларидан ташқари).

Давлат бюджетининг газна ижросига ўтган ташкилотлар ушбу устун бўйича йил бошидан ўсиб боровчи тартибда газначилик бўлинмалари орқали амалга оширилган тўловларни кўрсатадилар.

26. «Касса харажати — жами» устунига бюджет ташкилотининг давлат бюджети маблағлари бўйича депозит ҳисоб рақамидан харажатлар сметаларида кўзда тутилган мақсадлар учун ўтказилган маблағлар йил бошидан ўсиб боровчи тартибда (294-сон шакл дафтари маълумотлари асосида) харажатлар иқтисодий таснифининг ҳисобот шаклида келтирилган харажат гуруҳлари ва моддалари бўйича ёзилади.

Давлат бюджетнинг газна ижросига ўтган бюджет ташкилотлари ушбу устун бўйича йил бошидан ўсиб боровчи тартибда газначилик бўлинмалари орқали амалга оширилган тўловларни кўрсатадилар.

27. «Ҳақиқий харажатлар — жами» устунига ҳақиқий харажатлар (бюджет бўйича) йил бошидан ўсиб боровчи тартибда (294-сон шакл дафтари маълумотлари асосида) харажатлар иқтисодий таснифининг ҳисобот шаклида келтирилган харажат гуруҳлари ва моддалари бўйича ёзилади.

28. Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан сотиб олинган асосий воситаларга ҳисобланган эскириш суммаси харажатлар сметасининг ижроси ҳақидаги ҳисобот (2-сон шакл)да харажатлар иқтисодий таснифининг 43 50 000 «Асосий воситаларни сотиб олиш» харажат моддасининг тегишли кичик модда ва элементлари бўйича ҳақиқий харажатлар сифатида акс эттирилади.

Бунда, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан сотиб олинган асосий воситалар бўйича ҳисобланган эскириш суммаси тегишли равишда бюджетдан ташқари маблағларнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботларда харажатлар иқтисодий таснифининг 43 50 000 «Асосий воситаларни сотиб олиш» харажат моддасининг тегишли кичик модда ва элементлари бўйича ҳақиқий харажатлар сифатида акс эттирилади.

29. Бюджет маблағлари олувчилар томонидан давлат бюджетидан олинган маблағларнинг ижроси бўйича тузилган харажатлар сметасининг ижроси ҳақидаги ҳисобот (2-сон шакл)да харажатлар иқтисодий таснифининг тегишли моддалари, кичик моддалари ва элементлари бўйича амалга оши-

рилган касса харажатларидан ошмаган ҳолда ҳақиқий харажатларни тўлиқ акс эттиради.

30. Харажатлар сметасининг ижроси ҳақидаги ҳисобот (2-сон шакл) бюджет тизими бюджетлари харажатлари таснифининг ҳар бир бўлим, кичик бўлим ва боби бўйича алоҳида ҳолда тузилади.

31. Бюджет ташкилотлари томонидан шахсий ғазна ҳисобварақ (ҳисоб рақам)ларидаги тежаб қолинган ва белгиланган тартибда Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси ҳисоб рақамига ўтказилган давлат бюджети маблағлари алоҳида «Тежаб қолинган ва Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармасига ўтказилган маблағлар» (I — IV харажат гуруҳларига қўшилмаган ҳолда) қаторида ҳисобот даврининг касса харажатлари сифатида акс эттирилади.

3-§. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисидаги маълумот

32. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисидаги маълумот бюджет ташкилотнинг ҳисобот даври охирига давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан мавжуд дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш ва таҳлил қилиш учун тузилади.

33. «Дебитор қарздорлик» қисмида бюджет ташкилотининг барча мавжуд дебиторлик қарзлари акс эттирилади.

34. «1-гр. бўйича жами. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар» қаторида харажатлар иқтисодий таснифининг 1-гуруҳ харажат моддалари, кичик моддалари ва элементлари бўйича мавжуд дебиторлик қарзлар акс эттирилади.

35. «2-гр. бўйича жами. Иш ҳақиға қўшимчалар» қаторида харажатлар иқтисодий таснифининг 2-гуруҳ харажат моддалари, кичик моддалари ва элементлари бўйича мавжуд дебиторлик қарзлар акс эттирилади.

36. «3-гр. бўйича жами. Капитал қўйилмалар» қаторида харажатлар иқтисодий таснифининг 3-гуруҳ харажат моддалари, кичик моддалари ва элементлари бўйича мавжуд дебиторлик қарзлар акс эттирилади.

37. «4-гр. бўйича жами. Бошқа харажатлар» қаторида харажатлар иқтисодий таснифининг 4-гуруҳ харажат моддалари, кичик моддалари ва элементлари бўйича мавжуд дебиторлик қарзлар акс эттирилади.

38. «Харажатлар гуруҳлари бўйича жами» қаторида юқоридаги 4 та харажат гуруҳлари бўйича жами дебиторлик қарзлар акс эттирилади.

39. «Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича» қаторида юқоридаги харажат гуруҳлари бўйича акс эттиришнинг имкони бўлмайдиган қуйидаги ҳисоб-китоблар натижасида юзага келган дебиторлик қарзлар акс эттирилади:

болаларнинг мактабгача таълим муассасаларида тарбияланганлиги;

болаларнинг мусиқа ва санъат мактабларида ўқитилганлиги;

тарбияланувчиларнинг мактаб-интернатларда ва бошқа таълим муассасаларида тарбияланганлиги;

иш жойида овқат билан таъминланганлиги учун ходимлар билан ва бошқа шу каби ҳисоб-китоблар натижасида юзага келган дебиторлик қарзлар.

40. Мазкур дебиторлик қарзлар «Бош журнал китоби» (308-сон шакл) ва Баланс (1-сон шакл)да акс эттирилган 156 — «Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар» субсчётининг ҳисобот даврига мавжуд дебет қолдиғига мос бўлиши лозим.

41. «Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга ошириладиган тўловларни ҳисобланиши бўйича» қаторида бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга ошириладиган ҳисобланган тўловлар бўйича дебиторлик қарзлари акс эттирилади.

42. «Камомадларга доир ҳисоб-китоблар бўйича» қаторида пул маблағлари ва товар-моддий қимматликлар камомадлари бўйича ҳамда айбдор шахслар ҳисобига ёзилган ва белгиланган тартибда ундириб олинган товар-моддий қимматликлар қиймати бўйича юзага келган дебиторлик қарзлари, шунингдек бошқа ҳисоб-китоблар ҳисоби акс эттирилади. Мазкур дебиторлик қарзлар «Бош журнал китоби» (308-сон шакл) ва Баланс (1-сон шакл)да акс эттирилган 170 — «Камомадларга доир ҳисоб-китоблар» субсчётининг ҳисобот даврига мавжуд дебет қолдиғига мос бўлиши лозим.

43. «Талабалар билан тўлов-контракт маблағлари юзасидан ҳисоб-китоблар бўйича» қаторида таълим муассасаларида талабалар билан тўлов-контракт маблағлари бўйича, жумладан, тўлов-контракт маблағларининг ҳисобланиши натижасида юзага келган дебиторлик қарзлар акс эттирилади. Мазкур дебиторлик қарзлар «Бош журнал китоби» (308-сон шакл) ва Баланс (1-сон шакл)да акс эттирилган 175 — «Талабалар билан бошқа ҳисоб-китоблар» субсчётининг тўлов-контракт маблағларининг ҳисобланиши натижасида талабалардан юзага келган дебиторлик қарзлар қисми бўйича ҳисобот даврига мавжуд дебет қолдиғига мос бўлиши лозим.

44. «Юқори ва қуйи ташкилотлар ўртасидаги бошқа ҳисоб-китоблар бўйича» қаторида бюджет маблағларини тақсимловчилар билан уларнинг тасарруфидаги муассасалар ўртасида харажатлар сметасининг ижроси жараёнида вужудга келадиган турли ҳисоб-китоблар, жумладан, марказлашган тартибда берилган моддий активларга доир операциялар бўйича юзага келган дебиторлик қарзлар акс эттирилади. Мазкур дебиторлик қарзлар «Бош журнал китоби» (308-сон шакл) ва Баланс (1-сон шакл)да акс эттирилган 180 — «Юқори ва қуйи ташкилотлар ўртасидаги бошқа ҳисоб-китоблар» субсчётининг ҳисобот даврига мавжуд дебет қолдиғига мос бўлиши лозим.

45. «Юқоридаги акс эттирилганлардан ташқари бошқа ҳисоб-китоблар бўйича дебиторлик қарзлар» қаторида юқорида келтирилмаган бошқа дебиторлик қарзлар акс эттирилади.

46. «Ҳаммаси» қаторида бюджет ташкилотининг барча мавжуд дебиторлик қарзлари акс эттирилади.

47. «Кредитор қарздорлик» қисмида бюджет ташкилотининг барча мавжуд кредиторлик қарзлари акс эттирилади.

48. «1-гр. бўйича жами. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар» қаторида харажатлар иқтисодий таснифининг 1-гурух харажат моддалари,

кичик моддалари ва элементлари бўйича мавжуд кредиторлик қарзлар акс эттирилади.

49. «2-гр. бўйича жами. Иш ҳақиға кўшимчалар» қаторида харажатлар иқтисодий таснифининг 2-гурӯх харажат моддалари, кичик моддалари ва элементлари бўйича мавжуд кредиторлик қарзлар акс эттирилади.

50. «3-гр. бўйича жами. Капитал қўйилмалар» қаторида харажатлар иқтисодий таснифининг 3-гурӯх харажат моддалари, кичик моддалари ва элементлари бўйича мавжуд кредиторлик қарзлар акс эттирилади.

51. «4-гр. бўйича жами. Бошқа харажатлар» қаторида харажатлар иқтисодий таснифининг 4-гурӯх харажат моддалари, кичик моддалари ва элементлари бўйича мавжуд кредиторлик қарзлар акс эттирилади.

52. «Харажатлар гуруҳлари бўйича жами» қаторида барча 4 та харажат гуруҳлари бўйича жами кредиторлик қарзлар акс эттирилади.

53. «Бюджет ташкилотининг ихтиёрида вақтинча бўладиган маблағлар юзасидан ҳисоб-китоблар бўйича» қаторида бюджет ташкилотининг ихтиёрига вақтинчалик тушган ва маълум шартлар бажарилгандан кейин қайтарилиши лозим бўлган суммалар ҳисоби бўйича юзага келган кредиторлик қарзлар акс эттирилади. Мазкур кредиторлик қарзлар «Бош журнал китоби» (308-сон шакл) ва Баланс (1-сон шакл)да акс эттирилган 155 — «Бюджет ташкилотининг ихтиёрида вақтинча бўладиган маблағлар бўйича ҳисоб-китоблар» субсчётининг ҳисобот даврига мавжуд кредит қолдиғига мос бўлиши лозим.

54. «Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича» қаторида юқоридаги харажат гуруҳлари бўйича акс эттиришнинг имкони бўлмайдиган қуйидаги ҳисоб-китоблар натижасида юзага келган кредиторлик қарзлар акс эттирилади:

болаларнинг мактабгача таълим муассасаларида (болалар боғчалари ва яслиларда) тарбияланганлиги;

болаларнинг мусиқа ва санъат мактабларида ўқитилганлиги;

тарбияланувчиларнинг мактаб-интернатларда ва бошқа таълим муассасаларида тарбияланганлиги учун ота-оналар билан;

иш жойида овқат билан таъминланганлиги учун ходимлар ва бошқа шу каби ҳисоб-китоблар.

55. Мазкур кредиторлик қарзлар «Бош журнал китоби» (308-сон шакл) ва Баланс (1-сон шакл)да акс эттирилган 156 — «Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар» субсчётининг ҳисобот даврига мавжуд кредит қолдиғига мос бўлиши лозим.

56. «Бюджетга тўловлар бўйича бюджет билан ҳисоб-китоблар бўйича (1 ва 4-гурӯхда кўрсатилганларидан ташқари)» қаторида бюджет ташкилотлари томонидан маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш ва реализация қилишдан қонунчиликка мувофиқ бюджетга ҳисобланган ва тўланиши лозим бўлган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек мазкур шаклнинг 1 ва 4-гурӯхларида акс эттирилмаган бошқа бюджет билан ҳисоб-китоблар натижасида ҳисобот даврига юзага келган кредиторлик қарзлар акс эттирилади.

57. «Бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар билан ҳисоб-китоблар бўйича (1, 2 ва 4-гуруҳда кўрсатилганларидан ташқари)» қаторида реализация қилинган махсулотлар (иш, хизматлар)нинг ҳақиқий ҳажмидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига қонунчиликка мувофиқ мажбурий ажратмалари, шунингдек 1, 2 ва 4-гуруҳларида акс эттирилмаган бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар билан ҳисоб-китоблар бўйича кредиторлик қарзлар акс эттирилади.

58. «Талабалар билан тўлов-контракт маблағлари юзасидан ҳисоб-китоблар бўйича» қаторида таълим муассасаларида тўлов-контракт маблағларининг ҳисобланиши ва тўланиши натижасида талабалар билан ҳисоб-китоблар бўйича юзага келган кредиторлик қарзлар акс эттирилади. Мазкур кредиторлик қарзлар «Бош журнал китоби» (308-сон шакл) ва Баланс (1-шакл)да акс эттирилган 175 — «Талабалар билан бошқа ҳисоб-китоблар» субсчётининг тўлов-контракт маблағларини ҳисобланганига нисбатан ортиқча тўланиши натижасида талабалар билан ҳисоб-китоблар натижасида юзага келган кредиторлик қарзлар қисми бўйича ҳисобот даврига мавжуд кредит қолдиғига мос бўлиши лозим.

59. «Юқори ва қуйи ташкилотлар ўртасидаги бошқа ҳисоб-китоблар бўйича» қаторида бюджет маблағларини тақсимловчилар билан уларнинг тасарруфидаги муассасалар ўртасида харажатлар сметасининг ижроси жараёнида вужудга келадиган турли ҳисоб-китоблар, шунингдек марказлашган тартибда берилган моддий активларга доир операциялар бўйича юзага келган кредиторлик қарзлар акс эттирилади. Мазкур кредиторлик қарзлар «Бош журнал китоби» (308-сон шакл) ва Баланс (1-сон шакл)да акс эттирилган 180 — «Юқори ва қуйи ташкилотлар ўртасидаги бошқа ҳисоб-китоблар» субсчётининг ҳисобот даврига мавжуд кредит қолдиғига мос бўлиши лозим.

60. «Юқоридаги акс эттирилганлардан ташқари бошқа ҳисоб-китоблар бўйича кредиторлик қарзлар» қаторида юқорида келтирилмаган бошқа кредиторлик қарзлар акс эттирилади.

61. «Ҳаммаси» қаторида бюджет ташкилотининг барча мавжуд кредиторлик қарзлари акс эттирилади.

62. «Жами қарздорлик» устунни бўйича бюджет ташкилотининг давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ҳисобот даврига мавжуд дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг жами суммаси кўрсатилади.

63. «Бюджет ҳисобидан» устунда давлат бюджети маблағлари бўйича юзага келган қарздорлик кўрсатилади. «Бюджетдан ташқари маблағлар» устунда эса, бюджетдан ташқари маблағлари бўйича вужудга келган жами қарздорлик суммаси кўрсатилади.

64. Агарда, юзага келган дебиторлик қарзни давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига аниқ ажратишнинг имкони бўлмаса, у ҳолда ушбу дебиторлик қарз давлат бюджети маблағлари бўйича амалга оширилган касса харажатлари суммасидан ошмаган ҳолда давлат бюджети маблағлари ҳисобидан кўрсатилади. Дебиторлик қарзнинг қолган (давлат бюджети маблағлари бўйича амалга оширилган касса харажатлари суммасидан ошган) қисми бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига ёзилади.

65. Агарда, юзага келган кредиторлик қарзни давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига аниқ ажратишнинг имкони бўлмаса, у ҳолда ушбу кредиторлик қарз давлат бюджети бўйича қолдиқ лимит маблағи доирасида иқтисодий харажатлар таснифининг тегишли моддаси бўйича бюджет ҳисобидан кўрсатилади. Кредиторлик қарзнинг қолган (давлат бюджети лимитидан ошган) қисми бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига ёзилади.

66. «Шундан муддати ўтган қарздорлик — жами» устунида «Жами қарздорлик» устунида кўрсатилган қарздорликдан муддати ўтказиб юборилган, қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда сўндирилмаган қарзнинг умумий суммаси, «Бюджет ҳисобидан» устунида давлат бюджети маблағлари ҳисобига вужудга келган қисми, «Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан» устунида эса, бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига вужудга келган қисми кўрсатилади.

67. «Шундан Республика ташқарисида» устунида муддати ўтган қарздорликнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридаги қисми кўрсатилади.

68. «Изоҳ» устунида қўшимча изоҳлар келтирилади.

69. Зарурат туғилган тақдирда, бюджет ташкилотларига ҳамда ҳисобот олувчиларга (тегишли молия органларига ва бюджет маблағларини тақсимловчиларга) ушбу ҳисобот шаклида ҳисобот олувчилар томонидан қарздорлик бўйича талаб қилинган қўшимча маълумотлар олиш имконини берувчи қўшимча реквизитлар қўшиш ҳуқуқи берилади.

4-§. Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси бўйича пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот

70. Мазкур ҳисобот бюджет ташкилотлари томонидан ҳисобот даври мобайнида ҳисобот чорагининг сўнги иш куни охирида харажатлар сметаси бўйича тежалган маблағлар, фаолият ихтисослиги бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадлар, бюджет ташкилоти балансида турган мол-мулкни ижарага беришдан олинган ва белгиланган тартибда бюджет ташкилотлари тасарруфида қолдирилган маблағлар, шунингдек ҳомийликдан олинган маблағлари ҳаракатини акс эттириш учун тузилади.

71. Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси бўйича пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот шаклини тузишдан олдин бюджет ташкилотлари:

ҳисобот чорагининг сўнги иш куни охирида харажатлар сметаси бўйича тежалган маблағлар, фаолият ихтисослиги бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадлар, бюджет ташкилоти балансида турган мол-мулкни ижарага беришдан олинган маблағларнинг бир қисми, белгиланган тартибда бюджет ташкилотлари тасарруфида қолдирилган маблағлар, шунингдек ҳомийликдан олинган маблағларга доир дастлабки ҳужжатларнинг тўлиқлигини;

шахсий ғазна ҳисобварақлардан (ҳисоб рақамлардан) олинган кўчирмаларни ва тегишли ҳисоб регистрлари маълумотларининг тўғрилигини текшириб чиқадилад.

72. «1. Йил бошига пул маблағи қолдиғи» қаторига тегишли шахсий ғазна ҳисобварақлардан (ҳисоб рақамлардан) кўчирмаларга мувофиқ Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси бўйича ҳисобот йилининг 1 январь санасига мавжуд пул маблағлари қолдиғи акс эттирилади.

73. «2. Ҳисобот даврида тушган тушумлар — жами» қаторида «2.1 Ҳисобот даврида тушган даромад (тушум)лар» ва «2.2 Ўтган йил қолдиғи ҳисобидан тушган тушум» қаторларининг йиғиндиси кўрсатилади.

Бунда «2.1 Ҳисобот даврида тушган даромад (тушум)лар» қаторида «а», «б», «в», «г» ва «д» қаторлар бўйича ҳисобот даврига тушган даромадлар (тушумлар)нинг йиғиндиси кўрсатилади.

74. «а) ҳисобот чорагининг сўнгги иш куни охирида харажатлар сметаси бўйича тежалган маблағлар» қаторида тежаб қолинган ва белгиланган тартибда Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармасига ўтказилган давлат бюджети маблағлари кўрсатилади.

75. «б) фаолият ихтисослиги бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан» қаторида фаолият тури бўйича маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш ва сотишдан олинган жами тушумлар (пул маблағлари) кўрсатилади.

76. «в) бюджет ташкилоти балансида турган мол-мулкни ижарага беришдан» қаторида вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва бошқа мулкларни ижарага беришдан тушган даромадлар (пул маблағлари) кўрсатилади.

77. «г) белгиланган тартибда бюджет ташкилотлари тасарруфида қолдирилган маблағлар» қаторида бюджет ташкилотига қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа келиб тушган тушумлар кўрсатилади.

78. «д) ҳомийликдан олинган» қаторида Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасига ҳомий ташкилотлардан ҳамда жисмоний шахслардан тушган ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилади.

79. «2.2 Ўтган йил қолдиғи ҳисобидан тушган тушум» қаторида ўтган молия йилида келиб тушиши лозим бўлган маблағларнинг жорий молия йилида келиб тушган суммаси акс эттирилади.

80. «Ҳисобот даврида амалга оширилган касса харажатлари — жами» қаторида «3.1 Касса харажатлари» ва «3.2 Қайтарилган қолдиқ» қаторларининг йиғиндиси кўрсатилади.

81. «3.1 Касса харажатлари» қаторида 4-устун «Касса харажатлари — жами»да акс эттирилган жами касса харажатларининг суммаси кўрсатилади.

82. «3.2 Қайтарилган қолдиқ» қаторида ўтган молия йилида нотўғри ёки ортиқча келиб тушган маблағларнинг жорий молия йилида қайтарилган суммаси акс эттирилади.

83. «4. Ҳисобот даври охирига пул маблағи қолдиғи» қаторида «1. Йил бошига пул маблағи қолдиғи» қаторида акс эттирилган сумма ва «2. Ҳисобот даврида тушган тушумлар — жами» қаторида акс эттирилган тушумлар йиғиндисидан «3. Ҳисобот даврида амалга оширилган касса харажатлари —

жами» қатори бўйича акс эттирилган касса харажатларининг айирмаси кўрсатилади.

84. «Харажатлар ёйилмаси»да Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган касса ва ҳақиқий харажатлар мазкур ҳисобот шаклида келтирилган харажатлар иқтисодий таснифининг харажат моддалари, кичик моддалари ва элементлари бўйича акс эттирилади.

5-§. Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси бўйича пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот

85. Мазкур ҳисоботни тузишдан олдин тиббиёт ташкилотлари:

Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағларининг шаклланиш манбаларига ва сарфланишига доир бирламчи ҳужжатларнинг тўлиқлигини;

шахсий ғазна ҳисобварақлардан (ҳисоб рақамлардан) олинган кўчирмаларни ва бошқа тегишли ҳисоб регистрларини текшириб чиқадиладар.

86. «1. Йил бошига пул маблағи қолдиғи» қаторида тегишли шахсий ғазна ҳисобварақларнинг (ҳисоб рақамларнинг) ҳисобот йилининг 1 январь санасидаги кўчирмаларига асосан Тиббиёт ташкилотининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси бўйича пул маблағлари қолдиғи акс эттирилади.

87. «2. Ҳисобот даврида тушган тушумлар — жами» қаторида «2.1 Ҳисобот даврида тушган даромад (тушум)лар» ва «2.2 Ўтган йил қолдиғи ҳисобидан тушган тушум» қаторларининг йиғиндиси кўрсатилади.

Бунда «2.1 Ҳисобот даврида тушган даромад (тушум)лар» қаторида «а», «б», «в», «г», «д» ва «е» қаторлар бўйича ҳисобот даврига тушган даромадлар (тушумлар)нинг йиғиндиси кўрсатилади.

88. «а) тиббиёт ташкилотига ажратиладиган бюджет маблағлари умумий ҳажмининг 5 фоизигача бўлган миқдорда бюджетдан ажратиладиган маблағлар» қаторида тиббиёт ташкилоти учун бюджетдан ажратиладиган умумий маблағларнинг (харажатлар сметасида назарда тутилган жами маблағларнинг) 5 фоизигача бўлган қисмининг тиббиёт ташкилотининг мазкур жамғармасига ўтказилган суммалари кўрсатилади.

89. «б) фаолият ихтисослиги бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан» қаторида тиббиёт ташкилотининг пулли даволаш ва хизматлар кўрсатишдан тушган маблағлари кўрсатилади.

90. «в) ҳисобот чорагининг сўнгги иш куни охирида харажатлар сметаси бўйича тежалган маблағлар» қаторида қонун ҳужжатларига мувофиқ кўрсатилган жамғармага ўтказилган тежаб қолинган маблағлар суммаси кўрсатилади.

91. «г) тиббиёт ташкилоти балансида турган мол-мулкни ижарага беришдан» қаторида тиббиёт ташкилотлари вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва бошқа мулкларни ижарага беришдан тушган даромадларини кўрсатадилар.

92. «д) белгиланган тартибда бюджет ташкилотлари тасарруфида қолдириладиган маблағлар» қаторида тиббиёт ташкилотига қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа келиб тушган тушумлар кўрсатилади.

93. «е) ҳомийликдан олинган» қаторида ҳомий ва донор ташкилотлардан тушган ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилади.

94. «2.2 Ўтган йил қолдиғи ҳисобидан тушган тушум» қаторида ўтган молия йилида келиб тушиши лозим бўлган маблағларнинг жорий молия йилида келиб тушган суммаси акс эттирилади.

95. «3. Ҳисобот даврида амалга оширилган касса харажатлари — жами» қаторида «3.1 Касса харажатлари» ва «3.2 Қайтарилган қолдиқ» қаторларининг йиғиндиси кўрсатилади.

96. «3.1 Касса харажатлари» қаторида 4-устун «Касса харажатлари — жами»да акс эттирилган жами касса харажатларининг суммаси кўрсатилади.

97. «3.2 Қайтарилган қолдиқ» қаторида ўтган молия йилида нотўғри ёки ортиқча келиб тушган маблағларнинг жорий молия йилида қайтарилган суммаси акс эттирилади.

98. «4. Ҳисобот даври охирига пул маблағи қолдиғи» қаторида «1. Йил бошига пул маблағи қолдиғи» қаторида акс эттирилган сумма ва «2. Ҳисобот даврида тушган тушумлар — жами» қаторида акс эттирилган тушумлар йиғиндисидан «3. Ҳисобот даврида амалга оширилган касса харажатлари — жами» қатори бўйича акс эттирилган касса харажатларининг айирмаси кўрсатилади.

99. «Харажатлар ёйилмаси»да кўрсатилган Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга оширилган касса ва ҳақиқий харажатлар мазкур ҳисобот шаклида келтирилган харажатлар иқтисодий таснифининг харажат моддалари, кичик моддалари ва элементлари бўйича акс эттирилади.

6-§. Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот

100. Ушбу ҳисобот таълим муассасаларидаги ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни акс эттириш учун мўлжалланган.

101. Таълим муассасалари мазкур ҳисоботни тузишдан олдин қуйидагиларни тўғрилигини текшириб чиқадилар:

ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағларнинг шаклланиши ва сарфланишига оид барча дастлабки ҳужжатларнинг тўлиқлигини;

аналитик ҳисоб маълумотларининг тегишли синтетик ҳисоб маълумотларга мувофиқлигини;

тегишли ҳисоб регистрлари маълумотларининг тўлиқ ва тўғри ёзилганлигини.

102. «1. Йил бошига пул маблағи қолдиғи» қаторида тегишли ҳисобва-
рақлардан кўчирмаларга мувофиқ ҳисобот йилининг 1 январь санасига мав-
жуд тўлов-контракт маблағлари қолдиғи акс эттирилади.

103. «2. Ҳисобот даврида тушган тушумлар — жами» қаторида «2.1 Ҳисо-

бот даврида тушган даромад (тушум)лар» ва «2.2 Ўтган йил қолдиғи ҳисобидан тушган тушум» қаторларининг йиғиндиси кўрсатилади.

Бунда «2.1 Ҳисобот даврида тушган даромад (тушум)лар» қаторида «а», «б», ва «в» қаторлар бўйича ҳисобот даврига тушган даромадлар (тушумлар)-нинг йиғиндиси кўрсатилади.

104. «2.2 Ўтган йил қолдиғи ҳисобидан тушган тушум» қаторида ўтган молия йилида келиб тушишиш лозим бўлган маблағларнинг жорий молия йилида келиб тушган суммаси акс эттирилади.

105. «3. Ҳисобот даврида амалга оширилган касса харажатлари — жами» қаторида «3.1 Касса харажатлари» ва «3.2 Қайтарилган қолдиқ» қаторларининг йиғиндиси кўрсатилади.

106. «3.1 Касса харажатлари» қаторида 4-устун «Касса харажатлари — жами»да акс эттирилган жами касса харажатларининг суммаси кўрсатилади.

107. «3.2 Қайтарилган қолдиқ» қаторида ўтган молия йилида нотўғри ёки ортиқча келиб тушган маблағларнинг жорий молия йилида қайтарилган суммаси акс эттирилади.

108. «4. Ҳисобот даври охирига пул маблағи қолдиғи» қаторида «1. Йил бошига пул маблағи қолдиғи» қаторида акс эттирилган сумма ва «2. Ҳисобот даврида тушган тушумлар — жами» қаторида акс эттирилган тушумлар йиғиндисидан «3. Ҳисобот даврида амалга оширилган касса харажатлари — жами» қатори бўйича акс эттирилган касса харажатларининг айирмаси кўрсатилади.

109. «Харажатлар ёйилмаси»да тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан амалга оширилган касса ва ҳақиқий харажатлар мазкур ҳисобот шаклида келтирилган харажатлар иқтисодий таснифининг харажат моддалари, кичик моддалари ва элементлари бўйича акс эттирилади.

7-§. Бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот

110. Мазкур ҳисобот қуйидаги бюджетдан ташқари маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш учун мўлжалланган:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ижтимоий нафақаларни тўлаш учун маблағлари;

ўтган йиллар дебиторлик қарзларининг тушган суммаси;

мактабгача таълим муассасаларида болалар таъминоти учун ота-оналардан тушадиган тушумлар;

мактабдан ташқари муассасаларда болалар таъминоти учун ота-оналардан тушадиган тушумлар (мусиқа ва санъат мактаблари);

ходимлардан, улар ишлаётган жойида овқатланганлиги бўйича ҳисобкитоблардан тушадиган тушумлар;

мактаб-интернатлар ва лицейларда болаларнинг таъминоти учун ота-оналардан тушадиган тушумлар;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари;

умумтаълим муассасаларида дарсликлар ижараси тўловидан тушган бюджетдан ташқари маблағлар;

капитал қўйилма маблағлари бўйича депозитлар;

турғун даволаш-профилактика муассасаларида даволанаётган беморлардан овқатланиш учун ундириладиган тўловлар;

тақсимланиши назарда тутилган тушумлар;

бошқа таълим муассасаларида болалар таъминоти учун ота-оналар тўлайдиган тўловлар;

бошқа маблағлар бўйича депозитлар;

грантлар, инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситалари;

кредит ва ссудалар.

111. Ҳисоботни тузишдан олдин бюджет ташкилотлари қўйидагиларни текширадилар:

ҳисобот чораги мобайнидаги барча мазкур бюджетдан ташқари маблағларининг шаклланиш манбаларига ва сарфланишига доир бирламчи ҳужжатларнинг тўлиқлигини;

шахсий газна ҳисобварақлардан (ҳисоб рақамлардан) олинган кўчирмаларни ва бошқа тегишли ҳисоб регистрларини.

112. «Йил бошига маблағ қолдиғи» устуни бўйича бюджет ташкилотлари ҳисобот шаклида келтирилган барча бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ҳисобот йилининг 1 январь санасига бўлган мавжуд қолдиқ маблағларни акс эттирадилар.

113. «Ҳисобот даврида тушган даромадлар (тушумлар) жами» устунида «Ҳисобот даврида тушган даромадлар (тушумлар)» ва «Ўтган йил қолдиғи ҳисобидан тушган тушум» устунларининг йиғиндиси кўрсатилади.

114. «Ҳисобот даврида тушган даромадлар (тушумлар)» устунида ҳисобот шаклида келтирилган барча бюджетдан ташқари маблағларнинг турлари бўйича алоҳида ҳолда ҳисобот даврида бюджет ташкилотининг шахсий газна ҳисобварағига (ҳисоб рақамига) келиб тушган тушумлар акс эттирилади.

115. «Ўтган йил қолдиғи ҳисобидан тушган тушум» устунида ўтган молия йилида келиб тушиши лозим бўлган маблағларнинг жорий молия йилида келиб тушган суммаси акс эттирилади.

116. «Харажатлар ёйилмаси»да мазкур бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ҳисобот даврида амалга оширилган касса ва харажатларни харажатлар иқтисодий таснифининг харажатлар моддаси, кичик моддаси ва элементлари бўйича ҳар бир бюджетдан ташқари маблағларнинг турлари бўйича алоҳида ҳолда акс эттирадилар.

8-§. Жорий йилнинг молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисобот

117. Мазкур ҳисобот бюджет ташкилотининг жорий йилнинг якунлари

бўйича молиявий фаолиятининг натижаси, яъни ҳар бир даромад (тушум)-ларнинг турларини мазкур даромадлар (тушумлар) ҳисобидан амалга оширилган харажатлар билан солиштириш натижаси бўйича маълумотларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш учун тузилади.

118. Ҳисобот «Бош журнал китоби» (308-сон шакл) ва даромадлар (тушумлар) ва харажатлар ҳисоби юритиладиган бошқа ҳисоб регистрлари маълумотлари асосида тўлдирилади.

119. «1. Даромадлар (тушумлар)» бўлими бўйича:

«1.1. Бюджетдан молиялаштириш» қаторида «Бош журнал китоби» (308-сон шакл)даги 232 — «Бюджетдан молиялаштириш» субсчётининг маълумотлари акс эттирилади;

«1.2. Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар» қаторида «Бош журнал китоби» (308-сон шакл)даги 242 — «Таълим муассасаларида ҳисобланган ота-оналарнинг маблағлари» субсчётининг маълумотлари акс эттирилади;

«1.3. Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушадиган маблағлар бўйича даромадлар» қаторида «Бош журнал китоби» (308-сон шакл)даги 252 — «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича даромадлар» субсчётининг маълумотлари акс эттирилади. Шунингдек, ушбу маълумотлар «а) тўлов-контракт маблағлари», «б) депозитга қўйилган маблағлар бўйича даромадлар» ва «в) бошқа тушумлар» қаторлари бўйича алоҳида ҳолда акс эттирилади;

«1.4. Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси даромадлари» қаторида «Бош журнал китоби» (308-сон шакл)даги 262 — «Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича даромадлар» субсчётининг маълумотлари акс эттирилади. Шунингдек, ушбу маълумотлар «а) фаолият ихтисослиги бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан», «б) бюджет ташкилоти балансида турган мол-мулкни ижарага беришдан», «в) хомийликдан олинган» қаторлари бўйича алоҳида ҳолда акс эттирилади;

«1.5. Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси даромадлари» қаторида «Бош журнал китоби» (308-сон шакл)даги 262 — «Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича даромадлар» субсчётининг маълумотлари акс эттирилади. Шунингдек, ушбу маълумотлар «а) фаолият ихтисослиги бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан», «б) тиббиёт ташкилоти балансида турган мол-мулкни ижарага беришдан» ва «в) хомийликдан олинган» қаторлари бўйича алоҳида ҳолда акс эттирилади;

«1.6. Бошқа даромадлар» қаторида «Бош журнал китоби» (308-сон шакл)даги 272 — «Бошқа бюджетдан ташқари даромадлар» ва 273 — «Инвентаризация натижасида ортиқча чиққан мол-мулклар» субсчётларининг маълумотлари акс эттирилади;

«1.7. Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар» қаторида жорий йилда таълим муассасаларидаги тўлов-контракт маблағлари бўйича ҳамда Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси (Тиббиёт таш-

килотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси) даромадлари бўйича ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар акс эттирилади.

120. «Даромадлар (тушумлар) жами» қаторида барча даромадлар (тушумлар)нинг йиғиндиси акс эттирилади.

121. «2. Харажатлар» бўлими бўйича:

«2.1. Бюджет маблағлари бўйича ҳақиқий харажатлар» қаторида «Бош журнал китоби» (308-сон шакл)даги 231 — «Бюджет маблағлари бўйича ҳақиқий харажатлар» субсчётининг маълумотлари акс эттирилади;

«2.2. Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» қаторида «Бош журнал китоби» (308-сон шакл)даги 241 — «Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчётининг маълумотлари акс эттирилади;

«2.3. Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» қаторида «Бош журнал китоби» (308-сон шакл)даги 251 — «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчётининг маълумотлари акс эттирилади;

«2.4. Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» қаторида «Бош журнал китоби» (308-сон шакл)даги 261 — «Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчётининг маълумотлари акс эттирилади;

«2.5. Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» қаторида тиббиёт ташкилотлари томонидан «Бош журнал китоби» (308-сон шакл)даги 261 — «Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчётининг маълумотлари акс эттирилади;

«2.6. Бошқа даромадлар бўйича ҳақиқий харажатлар» қаторида «Бош журнал китоби» (308-сон шакл)даги 271 — «Бошқа даромадлар бўйича ҳақиқий харажатлар» субсчётининг маълумотлари акс эттирилади.

122. «Харажатлар жами» қаторида мазкур Қоидаларнинг 119-бандида кўрсатилган барча даромадлар (тушумлар) ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатларнинг йиғиндиси акс эттирилади.

123. «3. Молиявий натижа» бўлими бўйича:

«Жорий йилга молиявий натижа» қаторида бюджет ташкилотининг жорий йилга молиявий натижаси, яъни, жами даромад (тушум) (080-қатор)дан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар жами (150-қатор)нинг айирмаси акс эттирилади;

«а) бюджет маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижа» қаторида «1.1. Бюджетдан молиялаштириш» (010-қатор)дан «2.1. Бюджет маблағлари бўйича ҳақиқий харажатлар» (090-қатор)нинг айирмаси акс эттирилади;

«б) тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича жорий йилга молиявий натижа» қаторида «1.2. Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар» (020-қатор)дан «2.2. Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» (100-қатор)нинг айирмаси акс эттирилади;

«в) таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижа» қаторида «1.3. Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушадиган маблағлар бўйича даромадлар» (030-қатор)дан «2.3. Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» (110-қатор)нинг айирмаси акс эттирилади;

«г) бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича якуний молиявий натижа» қаторида «1.4. Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси даромадлари» (040-қатор)дан «2.4. Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» (120-қатор)нинг айирмаси акс эттирилади;

«д) тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси бўйича жорий йилга молиявий натижа» қаторида «1.5. Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси даромадлари» (050-қатор)дан «2.5. Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» (130-қатор)нинг айирмаси акс эттирилади;

«е) бошқа даромадлар бўйича жорий йилга молиявий натижа» қаторида «1.6. Бошқа даромадлар» (060-қатор)дан «2.6. Бошқа даромадлар бўйича ҳақиқий харажатлар» (140-қатор)нинг айирмаси акс эттирилади;

«ж) бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларга ҳисобланган солиқ ва бошқа тўловлар бўйича имтиёзлар» қаторида «1.7. Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар» (070-қатор) маълумотлари акс эттирилади.

124. Ушбу ҳисобот шакли бюджет ташкилотлари томонидан ҳисобот йили учун топшириладиган Баланс (1-сон шакл) билан бирга тақдим қилинади.

9-§. Номолиявий активлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот

125. Номолиявий активлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот бюджет ташкилотининг ҳисобот йили мобайнидаги номолиявий активлари (асосий воситалари, номоддий активлари ва товар-моддий захиралари)нинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш учун тузилади.

126. Мазкур ҳисобот шаклини тузишдан олдин бюджет ташкилотлари:

ҳисобот йили бошига мавжуд асосий воситалар, номоддий активлар ва товар-моддий захиралар қолдигининг тўғрилигини (асосланганлигини);

йил мобайнида бюджет ташкилотига кирим бўлган ва бюджет ташкилотидан чиқим бўлган барча номолиявий активларни давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисоби бўйича алоҳида ҳолда ҳисоб регистрларида Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқнома

(рўйхат рақами 2169, 2010 йил 22 декабрь) билан тасдиқланган 326-сон шаклдаги асосий воситалар бўйича айланма қайдномада, 296-сон шаклдаги материал қимматликларнинг миқдор-қиймат ҳисоби дафтари (карточкаси)-да, «Бош журнал китоби»да (308-сон шакл) ва бошқа тегишли регистрларда) тўғри акс эттирилганлигини;

кирим ва чиқим операцияларини тасдиқловчи ҳужжатларнинг мавжудлигини ва тўлиқлигини текшириб чиқадилар.

127. Ушбу ҳисоботда асосий воситалар ва номоддий активлар тўғрисидаги маълумотлар «Бош журнал китоби» (308-сон шакл) ва бошқа асосий воситалар ва номоддий активлар ҳисоби юритиладиган ҳисоб регистрлари маълумотлари асосида тўлдирилади. Ҳисоботда асосий воситалар ва номоддий активларнинг (давлат бюджети ёки бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан олинганлиги кўрсатилган ҳолда) йил бошига мавжуд қолдиғи, ҳисобот йили мобайнида кирим бўлган асосий воситалар ва номоддий активларнинг қиймати ва чиқим бўлган (ҳисобдан чиқарилган)ларининг қиймати, шунингдек ҳисобот даври охирига бюджет ташкилотлари балансида қолган асосий воситалар ва номолиявий активларнинг қиймати кўрсатилади.

128. Асосий воситаларни ҳар йилги қайта баҳолаш ҳисобига бошланғич (қайта тиклаш) қийматининг ўзгариши (ошиши ёки камайиши) ҳисобот шаклининг алоҳида «Қайта баҳолаш натижасида» қаторида акс эттирилади.

129. Товар-моддий захиралар бўйича ҳисобот даври бошига ва охирига қолдиғи, шунингдек бюджет ташкилоти эҳтиёжлари учун товар-моддий захираларнинг давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан сарфланган суммаси алоҳида ҳолда кўрсатилади.

Шунингдек, ташкилотга ҳисобот йили мобайнида кирим бўлган товар-моддий захиралар, жумладан бепул олинганлари, сотиб олинганлари, ортиқча материалларнинг кирим қилинганлари ҳамда йил мобайнида чиқим қилинган материал захиралар, жумладан бепул берилганлари, сотилганлари, камомадлар ва бошқа сабаблар туфайли чиқим қилинганларининг қиймати кўрсатилади.

130. Ушбу ҳисобот шакли бюджет ташкилотлари томонидан ҳисобот йили учун топшириладиган Баланс (1-сон шакл) билан бирга тақдим қилинади.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 26 декабрь,
181-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 15 февралда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН
КОРХОНАЛАРГА КЎМАКЛАШИШ ВА РАҚОБАТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

130 «Давлат улушларини ишончли бошқариш ва акциядорлик жамиятларини бошқаришда иштирок этиш махсус ҳуқуқи («олтин акция») бўйича давлат вакилларининг хизмат ҳақи тўловларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
15 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2263-2*

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПФ–5016-сон «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ–2897-сон «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 июндаги 419-сон «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2011 йил 11 августдаги 51, 01/12-18/05-сон «Давлат улушларини ишончли бошқариш ва акциядорлик жамиятларини бошқаришда иштирок этиш махсус ҳуқуқи («олтин акция») бўйича давлат вакилларининг хизмат ҳақи тўловларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 2263, 2011 йил 9 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 37-сон, 384-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 15 февралда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 9 январь,
3-сон

**Хусусийлаштирилган корхоналарга
кўмаклашиш ва рақобатни
ривожлантириш давлат
қўмитаси раиси**

Р. ГУЛЯМОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 9 январь,
01/29-10/02-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Хусусийлаштирилган
корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни
ривожлантириш давлат қўмитасининг
2018 йил 9 январдаги
3 ва 01/29-10/02-сон қарорига
ИЛОВА

**«Давлат улушларини ишончли бошқариш ва акциядорлик
жамиятларини бошқаришда иштирок этиш махсус ҳуқуқи
(«олтин акция») бўйича давлат вакилларининг хизмат
ҳақи тўловларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги
низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритилаётган
ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. Муқаддимадан «, 2012 йил 13 ноябрдаги ПФ–4483-сон «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. Низомда:

а) муқаддимадан «, 2012 йил 13 ноябрдаги ПФ–4483-сон «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

б) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Мазкур Низом давлат улуши ишончли бошқарувга берилган (Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ инвестиция активларини ишончли

бошқарувчиларига, давлат ва хўжалик бошқаруви органларига берилган ҳоллар бундан мустасно) акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятларга (кейинги ўринларда хўжалик жамиятлари деб юритилади) ҳамда давлатнинг иштирок этиш махсус ҳуқуқи («олтин акция») киритилган акциядорлик жамиятларига татбиқ этилади.»;

в) 2-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Акциядорлик бирлашмалари ва компанияларидаги акциялар давлат улушидан самарали фойдаланилиши устидан мониторинг олиб бориш комиссияси» деган сўзлар «Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

г) 3-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушган маблағлар жамғармаси» деган сўзлар «Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш жамғармаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

д) 4-банддаги «Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш» деган сўзлар «Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

е) 7-банднинг биринчи хатбошисида «Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш» деган сўзлар «Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ж) 9-бандда:

биринчи хатбошидаги «Марказ» деган сўз «Давлат рақобат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Давлат рақобат қўмитаси келиб тушган маблағларни Марказнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бош бошқармасининг Тошкент шаҳридаги Ҳисоб-касса марказидаги субсчётига ўтказди.»;

иккинчи — ўн биринчи хатбошилар тегишлича учинчи — ўн иккинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

тўртинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Молия вазирлиги томонидан Давлат рақобат қўмитасига давлат улушлари бўйича бюджетга тўланган дивидендларнинг қисми ҳисобидан ўтказилган ва Давлат рақобат қўмитаси томонидан Марказга йўналтирилган маблағлар ҳисобидан Марказ субсчётига тегишли маблағлар келиб тушган пайдан эътиборан 10 банк иш куни ичида;»;

бешинчи ва ўн иккинчи хатбошилардаги «Давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушган маблағлар жамғармаси» деган сўзлар «Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш жамғармаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

з) 11-банднинг биринчи хатбошисидаги «Давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушган маблағлар жамғармасига» деган сўзлар «Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш жамғармасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

и) 21-банднинг биринчи хатбошисидаги «Давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушган маблағлар жамғармаси» деган сўзлар «Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш жамғармаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

к) 1 ва 2-иловалар мазкур ўзгартиришлар ва қўшимчанинг 1 ва 2-иловаларига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

«Давлат улушларини ишончли бошқариш ва акциядорлик жамиятларини бошқаришда иштирок этиш махсус ҳуқуқи («олтин акция») бўйича давлат вакилларининг хизмат ҳақи тўловларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимчага
1-ИЛОВА

«Давлат улушларини ишончли бошқариш ва акциядорлик жамиятларини бошқаришда иштирок этиш махсус ҳуқуқи («олтин акция») бўйича давлат вакилларининг хизмат ҳақи тўловларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Стратегик аҳамиятга эга бўлган хўжалик жамиятларининг
устав фондларидаги давлат улушларини ишончли бошқариш
фаолияти хизмат ҳақи тўловини белгилловчи
КОЭФФИЦИЕНТЛАР**

Т/р	Ишончли бошқарувга берилган давлат улушининг номинал қийматдаги миқдори (млн сўм)	Коэффициент
1.	500 гача	5,0
2.	700 гача	5,5
3.	900 гача	6,5
4.	1100 гача	7,5
5.	1300 гача	8,5
6.	1500 гача	9,5
7.	1700 гача	10,5
8.	1900 гача	11,5
9.	2100 гача	12,5
10.	2300 гача	13,5
11.	2500 гача	14,0
12.	2700 гача	14,5
13.	2900 гача	15,0
14.	3100 гача	15,5
15.	3300 гача	16,0
16.	3500 гача	16,5
17.	3700 гача	17,0
18.	3900 гача	17,5
19.	4100 гача	18,0
20.	4100 дан кўп	18,5

».

«Давлат улушларини ишончли бошқариш ва акциядорлик жамиятларини бошқаришда иштирок этиш махсус ҳуқуқи («олтин акция») бўйича давлат вакилларининг хизмат ҳақи тўловларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимчага
2-ИЛОВА

«Давлат улушларини ишончли бошқариш ва акциядорлик жамиятларини бошқаришда иштирок этиш махсус ҳуқуқи («олтин акция») бўйича давлат вакилларининг хизмат ҳақи тўловларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Стратегик аҳамиятга эга бўлмаган хўжалик жамиятларининг устав фондларидаги давлат улушларини ишончли бошқариш фаолияти хизмат ҳақи тўловини белгилувчи
КОЭФФИЦИЕНТЛАР**

Т/р	Ишончли бошқарувга берилган давлат улушининг номинал қийматдаги миқдори (млн сўм)	Кoeffициент
1.	500 гача	4,5
2.	700 гача	5,0
3.	900 гача	5,5
4.	1100 гача	6,0
5.	1300 гача	6,5
6.	1500 гача	7,0
7.	1700 гача	7,5
8.	1900 гача	8,0
9.	2100 гача	8,5
10.	2300 гача	9,0
11.	2500 гача	9,5
12.	2700 гача	10,0
13.	2900 гача	10,5
14.	3100 гача	11,0
15.	3300 гача	11,5
16.	3500 гача	12,0
17.	3700 гача	12,5
18.	3900 гача	13,0
19.	4100 гача	13,5
20.	4100 дан кўп	14,0

».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**132 Хорижий давлатлар таълим муассасаларида ўқиш
учун танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни
тасдиқлаш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
16 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2972*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПҚ–3413-сон «Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ буюраман:

1. Хорижий давлатлар таълим муассасаларида ўқиш учун танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.
3. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари А. Мирзаев зиммасига юклатилсин.

Вазир

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 14 январь,
13-сон

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2018 йил
14 январдаги 13-сон буйруғига
ИЛОВА

**Хорижий давлатлар таълим муассасаларида ўқиш учун
танлов ўтказиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги, «Таълим тўғрисида»ги, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги ПҚ–3216-сон «Ички ишлар органларининг ходимларини тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, қайта тайёрлаш ва уларнинг ма-лакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 16 февралда эълон қилинган.

2017 йил 29 ноябрдаги ПҚ–3413-сон «Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ хорижий давлатлар таълим муассасаларида (бундан буён матнда таълим муассасалари деб юритилади) ўқиш учун танлов ўтказиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Таълим муассасаларига номзодларни ўқишга юбориш хорижий давлатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан ажратилган қабул ўринларига мувофиқ амалга оширилади.

2. Зарур ҳолларда хорижий давлатлар таълим муассасаларида ўқиш учун ўтказиладиган танлов харажатлари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан харажатлар сметаси доирасида амалга оширилади.

3. Таълим муассасаларига ёши ўн саккиздан кичик ва йигирма бешдан катта бўлмаган, шу жумладан йигирма беш ёшдаги ҳам, ўрта, ўрта-махсус ёки касб-хунар маълумотга эга номзодлардан иборат Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда ички ишлар органларининг ходимлари ва ҳарбий хизматчилари танлов асосида ўқишга юборилади.

4. Таълим муассасаларига ўқишга юбориш учун номзодлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПҚ–3413-сон қарори билан тасдиқланган Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган талабларга жавоб бериши зарур.

5. Таълим муассасаларида ўқиш учун танлов тенг ҳуқуқлилик, адолатлилик, ошкоралик ва ўқишга қабул қилишнинг ягона қоидалари асосида қуйидаги босқичларда ташкил этилади:

дастлабки танлов;

махсус касбий танлов;

якка тартибдаги якуний суҳбат.

Бир босқичдан муваффақиятли ўта олмаган номзодлар кейинги босқичга қўйилмайди.

6. Номзодлар синовларни таълим муассасасида ўқитиладиган тилда топширадилар.

7. Ишчи гуруҳлар томонидан хорижий давлатлар таълим муассасаларига ўқишга кириш истагида мурожаат қилган номзод (унинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) ўқишга қабул қилингандан сўнг тузиладиган шартнома шартлари ҳамда унинг бажарилмаслиги натижасида келиб чиқадиган моддий жавобгарлик ҳақида мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда ёзма равишда огоҳлантирилади.

Таълим муассасаларида ўқиш учун ўтказилган танловлардан муваффақиятли ўтган номзод билан ўқишни тамомлаганидан кейин беш календарь йили мобайнида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларида, шунингдек тақсимот бўйича юборилганда бошқа давлат идораларида мажбурий узлуксиз хизмат ўташлари ҳақида белгиланган тартибда шартнома тузилади.

Шартнома тузишни рад этган фуқаролар таълим муассасаларига ўқишга юборилмайди.

2-боб. Таълим муассасаларига номзодларни танлаш ва ўқишга юборишни ташкил этиш

8. Таълим муассасаларига ўқишга юбориш бўйича тарғибот ва дастлабки танлов босқичи тадбирларини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг (бундан буён матнда Вазирлик деб юритилади) тегишли бош бошқармалари, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармаларида (бундан буён матнда Вазирликнинг тегишли бўлинмалари деб юритилади) ишчи гуруҳлар тузилади.

Ишчи гуруҳлар Вазирликнинг тегишли бўлинмалари бошлиқларининг буйруғи билан унинг ўринбосари (кадрлар бошқармаси (бўлими) бошлиғи) раҳбарлигида тузилади. Бунда Вазирликнинг тегишли бўлинмалари Кадрлар бошқармаси (бўлими) бошлиқининг ўринбосари ва психологлари, Ўз хавфсизлиги бошқармаси (бўлими) бошлиғи ҳамда Ҳарбий-тиббий комиссия раиси ишчи гуруҳ таркибига киритилиши лозим.

9. Ишчи гуруҳларни тузиш бўйича буйруқларда уларнинг вазифалари аниқ кўрсатилиши шарт.

10. Ишчи гуруҳлар ўз фаолиятини қабул йилидан олдинги йилнинг сентябрь ойи биринчи иш кунидан қабул йилининг сентябрь ойи биринчи иш кунига қадар амалга оширади.

11. Таълим муассасаларига ўқишга юборишни сифатли ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг буйруғи билан номзодларни танлаш ва ўқишга юбориш бўйича қабул комиссияси (бундан буён матнда Қабул комиссияси деб юритилади) ташкил этилади. Қабул комиссиясига Вазир ўринбосари — Кадрлар бош бошқармаси бошлиғи раҳбарлик қилади.

12. Қабул комиссияси таркибига Вазирликнинг Кадрлар бош бошқармаси бошлиқининг ўринбосари ва психологлари, Ўз хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи ҳамда Ҳарбий-тиббий комиссияси раиси киритилади.

13. Қабул комиссияси ўз фаолиятини қабул йилининг 1 февралидан 31 августига қадар олиб боради.

14. Қуйидагилар Қабул комиссиясининг вазифалари ҳисобланади:

номзодларнинг ҳужжатларини ўрганиш;

ёзма иш (диктант) ўтказиш;

психофизиологик ўрганиш;

умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш;

чет тилларини ўзлаштирганлик даражасини баҳолаш;

якка тартибда якуний суҳбат ўтказиш;

якуний қарор қабул қилиш.

15. Қабул комиссияси раиси:

қабул комиссиясининг ишини ташкиллаштиради;
қабул комиссияси аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;
қабул комиссияси зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун ўз ваколати доирасида буйруқ қабул қилади.

16. Таълим муассасаларига ўқишга юбориш учун аризалар (билдиргилар) қабул йилидан олдинги йилнинг 15 ноябридан қабул йилининг 15 февралига қадар қабул қилинади.

17. Таълим муассасаларига ўқишга кириш истагини билдирган фуқаролар ўзларининг яшаш жойидаги ички ишлар органига мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклдаги ариза билан, ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчилари ўз хизмат жойи ва ҳарбий қисмларга мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклдаги билдирги билан мурожаат қилади.

18. Аризага қўйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

ариза берувчининг паспорти нусхаси;

ариза берувчининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси нусхаси, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома алмаштирилган ёхуд фамилияси, исми, отасининг исми ва бошқа маълумотлар ўзгартирилган бўлса, бу ҳақда ФХДЁ органининг маълумотномаси;

ариза берувчининг яқин қариндошлари паспорти, никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, никоҳдан ажралганлик ҳақидаги гувоҳнома, ногиронлик (агар мавжуд бўлса), яқин қариндошларининг ўлими ҳақидаги гувоҳномалари нусхалари;

3 x 4 сантиметр ўлчамдаги 6 та фотосурат (бош кийимсиз) ҳамда 9 x 12 сантиметр ўлчамдаги 2 та фотосурат (бош кийимсиз);

номзод томонидан қўлда ва компьютерда ёзилган таржимаи ҳол;

анкета (сўровнома);

ўқиш, иш (агар ўқиётган ёки ишлаётган бўлса) ва ўзини ўзи бошқариш органларидан тавсифнома ҳамда маълумотнома (маълумотномада номзоднинг оила аъзолари кўрсатилади);

ариза берувчининг маълумоти тўғрисидаги ҳужжатлар нусхаси ҳамда уларнинг баҳолари кўрсатилган иловаси нусхаси;

ҳарбий хизматга чақирилувчининг қайд этилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси ёки ҳарбий гувоҳномаси;

доимий рўйхатда турган жойидан белгиланган намунадаги соғлигининг ҳолати ҳақида маълумотнома;

меҳнат дафтарчаси нусхаси (агар мавжуд бўлса);

таълим муассасасига ўқишга киришга номзоднинг ота-онаси (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) розилик хати.

Аризани қабул қилган ички ишлар органи ходими ушбу бандда кўрсатилган ҳужжатларнинг аслини текшириб олади. Ишчи гуруҳ томонидан хизмат ўташ хусусиятидан келиб чиқиб, шунингдек айрим ҳужжатларга аниқлик киритиш мақсадида тегишли муассасадан қўшимча ҳужжат ёхуд маълумотлар талаб қилиб олиниши мумкин. Номзодлар томонидан ариза, таржимаи ҳол ва анкета (сўровнома) таълим муассасасида ўқитиладиган тилда ёзилади.

19. Ички ишлар органлари ходимларининг билдиргисига қўйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

яқин қариндошларнинг паспорти, туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси, вафот этганлар бўлса, уларнинг ўлими ҳақидаги гувоҳнома нусхалари;

3 x 4 сантиметр ўлчамдаги 6 та фотосурат (бош кийимсиз) ҳамда 9 x 12 сантиметр ўлчамдаги 2 та фотосурат (бош кийимсиз).

Ходимлар томонидан билдирги, таржимаи ҳол ва анкета (сўровнома) таълим муассасасида ўқитиладиган тилда ёзилади.

20. Таълим муассасаларида ўқиш учун ўтказиладиган танлов бўйича тарғибот ишлари амалга оширилиши учун ички ишлар органлари масъулдир. Бунда Вазирликнинг тегишли бўлинмалари бошлиғи вазифалар, уларни бажариш муддатлари ва масъул ижрочиларини кўрсатган ҳолда қабул йили учун чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, тасдиқлаши ҳамда унинг ижросини назорат қилиб бориши шарт.

3-боб. Дастлабки ва махсус касбий танловларни ўтказиш

21. Дастлабки танлов тадбирлари Вазирликнинг тегишли бўлинмалари ишчи гуруҳлари томонидан қабул йилидан олдинги йилнинг 15 ноябридан қабул йилининг 1 апрель кунига қадар ўтказилади.

22. Дастлабки танловнинг асосий мақсади таълим муассасаларига ўқишга кириш истагини билдирган номзодларни тавсифловчи маълумотларнинг улар келгусида ички ишлар органларида хизмат қилиши учун мослигини ва номзодларнинг соғлиғи ҳолатини аниқлашдан иборат.

23. Қўйидагилар дастлабки танловнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

якка тартибда суҳбатлашиш;

номзодга тегишли ҳужжатларни ва уни тавсифловчи маълумотларни тўплаш;

номзод тўғрисидаги турли маълумотларни аниқлаш (оилавий аҳволи, оналари ва яқин қариндошларининг ички ишлар органларидаги хизматга муносабати ва шу кабилар);

индивидуал-психологик ўрганиш;

номзоднинг соғлиғи жиҳатидан ўқишга яроқлилигини аниқлаш.

Номзодлар билан якка тартибда суҳбатлашиш таълим муассасасида ўқитиладиган тилда ўтказилади. Якка тартибдаги суҳбатни қайта топширишга рухсат берилмайди.

24. Дастлабки танлов босқичида иштирок этадиган номзодларнинг сони чекланмайди.

25. Дастлабки танлов:

Ички ишлар вазирлиги академик лицейлари ва ҳарбий академик лицейлар битирувчилари ҳамда фуқаролар учун — уларнинг доимий яшаш жойидаги тегишли ички ишлар органларида;

ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчилари учун — уларнинг хизмат жойи ва ҳарбий қисмларда (муассасаларда) ўтказилади.

26. Номзодларнинг ҳужжатларини тўплаш ва ўрганиш ишлари дастлабки танлаш тадбирлари якунлангунга қадар амалга оширилади.

27. Якка тартибдаги суҳбат фуқаролар билан — ички ишлар органлари бошлиқлари томонидан, ҳарбий хизматчилар ва ички ишлар органлари ходимлари билан — ҳарбий қисмлар (муассасалар), бўлинмаларнинг командирлари, тегишли ички ишлар органлари бошлиқлари томонидан ўтказилади. Бунда якка тартибдаги суҳбат номзод ариза (билдирги) билан муурожаат қилган кундан бошлаб 10 кун ичида ўтказилади. Якка тартибдаги суҳбат натижаси бўйича мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда якка тартибдаги суҳбат варақаси тўлдирилади.

28. Индивидуал-психологик ўрганиш номзодлар билан якка тартибдаги суҳбат ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ичида ишчи гуруҳи таркибига киритилган психологлар томонидан уларни психологик тест синовидан ўтказиш йўли билан мазкур Низомнинг 5-иловасида келтирилган методикага мувофиқ ўтказилади.

29. Психологик тест синови натижалари бўйича таълим муассасасига кириш учун тавсия этиш ёки тавсия этилмаслик тўғрисидаги хулосалардан бири қабул қилинади.

30. Психологик тест синовларини бир мартаба қайта топширишга рухсат берилади.

31. Психологик тест синови натижалари бўйича таълим муассасасига кириш учун тавсия этилган номзодларга улар томонидан тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатларни тўлиқ топширганларидан сўнг, тиббий кўрикдан ўтиш учун йўлланма берилади.

32. Номзодлар тиббий кўрикдан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг буйруғи билан тасдиқланадиган, тиббиёт мутахассисларидан махсус шакллантириладиган ҳарбий-тиббий комиссия томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 сентябрдаги 764-сон «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларида тиббий текширувни ташкил этиш ва ҳарбий-тиббий экспертизани ўтказиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ ўтказилади.

Тиббий кўрикдан ўтказиш натижалари асосида номзоднинг соғлиғига кўра Таълим муассасаларида ўқишга яроқлилиги даражаси тўғрисида ҳарбий-тиббий комиссия томонидан хулоса чиқарилади.

Соғлиғининг ҳолатига кўра таълим муассасаларида ўқишга яроқсиз деб топилган номзодлар танловнинг кейинги тадбирларига қўйилмайди.

33. Дастлабки танлаш тадбирларидан муваффақиятли ўтган ҳамда шахсий ҳужжатлари йиғмажилди тўлиқ расмийлаштирилган номзодларни махсус касбий танловда иштирок этиш учун юбориш тўғрисида мазкур Низомнинг 6-иловасига мувофиқ шаклда хулоса қабул қилинади. Мазкур хулоса номзоднинг шахсий ҳужжатлари йиғмажилдига тикилади.

34. Дастлабки танловдан муваффақиятли ўтган номзодларнинг шахсий ҳужжатлари йиғма жилдлари Вазирликнинг тегишли бўлинмалари томонидан қабул йилининг 20 майига қадар Вазирлик Кадрлар бош бошқармасига юборилади.

35. Махсус касбий танловнинг асосий мақсади номзодларнинг ички ишлар органларида хизматни ўташи учун уларнинг соғлиги ва психофизиологик хусусиятларининг мос келишини ҳамда номзодларнинг жисмонан соғломлиги ва интеллектуал салоҳиятини аниқлашдан иборат.

36. Қўйидагилар махсус касбий танловнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

тақдим этилган ҳужжатлар ва номзодни тавсифловчи материалларни ўрганиш;

номзодларнинг психофизиологик хусусиятларини, соғлигини ўрганиш;

номзоднинг умумжисмоний тайёргарлиги, чет тиллари бўйича ўқув дастурларини ўзлаштирганлик ва билим даражасини ҳар томонлама ва ҳолисона баҳолаш;

номзодларни яқка тартибдаги якуний суҳбатга қўйиш тўғрисида узил-кесил қарор қабул қилиш (махсус касбий танлов натижалари бўйича).

37. Махсус касбий танлов Вазирлик Кадрлар бош бошқармасида ўтказилади ва қўйидаги тадбирларни ўз ичига олади:

ҳужжатларни ўрганиш;

ёзма иш (диктант);

психофизиологик ўрганиш;

умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш;

чет тилларини ўзлаштирганлик даражасини баҳолаш;

тиббий кўрикдан ўтказиш.

38. Вазирлик Кадрлар бош бошқармасида тузилган ишчи гуруҳ томонидан ҳар йили 20 майга қадар махсус касбий танлов тадбирларини ўтказиш муддатлари белгиланган режа-жадвал ишлаб чиқилади ва тегишли ички ишлар органларига юборилади.

39. Ишчи гуруҳлар номзодларга режа-жадвалга мувофиқ махсус касбий танлов тадбирларини ўтказиш жойи ва муддатлари ҳақида маълум қилади ҳамда уларнинг ҳужжатларини Вазирлик Кадрлар бош бошқармасига белгиланган муддатларда тўлиқ етказилишини таъминлайди.

40. Ҳужжатларни ўрганиш номзод тўғрисида тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини текшириш орқали амалга оширилади.

41. Ёзма иш номзодга таълим муассасасида ўқитиладиган тилда диктант ёздириш орқали Вазирлик Кадрлар бош бошқармаси масъул ходимлари томонидан мазкур Низомнинг 7-илоvasида келтирилган методикага мувофиқ ўтказилади. Ёзма иш ўтказиш бўйича Вазирлик ҳамда республика олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари келишув асосида жалб қилиниши мумкин.

Ёзма иш (диктант) натижалари қониқарсиз баҳоланган номзодлар махсус касбий танловнинг кейинги тадбирларига қўйилмайди.

42. Психофизиологик ўрганиш мазкур Низомнинг 8-илоvasида келтирилган методикага мувофиқ Вазирлик Кадрлар бош бошқармаси психологлари томонидан ўтказилади. Психофизиологик ўрганиш бўйича Вазирлик соҳавий хизматларида фаолият юритаётган психолог ходимлар жалб қилиниши мумкин.

43. Номзодларнинг умумжисмоний тайёргарлиги даражасини баҳолаш Вазирлик Кадрлар бош бошқармаси масъул ходимлари томонидан мазкур Низомнинг 9-иловасида келтирилган методикага мувофиқ ўтказилади.

44. Номзодларнинг чет (инглиз, немис, француз) тилларини ўзлаштирганлик даражасини баҳолаш Вазирлик Кадрлар бош бошқармаси масъул ходимлари томонидан мазкур Низомнинг 10-иловасида келтирилган методикага мувофиқ ўтказилади.

45. Умумтаълим муассасаларида бошқа чет тили (испан, араб, форс, дари, хинд, урду, хитой, корейс, уйғур ва бошқа тиллар) бўйича ўқиган тақдирда номзод чет тилларини ўзлаштирганлик даражасини баҳолаш бўйича синовлар ўрнига мазкур низомнинг 11-иловасида назарда тутилган методикага мувофиқ ягона кўп балли баҳолаш тизими бўйича чет тилидан имтиҳон топширади.

Чет тилларини ўзлаштирганлик даражасини баҳолаш ва ягона кўп балли баҳолаш тизими бўйича чет тилидан имтиҳонларга Вазирлик ҳамда республика олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари келишув асосида жалб қилиниши мумкин.

46. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 610-сон «Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида чет тилларини билиш даражаси ҳақида давлат намунасидаги В1 ва ундан юқори даражадаги малака сертификатига эга бўлган номзодларга чет тили фанидан белгиланган максимал балл берилади ва улар чет тили фанидан ўтказиладиган синовдан озод этилади.

47. Номзодларга махсус касбий танловнинг ёзма иш, психофизиологик ўрганиш, умумжисмоний тайёргарлигини ва чет тилларини ўзлаштирганлик даражаларини баҳолаш тадбирлари бўйича синовларни қайта топширишга рухсат берилмайди.

48. Психофизиологик ўрганиш, умумжисмоний тайёргарлик ва чет тилларини ўзлаштирганлик даражаларини баҳолаш бўйича тўпланиши мумкин бўлган энг юқори баллнинг 50 фоизидан кўп балл тўплаган номзодлар қабул комиссиясининг қарорига кўра тиббий кўрикка қўйилади. Қабул комиссиясининг қарори мазкур Низомнинг 12-иловасига мувофиқ шаклда баённома билан расмийлаштирилади.

49. Махсус касбий танлов тадбирлари натижаларига кўра тиббий кўрикка қўйилган номзодлар сони камида бир қабул ўрнига иккита номзодни ташкил этмаган ҳолларда тиббий кўрикка қўйилмаган, бироқ махсус касбий танлов тадбирларидан энг юқори балл тўплаган номзодлар истисно тариқасида тиббий кўрикка қўйилади.

50. Номзодлар тиббий кўриқдан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг буйруғи билан тасдиқланадиган, тиббиёт мутахассисларидан махсус шакллантирилладиган ҳарбий-тиббий комиссия томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 сентябрдаги 764-сон «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларида тиббий текширувни ташкил этиш ва ҳарбий-

тиббий экспертизани ўтказиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»-ги қарорига мувофиқ ўтказилади.

Тиббий кўриқдан ўтказиш натижалари асосида номзоднинг соғлиғига кўра таълим муассасаларида ўқишга яроқлилик даражаси тўғрисида ҳарбий-тиббий комиссия томонидан хулоса чиқарилади. Соғлиғининг ҳолатига кўра таълим муассасаларида ўқишга яроқсиз деб топилган номзодлар якка тартибдаги якуний суҳбатга қўйилмайди.

4-боб. Якка тартибдаги якуний суҳбатни ўтказиш

51. Якка тартибдаги якуний суҳбатнинг асосий мақсади ҳуқуқшунослик, Ўзбекистон ва жаҳон тарихи, адабиёт, маънавият асослари ва миллий истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар фанлари бўйича номзодларнинг билимларини ҳар томонлама ва ҳолисона баҳолашдан иборат.

52. Якка тартибдаги якуний суҳбат Қабул комиссияси томонидан коллегиялик принципи асосида ҳар бир фан бўйича камида бир нафардан ма-лакали мутахассис жалб этилган ҳолда ўтказилади.

Номзодларга бериладиган саволлар умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими фанларининг ўқув дастурларига мувофиқ ишлаб чиқилади.

53. Якка тартибдаги якуний суҳбатда номзодни баҳолашда унинг савол мазмун ва моҳиятини очиб бериши, жавобни мантиқий кетма-кетликда изчил ифода-лаши, мустақил ва ижодий фикрлаши ҳамда уни ёритишда ишончли далиллар ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мурожаат қилиши инobatга олинади.

Якка тартибдаги якуний суҳбат мазкур Низомнинг 13-илоvasида келтирилган методикага мувофиқ ўтказилади.

54. Қабул комиссияси томонидан махсус касбий танлов натижалари ва якка тартибдаги якуний суҳбат бўйича номзодни таълим муассасаларига ўқишга юбориш ёки юбормаслик тўғрисида узил-кесил қарор қабул қилинади.

55. Номзодларга якка тартибдаги якуний суҳбатни қайта топширишга рухсат берилмайди.

56. Номзодлар танловлар пайтида синовлар ўтказиладиган жой ҳудуди-га уяли телефонлар ва бошқа алоқа воситаларини олиб кириши ва фойдала-ниши қатъий ман этилади.

Номзод томонидан синовларга калькуляторлар, лугат, жадваллар, китоб-лар, уяли телефон, компьютер, телекоммуникация воситалари ва шпаргал-калар олиб кирилиши, синовлар пайтида бир-бирига ёрдам бериши, биров-нинг ўрнига кириши, синов ўтказиш тартибини бузиш деб ҳисобланади, бу ҳақда тегишли далолатнома тузилади. Бунда Қабул комиссияси раиси ном-зодни танловнинг исталган босқичида четлатиш ҳуқуқига эга.

57. Махсус касбий танлов бошланишидан олдин психофизиологик ўрга-ниш, ёзма иш (диктант), умумжисмоний тайёргарлик, чет тилларини ўзлаш-тирганлик даражасини баҳолаш ва якка тартибдаги якуний суҳбат натижа-лари юзасидан номзодларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг буйруғига асосан Апел-ляция комиссияси ташкил этилади.

58. Апелляция комиссиясига ариза ва шикоятлар психофизиологик ўрганиш, ёзма иш (диктант), умумжисмоний тайёргарлик, чет тилларини ўзлаштирганлик даражасини баҳолаш ва яқка тартибдаги якуний суҳбат натижалари эълон қилинган кундан бошлаб уч иш кунни мобайнида тақдим этилиши мумкин. Апелляция комиссияси тақдим этилган ариза ва шикоятларни улар тушган кундан бошлаб беш иш кунидан ошмаган муддатда муружаат қилган номзод иштирокида кўриб чиқади.

5-боб. Таълим муассасаларига ўқишга юбориш

59. Номзодлар махсус касбий танлов ва яқка тартибдаги якуний суҳбат натижалари асосида таълим муассасаларига ўқишга юборилади.

60. Қабул комиссияси ҳар йили 15 июнга қадар номзодларни ўқишга юбориш масаласини кўриб чиқади ва мазкур Низомнинг 14-иловасига мувофиқ шаклдаги баённомани расмийлаштиради.

61. Қабул комиссияси раиси томонидан тасдиқланган баённома номзодларни Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари хизматига қабул қилиш ва уларни таълим муассасаларига ўқишга юбориш тўғрисидаги Ички ишлар вазирининг буйруқларини расмийлаштириш учун асос ҳисобланади.

62. Таълим муассасаларига ўқишга юборилаётган ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчиларига ўз хизмат ўташ жойларига тақдим этиш учун уларни таълим муассасаларига ўқишга юбориш тўғрисидаги буйруқдан кўчирма берилади.

63. Таълим муассасаларига ўқишга юборилаётган номзодлар билан ўқиш жойига юборилгунга қадар алоҳида тасдиқланган дастурга асосан ўқув машғулотлари ўтказилади.

64. Таълим муассасаларига ўқишга юбориш учун ўтказилган танловлардан ўта олмаган номзодларнинг шахсий ҳужжатлари йиғма жилдлари қабул комиссиясининг қарори эълон қилинган кундан эътиборан 10 кун ичида тегишли ички ишлар органларига қайтариб юборилади.

65. Номзодни ўқишга юбориш учун асос бўлган ҳужжатлар Вазирлик Кадрлар бош бошқармасида сақланади.

66. Таълим муассасаларига ўқишга юбориш учун ўтказилган танловлардан ўта олмаган номзодлар ўз хоҳишига кўра Вазирлик олий таълим муассасаларида ўтказиладиган танловларда иштирок этишлари мумкин. Бунда номзодларнинг шахсий ҳужжатлари йиғма жилдлари Вазирликнинг тегишли олий таълим муассасаларига юборилади.

67. Таълим муассасаларига ўқишга юбориш учун ўтказилган танловлардан ўтган номзодлар ўқиш жойларига юборилгунга қадар хизмат ёки ўқув интизомини бузган ёхуд ўз хоҳишига биноан номзодлар сафидан четлаштирилган тақдирда, Қабул комиссияси унинг ўрнига тўпланган баллар миқдорига кўра ўтиш балидан кейинги ўринда турган номзодни ўқишга юбориш ҳуқуқига эга.

6-боб. Яқуний қоидалар

68. Таълим муассасаларига ўқишга юбориладиган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ходимининг қасамёдини қабул қиладилар.

69. Таълим муассасаларида ўқиш даври ходимнинг умумий хизмат ўташ муддатига киритилади ва ички ишлар органлари ходимларига белгиланган имтиёزلардан фойдаланадилар.

70. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Хорижий давлатлар таълим муассасаларида
ўқиш учун танлов ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Мен, _____

_____га ўқишга киришга номзод _____, ўқишга қабул қилинсам ва ўқишни тамомлагандан сўнг мен билан тузиладиган шартнома талабларини бажармаганлигим сабабли, захирага бўшатишсам, шартномани муддатидан илгари бекор қилсам ёки жиноят содир этиб жавобгарликка тортилсам, моддий жавобгарлигим тўғрисида огоҳлантирилдим.

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

20__ йил «__» _____

Биз, _____

_____га ўқишга киришга номзоднинг ота-онаси, фарзандимиз _____ ўқишга қабул қилинса ва ўқишни тамомлагандан сўнг у билан тузиладиган шартнома талабларини бажармаганлиги сабабли, захирага бўшатишса, шартномани муддатидан илгари бекор қилса ёки жиноят содир этиб жавобгарликка тортилса, моддий масъуллигимиз тўғрисида огоҳлантирилдик.

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

20__ йил «__» _____

Хорижий давлатлар таълим муассасаларида
ўқиш учун танлов ўтказиш тартиби тўғриси-
даги низомга
2-ИЛОВА

_____га
(ички ишлар органи бошлиғининг Ф.И.О.)
_____да
(номзоднинг яшаш жойи)
ЯШОВЧИ _____ дан
(номзоднинг Ф.И.О.)

АРИЗА

Менга _____
(таълим муассасаси номи)

_____га ўқишга
кириш учун хужжатларимни расмийлаштиришга рухсат беришингизни сўрай-
ман. Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби ва моддий таъмино-
ти билан таништирилдим.

Чет тили бўйича синовларни (имтиҳонни) _____ тилида
топшираман.

Хизмат заруратига кўра лозим топилган ерда хизмат қилишга тайёрман.
Хизмат бўйича менга маълум бўлган давлат, ҳарбий ва хизматга оид маълум-
лотларни сир сақлашга ваъда бераман.

Оиламда ўзгаришлар бўлганда ҳамда яқин қариндошларимдан бирорта-
си жиноий жавобгарликка тортилган тақдирда, белгиланган муддатда бош-
лиқларимга ва кадрлар бошқармаси (бўлими)га ёзма равишда хабар бера-
ман.

(имзо)

(Ф.И.О.)

20__ йил «____» _____

Хорижий давлатлар таълим муассасаларида
ўқиш учун танлов ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

_____ га
(ички ишлар органи бошлигининг унвони ва Ф.И.О.)

БИЛДИРГИ

Менга _____ га
(таълим муассасаси номи)

_____ га
ўқишга кириш учун ҳужжатларимни расмийлаштиришга рухсат беришингизни
сўрайман.

Чет тили бўйича синовларни (имтиҳонни) _____ тилида
топшираман.

(имзо)

(Ф.И.О.)

20__ йил «____» _____

Хорижий давлатлар таълим муассасаларида
ўқиш учун танлов ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

Якка тартибдаги суҳбат ВАРАҚАСИ

Номзоднинг Ф.И.О.: _____

Номзоднинг оилавий аҳволи: _____

Номзоднинг ота-онаси, яқин қариндошларининг ҳарбий хизматга муносабати: _____

Ички ишлар органларида хизматни танлашининг сабаблари ва асослари: _____

Номзоднинг таълим муассасасидаги ўзлаштириш даражаси: _____

Номзоднинг хорижий тилни эгаллаганлик даражаси: _____

Номзод ҳақидаги қўшимча маълумотлар: _____

таълим муассасаларига ўқишга юбориш ва қабул қилиш тартиби тўғрисида батафсил тушунтирилди.

(якка тартибдаги суҳбат ўтказган
шахснинг унвони, лавозими ва Ф.И.О.)

(имзо)

20__ йил «____» _____

Хорижий давлатлар таълим муассасаларида
ўқиш учун танлов ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

Индивидуал-психологик ўрганиш МЕТОДИКАСИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Индивидуал-психологик ўрганиш номзодларни мазкур Методикада белгиланган тартибда психологик тест синовидан ўтказиш орқали амалга оширилади.

2. Дастлаб номзодларга индивидуал-психологик ўрганишни ўтказиш тартиби ишчи гуруҳ таркибига киритилган мутахассислар томонидан тушунтирилади ҳамда тегишли йўл-йўриқлар берилади.

3. Психологик тестлар, уларнинг жавоблари, жавоблар бланклари ҳар йили тегишли қабул йили учун Қабул комиссияси томонидан ишлаб чиқилади ҳамда психологик тест синовлари бошлангунга қадар ишчи гуруҳ раисига юборилади.

4. Психологик тестлар, уларнинг жавоблари, жавоблар бланклари ишчи гуруҳ таркибидаги психолог ходимнинг сейфида сақланади ва у тестларнинг ошкор бўлиб кетмаслиги учун масъул ҳисобланади.

2-боб. Индивидуал-психологик ўрганишни ўтказиш

5. Индивидуал-психологик ўрганиш якка тартибда ёки гуруҳ бўлиб ўтказилиши мумкин.

6. Индивидуал-психологик ўрганиш гуруҳ бўлиб ўтказилганда, хонада номзодлар 20 нафардан ортиқ бўлмаслиги зарур.

7. Индивидуал-психологик ўрганиш давомида номзодларга олтига вазифа бўйича бир юз йигирмата психологик тест берилади.

8. Психологик тестлар номзодларнинг куйидаги индивидуал-психологик хусусиятларини аниқлашга йўналтирилади:

ақл заковати, умумий интеллектуал салоҳияти ва хотираси;
мантикий фикрлаши, зийраклиги, тафаккур шаклларининг ривожланганлик даражаси, фикрлаш тезлиги ва таҳлил қилиш қобилиятлари;
шахсига хос индивидуал хусусиятлари, киришимлилиги, психик турғунлиги, самимийлиги;

касбни танлашининг мақсади ва мақсадининг барқарорлиги.

9. Биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи вазифалар — ўнтадан савол (жами қирқта), бешинчи вазифанинг тўртта шкаласи — ўн тўрттадан савол (жами эллик олтига), олтинчи вазифа — ўн тўртта саволдан иборат бўлади. Бунда ҳар бир тўғри жавобга бир баллдан қўйилади.

10. Психологик тест бошлангунга қадар номзоднинг соғлиғи суриштирилади. Ўзини ёмон ҳис қилаётганидан шикоят қилган номзодлар ўрганишга қўйилмайди. Бундай ҳолатда далолатнома тузилади ва унга кейинги индивидуал-психологик ўрганишдан ўтиш учун қайта рухсат берилади.

11. Жавоблар варақасининг тўғри тўлдирилиши учун номзод шахсан жавобгар. Жавоблар варақасидаги тегишли катакчаларни нотўғри белгиланган номзоднинг эътирозлари кўриб чиқилмайди.

12. Психологик тест синовлари ўтказиладиган хонага микрокалькулятор, луғат, жадвал, китоб, уяли телефон, компьютер, телекоммуникация воситалари олиб кириш ва улардан фойдаланиш тақиқланади.

13. Психологик тест ўтказиш вақтида ўрганиш ўтказаетган шахслар номзодларни узлуксиз равишда кузатиб туради.

14. Барча топшириқлар бажариб бўлингандан сўнг, номзодлар жавоблар бланкаларини ўрганиш ўтказаетган мутахассислардан бирига топширади. Ўрганиш ўтказган мутахассислар жавоблар бланкаларини қабул қилишда уларнинг тўғри тўлдирилганлигига эътибор бериши зарур.

15. Вазифаларнинг барчасини (бешинчи вазифадаги барча шкалани) муваффақиятли топширган номзод таълим муассасасига кириш учун тавсия этилади ҳамда унга дастлабки танлашнинг кейинги тадбирларида иштирок этиш учун рухсат берилади.

16. Индивидуал-психологик ўрганиш натижалари бўйича таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсия этилмаган номзодларга бошқа куни ўтказиладиган индивидуал-психологик ўрганиш тадбирида психологик тестларни яна бир марта қайта топширишга рухсат берилади.

3-боб. Яқуний қоидалар

17. Индивидуал-психологик ўрганиш синовларини топширган ҳар бир номзод учун мазкур Методиканинг иловасига мувофиқ шаклда қайднома расмийлаштирилади.

18. Қайднома ишчи гуруҳ раиси ва ишчи гуруҳ таркибига киритилган

мутахассислар томонидан имзоланади. Қайднома номзоднинг шахсий ҳужжатлари йиғма жилдига тикиб қўйилади.

Индивидуал-психологик ўрганиш
методикасига
ИЛОВА

**Номзоднинг индивидуал-психологик ўрганиш
натижалари бўйича
ҚАЙДНОМАСИ**

Номзод _____
(Ф.И.О.)

Топшириш жойи: _____
Топшириш санаси: 20__ йил ____

Натижалар:

1-вазифа	2-вазифа	3-вазифа	4-вазифа	5-вазифа				6-вазифа	Хулоса
				1	2	3	4		
0 — 4	0 — 4	0 — 4	0 — 5	0 — 3	0 — 5	0 — 6	0 — 4	0 — 4	Тавсия этилмайди
5 — 10	5 — 10	5 — 10	6 — 10	4 — 14	6 — 14	7 — 14	5 — 14	5 — 14	Тавсия этилади

Хулоса: _____

Ишчи гуруҳи раиси: _____
(имзо) (унвони ва Ф.И.О.)

Ишчи гуруҳи аъзолари: _____
(имзо) (унвони ва Ф.И.О.)

_____ (имзо) (унвони ва Ф.И.О.)

_____ (имзо) (унвони ва Ф.И.О.)

_____ (имзо) (унвони ва Ф.И.О.)

Хорижий давлатлар таълим муассасаларида
ўқиш учун танлов ўтказиш тартиби тўғриси-
даги низомга
6-ИЛОВА

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

(ички ишлар органи бошлигининг унвони, Ф.И.О. ва имзоси)

20__ йил «__» _____

Номзодни _____ га
**махсус касбий танловда иштирок этиш учун
юбориш тўғрисида
ХУЛОСА**

_____ **НИ**
(номзоднинг Ф.И.О., ҳарбий хизматчилар ва ходимлар учун — махсус ёки ҳарбий унвони, лавозими)

_____ га
махсус касбий танловда иштирок этиш учун юбориш тўғрисида.

1. Номзодни дастлабки ўрганиш натижалари:

2. Махсус текшириш натижалари:

3. Ҳарбий-тиббий комиссия хулосаси:

4. Номзодни ўрганиш натижалари бўйича хулоса:

_____ (масъул шахснинг лавозими ва унвони)

_____ (Ф.И.О.)

_____ (масъул шахснинг лавозими ва унвони)

_____ (Ф.И.О.)

_____ (масъул шахснинг лавозими ва унвони)

_____ (Ф.И.О.)

20__ йил «__» _____

Хорижий давлатлар таълим муассасаларида
ўқиш учун танлов ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
7-ИЛОВА

Ёзма иш (диктант) ўтказиш МЕТОДИКАСИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ёзма иш диктант ёздириш йўли билан номзоднинг орфографик ва пунктуацион саводхонлигини баҳолаш мақсадида ўтказилади.

2. Диктантларнинг мавзулари ва матнлари Қабул комиссияси таркибидаги ёзма иш (диктант) ўтказиш бўйича масъул ходимлар томонидан 1 июнь кунига қадар шакллантирилади, Қабул комиссияси раиси томонидан тасдиқланади ва зарур миқдорда кўпайтирилади.

3. Диктантларнинг мавзулари ва матнлари муҳрланган ҳолда Қабул комиссияси масъул котибининг сейфида сақланади, у уларнинг ошкор қилинмаслиги учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

4. Номзодларга дастлаб мазкур Методикада назарда тутилган ёзма иш (диктант) ўтказиш тартиби тушунтирилади.

5. Номзодларга ёзма ишни қайта топширишга рухсат берилмайди.

6. Диктантлар текшириб чиқилиб, баҳолангандан сўнг Қабул комиссияси масъул котибига топширилади.

7. Диктант ўтказиладиган аудиторияга луғат, китоблар, уяли телефон, компьютер, телекоммуникация воситалари ва шпаргалкалар олиб кириш тақиқланади.

2-боб. Диктантга қўйиладиган талаблар ва мезонлар

8. Диктант учун умумий ўрта, ўрта махсус ёки касб-хунар таълими фан дастурлари доирасида ўтилган мавзуларга мувофиқ келадиган ва номзоднинг олган билимларини аниқлаш имкониятини берадиган материаллар танланади.

9. Диктант матнининг ҳажми 170 — 200 та сўздан иборат бўлади.

10. Диктант ёзишдан олдин номзодларга диктант матни тўлиқ ўқиб эшиттирилади.

Диктант ёзиш вақтида ҳар бир гап ўқиб эшиттирилгандан сўнг, ушбу гапни ёзишга киришилади. Ушбу гап ёзиб бўлингандан сўнг, гап яна бир бор ўқиб эшиттирилади.

11. Номзодларнинг диктанти «5» баллик тизимда қуйидагича баҳоланади:

мутлақо хатосиз ёзилган ёки битта орфографик ёхуд битта пунктуацион хатога йўл қўйилган диктантга — 5 балл қўйилади;

иккитагача орфографик ва иккитагача пунктуацион хатога йўл қўйил-

ган диктантга — 4 балл қўйилади, хатолар нисбати ўзгарганда, уларнинг умумий миқдори тўрттадан ошмаслиги керак;

тўрттагача орфографик ва тўрттагача пунктуацион хатога йўл қўйилган диктантга — 3 балл қўйилади, хатолар нисбати ўзгарганда, уларнинг умумий миқдори саккизтадан, бироқ орфографик хатолар миқдори олтитадан ошмаслиги керак;

диктантдаги хатолар «3» балл учун белгиланган мезонлардан ортиқ бўлса, диктантга — 0 балл қўйилади ва «қониқарсиз» деб баҳоланади.

12. Кириш сўзларнинг ёзилишида олтигача пунктуацион хатога йўл қўйилган бўлса, битта хато деб топилади.

13. Қўйидагилар хато деб ҳисобланмайди:

тасодифий хатолар;

такрорий хатолар;

сўз кўчиришдаги хатолар;

айрим атамаларнинг ёзилишидаги хатолар.

14. Диктантдаги тузатишлар миқдори 5 тадан ортиқ бўлса, баҳо бир баллга пасайтирилади.

3-боб. Яқуний қоидалар

15. Текширилган ҳар бир диктантга Қабул комиссияси таркибидаги ёзма иш (диктант) ўтказиш бўйича масъул ходимлар ва ёзма ишни текширган аъзоси томонидан имзо қўйилади.

16. Ёзма иш натижалари бўйича иловага мувофиқ шаклда қайднома расмийлаштирилади. Қайднома ёзма иш (диктант)ни ўтказишга масъул шахслар томонидан имзоланади ва қабул комиссияси раисига топширилади.

Ёзма иш (диктант) ўтказиш методикасига
ИЛОВА

Ёзма иш (диктант) натижалари бўйича ҚАЙДНОМА

Сана: 20__ йил ____

Гуруҳ рақами: ____

Т/р	Номзодларнинг Ф.И.О.	Тўпланган балл	Текширувчининг Ф.И.О.	Дафтар рақами
1.				
2.				
3.				
4.				
...				

(масъул шахснинг лавозими ва унвони)

(имзо)

(Ф.И.О.)

(масъул шахснинг лавозими ва унвони)

(имзо)

(Ф.И.О.)

(масъул шахснинг лавозими ва унвони)

(имзо)

(Ф.И.О.)

(масъул шахснинг лавозими ва унвони)

(имзо)

(Ф.И.О.)

Хорижий давлатлар таълим муассасаларида
ўқиш учун танлов ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
8-ИЛОВА

Психофизиологик ўрганиш МЕТОДИКАСИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Психофизиологик ўрганиш номзоднинг психофизиологик хислатлари ва индивидуал хусусиятларини аниқлаш мақсадида автоматлаштирилган психофизиологик комплекслар (бундан буён матнда махсус комплекс деб юритилади) ёрдамида ўтказилади.

2. Номзодларни психофизиологик ўрганиш махсус комплекс ёрдамида ўтказилишининг асосий тамойили — номзоднинг психофизиологик хусусияти бўйича хулоса қилишда инсон омилидан ҳоли бўлиш ва субъективликдан сақланиш ҳисобланади.

3. Номзодларга психофизиологик ўрганиш ўтказишдан олдин мазкур Методикада назарда тутилган психофизиологик ўрганиш ўтказиш тартиби, махсус комплекснинг техник хусусиятлари ва хавфсизлик нуқтаи назаридан ўзини қандай тутиши лозимлиги тушунтирилади ҳамда тегишли йўл-йўриқлар берилади.

2-боб. Психофизиологик ўрганишни ўтказиш ва унинг хулосаси

4. Психофизиологик ўрганиш ҳар бир номзод учун алоҳида ўтказилади.

5. Психофизиологик ўрганиш махсус жиҳозланган хонада ўтказилади.

6. Ушбу хона:

етарли даражада табиий ва сунъий ёритилган бўлиши;

шовқиндан ҳимояланган бўлиши;

номзодга ажратилган жой қулай бўлиши лозим.

7. Психофизиологик ўрганиш ўтказиладиган хонага фақат бир нафар номзод қўйилади.

8. Мутахассис номзоднинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатини шахсан текшириб, уни жойига ўтқизади.

9. Психофизиологик ўрганишда номзоднинг қўлларига махсус комплекснинг электродлари уланади ва мазкур электродлар орқали 10 дақиқагача бўлган вақт давомида кичик қувватли электр импульслар узатилади.

10. Психофизиологик ўрганиш давомида номзод билан мулоқотга киришишга йўл қўйилмайди.

11. Психофизиологик ўрганиш номзоднинг ҳиссий (соматик), психоэмоционал ҳолати яхши бўлгандагина ўтказилиши лозим.

12. Психофизиологик ўрганиш бошланишидан олдин ўзини ёмон ҳис қилаётган ёки соғлиғидан шикоят қилаётган номзодлар мазкур тадбирга қўйилмайди. Бундай ҳолатда далолатнома тузилади ва номзодга кейинги гуруҳлар таркибида психофизиологик ўрганишдан ўтиш учун қайта рухсат берилади.

13. Психофизиологик ўрганиш вақтида уни ўтказаётган шахс номзодни узлуксиз равишда кузатиб туради.

14. Номзоднинг психофизиологик ўрганиш натижаси махсус комплекснинг автоматик равишда чиқариб берадиган хулоса (баҳо)си ҳисобланади.

15. Номзодларнинг психофизиологик ўрганиш натижалари бўйича якуний балл 30 баллик тизимда баҳоланиб, якуний балл — D, қуйидаги формула $D = E * 6$, яъни аппарат хулосаси бўйича олинган баҳо — E, 6 (олти)га кўпайтириб чиқарилади ва якуний балл — D қайдномага қўйилади.

3-боб. Яқуний қоида

16. Психофизиологик ўрганиш натижалари бўйича иловага мувофиқ шаклда қайднома расмийлаштирилади. Қайднома психофизиологик ўрганиш бўйича масъул шахслар томонидан имзоланади ва қабул комиссияси раисига топширилади.

Психофизиологик ўрганиш методикасига
ИЛОВА

**Психофизиологик ўрганиш натижаларини баҳолаш
ҚАЙДНОМАСИ**

Сана: 20__ йил ____

Гуруҳ рақами: ____

Т/р	Номзодларнинг Ф.И.О.	Тўпланган яқуний балл
1.		
2.		
3.		
4.		
...		

(масъул шахснинг лавозими ва унвони)

(имзо)

(Ф.И.О.)

(масъул шахснинг лавозими ва унвони)

(имзо)

(Ф.И.О.)

(масъул шахснинг лавозими ва унвони)

(имзо)

(Ф.И.О.)

(масъул шахснинг лавозими ва унвони)

(имзо)

(Ф.И.О.)

Хорижий давлатлар таълим муассасаларида
ўқиш учун танлов ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
9-ИЛОВА

Умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш МЕТОДИКАСИ

1-§. Умумий қоидалар

1. Номзодларнинг умумжисмоний тайёргарлиги даражаси уларнинг мазкур Методикада назарда тутилган тегишли машқларни бажаришини текшириш орқали баҳоланади.

2. Номзодларга дастлаб машқларни бажаришга қўйиладиган талаблар ва мезонлар ҳамда машқларни бажариш тартиби умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш бўйича кичик комиссия таркибига киритилган мутахассислар томонидан тушунтирилади.

3. Номзодлар умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тадбирларига спорт кийимида келиши лозим.

4. Номзод йигитлар қўйидаги машқларни бажаради:

тўсин(турник)да тортилиш;

100 метрга югуриш;

3000 метрга югуриш.

5. Номзод қизлар қўйидаги машқларни бажаради:

куч ишлатиш машқлари комплекси;

100 метрга югуриш;

1000 метрга югуриш.

6. Машқлар оралиғида номзодларга дам олиш учун камида 10 дақиқа вақт берилади.

7. Белгиланган машқларни узрсиз сабабларга кўра бажармаган номзодлар қониқарсиз баҳоланади.

8. Белгиланган машқларни узрсиз сабабларга кўра бажармаган, шунингдек машқларни бажаришда қониқарсиз баҳоланган номзодларга умумжисмоний тайёргарлик даражаси бўйича синовларни қайта топширишга рухсат берилмайди.

2-§. Машқларни бажаришга қўйиладиган талаблар ва мезонлар

9. Турник(тўсин)да тортилиш машқини бажаришда:

бош бармоқ поя ичкарисидан ушланади, тана бироз ростланади, тизза бўғими тўғирланади, оёқ учлари чўзилади, товонлар бирлаштирилади;

ияк турник поясидан ўтгунга қадар қўллар букилади;

ҳаракат тўлиқ амалга оширилиши билан дастлабки ҳолатга қайтилади (осилиш ҳолати 1-2 сония давом этади).

Ушбу машқни бажаришда оёқларни букиш ва кериш, танани ҳаракатсиз ҳолатда эгиш ҳамда оёқлар билан силтанма ҳаракатлар қилиш тақиқланади.

Номзодларнинг турникда тортилиш машқи қуйидагича баҳоланади:

13 маротаба ва ундан кўп тортилганда — 10,0 балл;

11-12 маротаба тортилганда — 7,0 балл;

9-10 маротаба тортилганда — 5,0 балл;

1 — 8 маротаба тортилганда ёхуд умуман тортила олмаганда — 0 балл билан баҳоланади.

10. 100 метрга югуриш машқи:

юқори ёки қуйи стартдан амалга оширилади;

стадионнинг югуриш йўлакчаси ёки қаттиқ қопламли текис жойларда ўтказилади.

11. Номзодларнинг 100 метрга югуриш машқи қуйидагича баҳоланади:

Эркаклар учун:

14,2 сония ичида бажарганда — 10,0 балл;

14,3 — 14,6 сонияда бажарганда — 7,0 балл;

14,7 — 15,4 сонияда бажарганда — 5,0 балл;

15,5 сонияда ва ундан кўп вақтда бажарганда — 0 балл билан баҳоланади.

Қизлар учун:

17,0 сония ичида бажарганда — 10,0 балл;

17,1 — 17,8 сонияда бажарганда — 7,0 балл;

17,9 — 18,4 сонияда бажарганда — 5,0 балл;

18,5 сонияда ва ундан кўп вақтда бажарганда — 0 балл билан баҳоланади.

12. 3000 (1000) метрга югуриш машқлари стадионнинг югуриш йўлакчалари ёки текис жойларда, умумий ёки алоҳида старт берилган ҳолда ўтказилади. Старт ва марра чизиқлари бир жойда белгиланиши мумкин.

13. Номзодларнинг 3000 метрга югуриш машқи қуйидагича баҳоланади:

12,50 дақиқа ичида бажарганда — 10,0 балл;

12,50 дақиқадан кўп, бироқ 13,10 дақиқагача бажарганда — 7,0 балл;

13,10 дақиқадан кўп, бироқ 13,45 дақиқагача бажарганда — 5,0 балл;

13,45 дақиқадан кўп вақтда бажарганда — 0 балл билан баҳоланади.

14. Номзодларнинг 1000 метрга югуриш машқи қуйидагича баҳоланади:

4,30 дақиқа ичида бажарганда — 10,0 балл;

4,30 дақиқадан кўп, бироқ 4,50 дақиқагача бажарганда — 7,0 балл;

4,50 дақиқадан кўп, бироқ 5,20 дақиқагача бажарганда — 5,0 балл;

5,20 дақиқадан кўп вақтда бажарганда — 0 балл билан баҳоланади.

15. Куч ишлатиш машқлари комплексини бажаришда бир дақиқада иккита машқ узлуксиз бажарилади.

Ҳар бир машқни бажариш учун 30 сония вақт ажратилади.

16. Биринчи машқни бажаришда:

чалқанча ётилади;

қўллар белда, тиззалар букилмаган ҳолда оёқлар тўпиқ қисмидан бошқа одам ёрдамида ушланади;

дастлабки ҳолатдан гавда олдинга кўтарилиб, қўллар оёқ учига теккандан сўнг, дастлабки ҳолатга қайтилади.

Ушбу машқни бажариш вақтида тиззаларни букиш ва шерик томонидан оёқларни қўйиб юбориш тақиқланади.

17. Биринчи машқ учун ажратилган 30 сония вақт тугаганлиги эълон қилингандан сўнг, дарҳол иккинчи машқни бажаришга киришилади.

18. Иккинчи машқни бажаришда:

таяниб ётилади, қўллар елка кенглигида тиззалар букилмаган ҳолатда бўлади;

қўллар букилиб ёзилади (бунда бел ҳамда елка қисмлари биргаликда ва текис тушиб чиқиши шарт);

қўллар букилиб тана ерга нисбатан параллел ҳолатга келтирилгандан сўнг, дастлабки ҳолатга қайтилади.

Ушбу машқни бажариш вақтида қўллар чала букилиб ёзилиши, бел ва елкалар ҳар хил тушиб чиқиши, тиззаларнинг ерга тегиши тақиқланади.

19. Номзодларнинг куч ишлатиш машқлари комплексини бажариш машқи қуйидагича баҳоланади:

34 маротаба ва ундан кўп бажарилганда — 10,0 балл;

32-33 маротаба бажарилганда — 7,0 балл;

28 — 31 маротаба бажарилганда — 5,0 балл;

1 — 27 маротаба бажарилганда ёхуд умуман бажарилмаганда — 0 балл билан баҳоланади.

3-§. Яқуний қоида

20. Умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш натижалари бўйича мазкур Методиканинг иловасига мувофиқ шаклда қайднома расмийлаштирилади. Қайднома умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш бўйича масъул шахслар томонидан имзоланади ҳамда қабул комиссияси раисига топширилади.

Умумжисмоний тайёргарлик даражасини
баҳолаш методикасига
ИЛОВА

Умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш
ҚАЙДНОМАСИ
(ўғил болалар учун)

Топшириш жойи: _____

Топшириш санаси: 20__ йил __ _____

Гуруҳ рақами: ____

Т/р	Номзодларнинг Ф.И.О	Машқларнинг номи ва баллари			Умумий балл
		тўсин(турник)да тортилиш	100 метрга югуриш	3000 метрга югуриш	
1.					
2.					
3.					
4.					
...					

(масъул шахснинг лавозими ва унвони)

(имзо)

(Ф.И.О.)

(масъул шахснинг лавозими ва унвони)

(имзо)

(Ф.И.О.)

(масъул шахснинг лавозими ва унвони)

(имзо)

(Ф.И.О.)

(масъул шахснинг лавозими ва унвони)

(имзо)

(Ф.И.О.)

**Умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш
ҚАЙДНОМАСИ**
(қизлар учун)

Топшириш жойи: _____

Топшириш санаси: 20__ йил ____ _____

Гуруҳ рақами: ____

Т/р	Номзодларнинг Ф.И.О	Машқларнинг номи ва баллари			Умумий балл
		куч ишлатиш машқлари комплекси	100 метрга югуриш	1000 метрга югуриш	
1.					
2.					
3.					
4.					
...					

(масъул шахснинг лавозими ва унвони)

(имзо)

(Ф.И.О.)

(масъул шахснинг лавозими ва унвони)

(имзо)

(Ф.И.О.)

(масъул шахснинг лавозими ва унвони)

(имзо)

(Ф.И.О.)

(масъул шахснинг лавозими ва унвони)

(имзо)

(Ф.И.О.)

Хорижий давлатлар таълим муассасаларида
ўқиш учун танлов ўтказиш тартиби тўғриси-
даги низомга
10-ИЛОВА

**Чет тилларини ўзлаштирганлик даражасини баҳолаш
МЕТОДИКАСИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Номзод умумтаълим муассасаларида чет тили сифатида инглиз, немис ёки француз тилларини ўрганган тақдирда чет тилларини ўзлаштирганлик даражаси компьютер дастурига киритилган тест саволларини бериш йўли билан текширилади.

2. Номзодларнинг чет (инглиз, немис, француз) тилларини ўзлаштирганлик даражасини баҳолаш бўйича синов бошланишидан олдин уларга мазкур Методикада назарда тутилган баҳолаш тартиби тушунтирилади ҳамда тегишли йўл-йўриқлар берилади.

3. Тест саволлари ва уларнинг жавоблари Қабул комиссияси таркибидаги чет тилларини ўзлаштирганлик даражасини баҳолаш бўйича масъул ходимлар томонидан 1 июнь кунига қадар ишлаб чиқилади, Қабул комиссияси раиси томонидан тасдиқланади ва тегишли компьютерлар дастурига кириштилади.

4. Ҳар бир саволга 4 тадан («А», «В», «С», «D») жавоблар варианты берилган бўлиб, ҳар бир тест саволига фақат битта тўғри жавоб белгиланиши лозим.

5. Тест саволлари ва уларнинг жавоблари ошкор қилинмаслиги учун Қабул комиссияси масъул котиби жавобгар ҳисобланади.

6. Умумтаълим муассасаларида бошқа чет тили (испан, араб, форс, дари, хинд, урду, хитой, корейс, уйғур ва бошқа тиллар) бўйича ўқиган тақдирда номзод чет тилларини ўзлаштирганлик даражасини баҳолаш бўйича синовлар ўрнига мазкур низомнинг 11-иловасида назарда тутилган методикага мувофиқ Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида ягона кўп балли баҳолаш тизими бўйича чет тилидан имтихон топширади.

7. Номзод ўқишга кириш учун берилган ариза (билдирги)да қайси чет тилидан имтихон топширишини кўрсатиши лозим.

2-боб. Чет тилларини ўзлаштирганлик даражасини баҳолаш

8. Номзодга тест топшириқларини бажариш учун ўттизта саволга бир соат вақт меъёри белгиланади. Номзодга тест синовларини қайта топширишга рухсат берилмайди.

9. Тест синовлари ўтказилаётган аудиторияга луғат, китоблар, уяли телефон, компьютер, телекоммуникация воситалари ва шпаргалкалар олиб кириш тақиқланади.

10. Тест саволларини шакллантиришда чет тилларига ихтисослашмаган умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими фанларининг ўқув дастурларига мувофиқ келадиган ва номзоднинг олган билимларини аниқлаш имкониятини берадиган материаллар танланади.

11. Тест синовлари натижаси «30» баллик тизимда, ҳар бир тўғри жавоб учун 1 балл, ҳар бир нотўғри жавоб учун 0 балл билан баҳоланади.

3-боб. Якуний қоида

12. Чет тиллари (инглиз, немис, француз)ни ўзлаштирганлик даражасини баҳолаш натижалари бўйича мазкур Методиканинг иловасига мувофиқ шаклда қайднома расмийлаштирилади. Қайднома синовни қабул қилган масъул шахслар томонидан имзоланади ҳамда Қабул комиссияси раисига топширилади.

Чет тилларини ўзлаштирганлик
даражасини баҳолаш методикасига
ИЛОВА

**Номзодларнинг чет тилларини ўзлаштирганлик
даражасини баҳолаш
ҚАЙДНОМАСИ**

Топшириш жойи _____

Топшириш санаси _____

Гуруҳ рақами: ____

Т/р	Номзоднинг Ф.И.О	Тўғри жавоблар сони	Нотўғри жавоблар сони	Тўпланган балл
1				
2				
3				
4				
...				

_____ (масъул шахснинг лавозими ва унвони)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

_____ (масъул шахснинг лавозими ва унвони)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

_____ (масъул шахснинг лавозими ва унвони)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

_____ (масъул шахснинг лавозими ва унвони)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

Хорижий давлатлар таълим муассасаларида
ўқиш учун танлов ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
11-ИЛОВА

**Ягона кўп балли имтиҳон тизими бўйича
чет тилидан имтиҳон ўтказиш
МЕТОДИКАСИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ягона кўп балли баҳолаш тизими бўйича чет тилидан имтиҳонларни қабул қилиш учун тегишли мутахассисларни жалб этган ҳолда ташкил этилади. Бунда фанлар бўйича тажрибали ва малакали ўқитувчилар жалб этилади.

2. Имтиҳонлар тасдиқланган жадвалга қатъий риоя этилган ҳолда ўтказилади ҳамда имтиҳон ўтказилишидан уч кун олдин номзодлар билан маслаҳатлар ташкил этилади.

3. Имтиҳон чет тилларини ўзлаштирганлик даражасини баҳолаш бўйича ўтказиладиган тест синовлари учун ажратилган баллни ҳисобга олган ҳолда ягона кўп балли тизим бўйича максимал балл 30,0 балл билан баҳоланади.

4. Имтиҳонда тегишли чет тили бўйича номзоднинг матнни ўқий олиши, таржима қила олиши, матннинг (мақоланинг) мазмунини гапириб бера олиши, берилган мавзуну билиши, мамлакатда амалга ошириладиган ислохотлар ва уларнинг мазмуни юзасидан саволларга жавоб бера олиши, жумлани грамматик таҳлил қила олиши, нутқни грамматик ва лексик жиҳатдан шакллантира олиши, талаффуз қила олиши, ёза олиши текширилади ва баҳоланади.

5. Ягона кўп балли баҳолаш тизими бўйича чет тилидан имтиҳонларга узрли сабабларсиз келмаган номзодларга имтиҳонлар қайта ташкил этилмайди.

2-боб. Баҳолаш мезонлари

6. Номзодларнинг имтиҳонда саволларга берган жавоблари мазкур бобда белгиланган мезонлар бўйича баҳоланади.

7. Чет тили бўйича номзоднинг матнни ўқий олиши, таржима қила олиши, матннинг (мақоланинг) мазмунини гапириб бера олиши, мамлакатда амалга ошириладиган ислохотлар ва уларнинг мазмуни юзасидан саволларга жавоб бера олиши текширилади ва қуйидагича баҳоланади:

а) агар номзод қуйидагича жавоб берса, 30,0 балл қўйилади:

матнни ўқишда хато қилмаса — 8,5 балл;

матнни тўлиқ (100 фоиз) таржима қилса — 8,5 балл;

матннинг (мақоланинг) мазмунини тўлиқ гапириб берса — 8,0 балл;

мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг мазмуни юзасидан берилган иккита саволга ҳам жавоб берса — 5 балл;

б) агар номзод қўйидагича жавоб берса, 25 балл қўйилади:

матндаги иккитагача сўзни ўқишда хато қилса — 7,5 балл;

матннинг 90 фоизини таржима қилса — 7,5 балл;

матннинг (мақоланинг) мазмунини гапириб берса — 7 балл;

мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг мазмуни юзасидан берилган иккита саволнинг биттасига жавоб берса — 3 балл;

в) агар номзод қўйидагича жавоб берса, 20 балл қўйилади:

матндаги бештагача сўзни ўқишда хато қилса — 7 балл;

матннинг 80 фоизини таржима қилса — 7 балл;

матннинг (мақоланинг) фақат умумий мазмунини гапириб берса — 6 балл;

мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг мазмуни юзасидан берилган иккита саволнинг ҳеч қайсисига жавоб бермаса — 0 балл қўйилади;

г) агар номзод қўйидагича жавоб берса, 12 балл қўйилади:

матндаги еттитагача сўзни ўқишда хато қилса — 6 балл;

матннинг 70 фоизини таржима қилса — 6 балл;

матннинг (мақоланинг) мазмунини гапириб бера олмаса, берилган мавзуни билмаса, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг мазмуни юзасидан берилган иккита саволнинг ҳеч қайсисига жавоб бермаса — 0 балл қўйилади;

д) агар номзод қўйидагича жавоб берса, 5 балл қўйилади:

матннинг 60 фоизини таржима қилса — 5 балл;

матндаги саккизтадан ортиқ сўзни ўқишда хато қилса ёки умуман ўқий олмаса, матннинг (мақоланинг) мазмунини гапириб бера олмаса, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг мазмуни юзасидан берилган иккита саволнинг ҳеч қайсисига жавоб бермаса — 0 балл қўйилади;

е) агар номзод қўйидагича жавоб берса, 4 балл қўйилади:

матннинг 50 фоизини таржима қилса — 4 балл;

матндаги саккизтадан ортиқ сўзни ўқишда хато қилса ёки умуман ўқий олмаса, матннинг (мақоланинг) мазмунини гапириб бера олмаса, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг мазмуни юзасидан берилган иккита саволнинг ҳеч қайсисига жавоб бермаса — 0 балл қўйилади.

ж) агар номзод қўйидагича жавоб берса, 0 балл қўйилади:

матннинг 50 фоизидан камини таржима қилса — 0 балл;

матндаги саккизтадан ортиқ сўзни ўқишда хато қилса ёки умуман ўқий олмаса, матннинг (мақоланинг) мазмунини гапириб бера олмаса, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг мазмуни юзасидан берилган иккита саволнинг ҳеч қайсисига жавоб бермаса ёки узрли сабабларсиз имтиҳонга келмаса — 0 балл қўйилади.

3-боб. Яқуний қоидалар

8. Номзоднинг жавоблари қабул қилингандан сўнг, имтиҳонни қабул қилувчи ҳар бир мутахассис номзодга ўзининг баҳосини қўяди. Мутахассислар томонидан қўйилган баҳолар муҳокама қилиниб, ҳар бир номзодга имтиҳон натижалари бўйича мазкур Методиканинг иловасига мувофиқ шаклдаги қайдномага ўртача арифметик балл қўйилади.

9. Қўйилган барча баллар умумлаштирилиб, номзоднинг ўртача арифметик баҳоси аниқланади. Қайднома масъул шахслар томонидан имзоланади ҳамда Қабул комиссияси раисига топширилади.

10. Қабул қилинган имтиҳон бўйича эътирозлар шу куннинг ўзида Апелляция комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

Ягона кўп балли имтиҳон тизими
бўйича чет тилидан имтиҳонни
баҳолаш мезонларига
ИЛОВА

**Чет тилидан имтиҳон натижалари бўйича
ҚАЙДНОМА**

Номзод _____
(Ф.И.О.)

Топшириш жойи: _____

Топшириш санаси: 20__ йил ____ _____.

Имтиҳон топширилган тил: _____.

Номзодга қўйилган балл _____.

_____	_____	_____
(масъул шахснинг лавозими ва унвони)	(имзо)	(Ф.И.О.)
_____	_____	_____
(масъул шахснинг лавозими ва унвони)	(имзо)	(Ф.И.О.)
_____	_____	_____
(масъул шахснинг лавозими ва унвони)	(имзо)	(Ф.И.О.)
_____	_____	_____
(масъул шахснинг лавозими ва унвони)	(имзо)	(Ф.И.О.)

Хорижий давлатлар таълим муассасаларида
ўқиш учун танлов ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
12-ИЛОВА

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

(қабул комиссияси раисининг унвони, Ф.И.О. ва имзоси)

20__ йил «__» _____

**Хорижий давлатлар таълим муассасаларида
ўқиш учун танлов ўтказиш бўйича қабул
комиссияси йиғилишининг
БАЁННОМАСИ
_____ -сон**

20__ йил «__» _____

Тошкент шаҳри

Раислик қилувчи:

(қабул комиссияси раисининг унвони ва Ф.И.О.)

Қатнашганлар:

(қабул комиссияси аъзолари)

КУН ТАРТИБИ:

(номзодларни тиббий кўрикка қўйиш масаласини кўриб чиқиш тўғрисида)

Хорижий давлатлар таълим муассасаларида ўқиш учун танлов ўтказиш бўйича қабул комиссияси номзодларнинг махсус касбий танлов натижаларини кўриб чиқиб ҳамда мазкур Низомнинг 48-бандига **асосан, қарор қилади:**

Т/р	Номзоднинг Ф.И.О.	Махсус касбий танлов натижалари			Умумий балл	Тиббий кўрикка қўйилганлиги ёки қўйилмаган- лиги ҳақида ёзув
		психологик ўрганиш	умумий таъриқ даражасини баҳолаш	чет тилларини ўзлаштирилганлиги даражасини баҳолаш		
1.						
2.						
3.						
4.						
...						

Қабул комиссияси
масъул котиби:

(унвони, Ф.И.О.)

Қабул комиссияси
аъзолари:

(унвони, Ф.И.О.)

(унвони, Ф.И.О.)

Хорижий давлатлар таълим муассасаларида
ўқиш учун танлов ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
13-ИЛОВА

Якка тартибдаги якуний суҳбат ўтказиш МЕТОДИКАСИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Якка тартибдаги якуний суҳбат номзодларнинг ҳуқуқшунослик, Ўзбекистон ва жаҳон тарихи, адабиёт, маънавият асослари ва миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар фанлари бўйича билимларини ҳар томонлама ва холисона баҳолаш мақсадида оғзаки савол-жавоб тарзида ўтказилади.

2. Якуний суҳбат давомида номзодларга бериладиган саволлар комиссия аъзолари, тарих, ҳуқуқшунослик, адабиёт, маънавият асослари фанлари бўйича малакали мутахассислар томонидан тузилади ва саволлар бўйича билет вариантлари 1 июнь кунига қадар тайёрланади ҳамда қабул комиссияси раиси томонидан тасдиқланади. Билетлардаги саволларнинг такрорланишига йўл қўйилмайди.

3. Номзодларга бериладиган саволлар мазмуни ҳуқуқшунослик, Ўзбекистон ва жаҳон тарихи, адабиёт, маънавият асослари ва миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар фанлари бўйича умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими фанларининг ўқув дастурларига мувофиқ ишлаб чиқилади.

4. Комиссия раиси томонидан тасдиқланган саволлар рўйхати ва билет вариантлари комиссия масъул котибининг сейфида сақланади. Масъул котиб саволлар рўйхати ва билет вариантлари ошкор қилинмаслиги учун жавобгар ҳисобланади.

5. Якуний суҳбат куни номзодларда фуқаролик паспорти бўлиши шарт.

2-боб. Якка тартибдаги якуний суҳбатни ўтказиш

6. Якка тартибдаги якуний суҳбат коллегиал принцип бўйича, Қабул комиссияси томонидан ўтказилади.

7. Якка тартибдаги якуний суҳбатда номзод 4 та саволдан иборат билетга жавоб беради.

Ҳар бир билетда:

биринчи саволда — ҳуқуқшунослик фанлари;

иккинчи саволда — Ўзбекистон ва жаҳон тарихи;

учинчи саволда — адабиёт;

тўртинчи саволда — маънавият асослари ва миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар фанлари акс этади.

8. Номзодлар суҳбатга тасдиқланган рўйхат бўйича аудиторияда беш нафардан кўп бўлмаган ҳолда, кетма-кетликда киритилади ва якка тартибда билетлардан бирини танлайди.

9. Номзодлар билетлардан бирини танлаб олгач, саволларга тайёргарлик кўришлари учун 20 дақиқа вақт берилади. Агарда номзод ушбу вақтдан фойдаланишни лозим деб топмаса, тайёргарлик кўрмасдан жавоб беришига рухсат этилади.

3-боб. Якка тартибдаги якуний суҳбат натижаларини аниқлаш

10. Якка тартибдаги якуний суҳбат натижаси 110 баллик тизимда қуйидагича баҳоланади:

биринчи савол учун — максимал 40 балл;

иккинчи савол учун — максимал 25 балл;

учинчи саволда — максимал 25 балл;

тўртинчи саволда — максимал 20 балл.

Саволларнинг бирортасига ҳам тўғри жавоб берилмаган бўлса — 0 балл қўйилади.

11. Номзоднинг ҳар бир савол бўйича жавоби қуйидаги мезонлар бўйича алоҳида баҳоланади:

номзод тўғри хулоса ва қарор қабул қилади, ижодий фикрлай олади, мустақил мушоҳада юритади, амалда қўллай олади, моҳиятини тушунади, билади ва айтиб беради деб топилганда — биринчи савол учун 40 балл, иккинчи ва учинчи саволлар учун 25 балл, тўртинчи савол учун 20 балл;

номзод мустақил мушоҳада юритади, амалда қўллай олади, моҳиятини тушунади, билади, айтиб беради ва тасаввурга эга деб топилганда — 32 балл, иккинчи ва учинчи саволлар учун 20 балл, тўртинчи савол учун 16 балл;

номзод моҳиятини қисман тушунади, билади, айтиб беради ва тасаввурга эга деб топилганда — 24 балл, иккинчи ва учинчи саволлар учун 15 балл, тўртинчи савол учун 12 балл;

номзод билмайди, айтиб бера олмайди ва тасаввурга қисман эга деб

топилганда — 16 балл, иккинчи ва учинчи саволлар учун 10 балл, тўртинчи савол учун 8 балл;

номзод билмайди, айтиб бера олмайди ва тасаввурга эга эмас деб топилганда — 0 балл қўйилади.

4-боб. Якуний қоидалар

12. Номзоднинг саволларга жавоби эшитилгандан сўнг комиссиянинг ҳар бир аъзоси номзодга ўзининг баҳосини қўяди. Комиссия аъзолари томонидан қўйилган баҳолар муҳокама қилиниб, ҳар бир номзодга якка тартибдаги якуний суҳбат натижалари бўйича мазкур Методиканинг иловасига мувофиқ шаклдаги қайдномага ўргача арифметик балл қўйилади.

13. Мазкур қайднома комиссия аъзолари томонидан имзоланади ва унинг масъул котибига топширилади.

Якка тартибдаги якуний суҳбат
ўтказиш методикасига
ИЛОВА

Якка тартибдаги якуний суҳбат натижалари бўйича ҚАЙДНОМА

Сана: _____

Гуруҳ рақами: ____

Т/р	Номзоднинг Ф.И.О.	Саволларга қўйилган баллар				Тўплаган балл
		1-савол	2-савол	3-савол	4-савол	
1.						
2.						
3.						
4.						
...						

Қабул комиссия
раиси (ўринбосари)

_____ (имзо) _____ (унвони ва Ф.И.О.)

Қабул комиссияси
масъул котиби

_____ (имзо) _____ (унвони ва Ф.И.О.)

Қабул комиссияси
аъзолари

_____ (имзо) _____ (унвони ва Ф.И.О.)

(имзо)	(унвони ва Ф.И.О.)
(имзо)	(унвони ва Ф.И.О.)

Хорижий давлатлар таълим муассасаларида
ўқиш учун танлов ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
14-ИЛОВА

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

(қабул комиссияси раисининг унвони, Ф.И.О. ва имзоси)

20__ йил «__» _____

**Хорижий давлатлар таълим муассасаларида ўқиш учун
танлов ўтказиш бўйича қабул комиссияси йиғилишининг
БАЁННОМАСИ**
_____-сон

20__ йил «__» _____

Тошкент шаҳри

Раислик қилувчи:

(қабул комиссияси раисининг унвони ва Ф.И.О.)

Қатнашганлар:

(қабул комиссияси аъзолари)

(қабул комиссияси аъзолари)

КУН ТАРТИБИ:

(номзодларни _____га
ўқишга юбориш масаласини кўриб чиқиш тўғрисида)

Хорижий давлатлар таълим муассасаларида ўқиш учун танлов ўтказиш бўйича қабул комиссияси номзодларнинг махсус касбий танлов ҳамда яқка тартибдаги якуний суҳбат натижаларини кўриб чиқиб ҳамда мазкур Низомнинг 60-бандига **асосан, қарор қилади:**

Т/р	Номзоднинг Ф.И.О.	Махсус касбий танловда тўплаган бали	Якка тартибдаги яқуний суҳбатда тўплаган бали	Умумий балл	Ўқишга юборилиши ёки юборилмаслиги ҳақида ёзув
1.					
2.					
3.					
4.					
...					

Қабул комиссияси
масъул котиби

(имзо)

(унвони ва Ф.И.О.)

Қабул комиссияси
аъзолари

(имзо)

(унвони ва Ф.И.О.)

(имзо)

(унвони ва Ф.И.О.)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНДЛИК ВА
МЕХНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

133 Давлат нотариал идоралари ва нотариал архивлар
фаолиятини молиялаштириш тартиби тўғрисидаги
низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
16 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2168-4*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 июндаги 104-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида нотариат институтини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида» 2010 йил 5 майдаги ПФ-4216-сон Фармони аналга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарорига ва 2011 йил 29 мартдаги 93-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасалари ходимларининг мартаба даражалари тўғрисидаги низоมนинг 15-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг 2010 йил 22 декабрдаги 19, 201 ва 106-сон қарори (рўйхат рақами 2168, 2010 йил 22 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 51-сон, 501-модда) билан тасдиқланган Давлат нотариал идоралари ва нотариал архивлар фаолиятини молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Адлия вазири

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 15 февраль,
1-сон

**Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири**

А. ХАЙТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 15 февраль,
6-қ/қ-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 16 февралда эълон қилинган.

Молия вазири**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,
2018 йил 15 февраль,
28-сон

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазирлиги ва Молия
вазирлигининг 2018 йил 15 февралдаги
1, 6-қ/қ, 28-сон қарорига
ИЛОВА

**Давлат нотариал идоралари ва нотариал архивлар
фаолиятини молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомга
кiritилаётган ўзгартиришлар**

1. 5-бандда:

учинчи хатбошидан «даража унвонлари ва кўп йил ишлаганлик учун лавозим маошларига қўшимча ҳақларни тўлаш учун» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбошидан «(даража унвонлари ва кўп йил ишлаганлик учун лавозим маошларига қўшимча ҳақларни тўлаш учун ажратиладиган маблағлар бундан мустасно)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. 10-банд «а» кичик бандининг иккинчи хатбошисидаги «12-банди (тўртинчи хатбошиси бундан мустасно) ва 13-бандига» деган сўзлар «12 ва 13-бандларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2018 йил 10 февралдан 16 февралгача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2018 йил 19 январдаги 42-сон «Экинбоп уруғликлар етиштириш мақсадида экилган навли қишлоқ хўжалик экинларини апробация қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 12 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2593-2.

2. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 23 январдаги 01/19-10/06-сон «Риэлторнинг малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 12 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2236-3.

3. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 23 январдаги 01/19-10/07-сон «Баҳоловчи малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 12 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1840-3.

4. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 30 январдаги 25-сон «Қамоқ жазосига ва озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган, алкоголизм, гиёҳвандлик ва заҳарвандликка йўлиққан шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 12 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2591-1.

5. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғининг 2018 йил 5 февралдаги 67-сон «Йўналишсиз таксилар учун ҳисоблагичлар (таксометрлар) ва таниш белгиларини етказиб бериш бўйича юридик шахсларни танлов асосида танлаб олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 12 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2256-1.

6. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 13 февралдаги 85-мх-сон «Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат ходимларини мартаба даражалари бўйича аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандига қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 13 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2919-1.

7. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 13 февралдаги 86-мх-сон «Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат ходимларига мартаба даражалари бериш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 13 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2920-2.

8. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил 26 декабрдаги 182-сон «Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 15 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2971.

9. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил 26 декабрдаги 181-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган ташкилотларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 15 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2270-1.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 9 январдаги 3, 01/29-10/02-сон «Давлат улушларини ишончли бошқариш ва акциядорлик жамиятларини бошқаришда иштирок этиш махсус ҳуқуқи («олтин акция») бўйича давлат вакилларининг хизмат ҳақи тўловларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 15 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2263-2.

11. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 6 февралдаги 2018/01-09, 18, 01-02/12-50-сон «Ўзбекистон Республикасида махсус товарлар экспорти ва импортини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низом, шунингдек унга ўзгартиришни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарор.

2018 йил 15 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 422-2.

12. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 14 январдаги 13-сон «Хорижий давлатлар таълим муассасаларида ўқиш учун танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 16 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2972.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг 2018 йил 15 февралдаги 1, 6-қ/қ, 28-сон «Давлат нотариал идоралари ва нотариал архивлар фаолиятини молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 16 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2168-4.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлигининг «Ўйналишсиз таксилар учун ҳисоблагичлар (таксометрлар) ва таниш белгиларини етказиб бериш бўйича юридик шахсларни танлов асосида танлаб олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2256, 2011 йил 19 август).

Адлия вазирининг 2018 йил 12 февралдаги 84-мқ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган ташкилотларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2270, 2011 йил 27 сентябрь).

Адлия вазирининг 2018 йил 15 февралдаги 88-мқ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикасида махсус товарлар экспорти ва импортини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 422, 1998 йил 8 апрель), шунингдек унга ўзгартириш (рўйхат рақами 422-1, 1998 йил 17 июль).

Адлия вазирининг 2018 йил 15 февралдаги 90-мқ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.